



Р. Н. ТОЖИБОЕВ, М. М. ШУКУРОВ

МАШИНА ~~НИ~~
ДЕТАЛЛАРИНИ ~~НИ~~
ЛОЙИХАЛАШГА

«ФАН»

Р. Н. ТОЖИБОВЕВ, М. М. ШУКУРОВ

МАШИНА ДЕТАЛЛАРИНИ ЛОЙИҲАЛАШ



ТОШКЕНТ
УЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ
«ФАН» НАШРИЕТИ

1997

Билим

621.81

Т 60

Ушбу ўқув қўлланма Олий техника ўқув юртлари талабалари учун «Машина деталлари», «Амалий механика» курсларига қўшимча адабиёт сифатида мўлжалланган.

Қўлланмада юқоридаги фанлар ўқув дастурига мос равишда, барча қисмлар бўйича масалаларни ечиш усуллари ҳамда машина деталларини ҳисоблаш ва лойҳалашга доир мисоллар келтирилган. Узатма деталларини ҳамда умумий машинасозликда кўп ишлатиладиган цилиндрсимон, конуссимон, червякли узатмаларни лойҳалашнинг барча босқичлари кўргазмали тарзда берилган.

Қўлланмада жуда кўплаб маълумот характерига эга бўлган материаллар берилганки, улар талабаларнинг машина деталлари узелларини лойҳалаш ишини енгилаштиради.

Ушбу қўлланма ўзбек тилида биринчи марта ёзилган. Унинг тили содда ва тушунарли бўлиб, «Машина деталлари» курсини талабалар томонидан чуқур ўзлаштиришга ёрдам беради.

Масъул муҳаррир:
техника фанлари доктори А. ЖУРАЕВ

Тақризчилар:
техника фанлари номзодлари С. Т. МУСАЕВ, Т. АБДУҚАРИМОВ

4/к 2960

БИБЛИОТЕКА

2702000000 — з=103/96

М 355 (04) - 96

ISBN 5-648-02451-7

рез. 96

© Тошкент Тўқимачилик ва енгил саноат институти, ЎзР ФА «Фан» нашриёти, 1997 й.

СУЗ БОШИ

«Машина деталларини лойҳалаш» ўқув қўлланмаси олий ўқув юртлари дастури асосида ёзилган бўлиб, техник ўқув юртлари талабаларига мўлжалланган.

Халқ хўжалигида ишлатиладиган машиналарнинг иш унумдорлиги, тайёрланган махсулотларнинг сифати кўп жиҳатидан машинасозлик саноати тараққиётининг қай даражада эканлигига боғлиқ. Саноатда ишлатиладиган машина деталлари, узеллари арзон, нисбатан енгил материаллардан тайёрланиб, бу материалларнинг мустаҳкамлиги, биқирлиги, ёйилишга, иссиқликка чидамлиги етарли даражада бўлиши зарур. Тайёрланган машиналарни ишлатиш қулай, ҳавфсиз бўлиб, у давлат стандарти талабларига тўла жавоб бериши керак. Бундан ташқари деталлар ишдан чиққанда янгисини тез ва осон алмаштирини мумкин бўлиши ҳам керак.

Республикамизда машинасозлик саноатини янада юқори кўтариш, яъни машиналарнинг иш унумдорлигини ошириш, махсулотнинг сифатини яхшилаш учун муҳандис-конструкторлар ҳозирги замон талабларига жавоб берадиган машиналарни лойҳалашлари керак.

«Машина деталларини лойҳалаш» ўқув қўлланмаси ёрдамида талабалар биринчи марта мустақил равишда машина деталларини, масалан тишли филдирак, вал, узеллардан, ёпиқ-узатма, муфта, подшипник ва бошқаларни машина деталлари курсининг назарий қисмида олган билимлари асосида амалий равишда ҳисоблаб, лойҳалаб, мустақил фикрлаш қобилиятини такомиллаштирадilar. Деталларни ҳисоблаш ва лойҳалаш даврида чизмачилик, олий математика, материалшунослик, материаллар қаршилиги каби фанлардан олинган билимлардан кенг фойдаланиш керак.

Ўқув қўлланмада барча турдаги узатмаларни ҳисоблаш ва лойҳалаш кўрсатилган. Бунинг учун зарур бўлган жадваллар, расмлар, стандарт маълумотлар, методик тавсиялар баён этилган.

«Машина деталларини лойҳалаш» ўқув қўлланмаси ўзбек

тилида ёзилган биринчи китоб бўлиб, бунда муаллифларнинг кўп йиллик иш тажрибаси ҳамда Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институтининг «Механизмлар назарияси ва машина деталлари» кафедрасининг мудирин профессор А. Жўраев, шу кафедранинг доценти А. А. Жаляев, Тошкент автомобил йўллари институтининг доценти С. Т. Мусаевларнинг китобни ёзишда берган маслаҳатлари эътиборга олинди.

Уқув қўлланманинг I, II, III боблари доцент Р. Н. Тожибоев, IV, V, VI боб доцент М. М. Шукуров томонидан ёзилган.

ҚИРИШ

Лойиҳа, бу техник ҳужжатларнинг умумлашгани бўлиб, биронта механизмни тайёрлаш учун ҳамма чизмалар уларнинг ҳисоби ва бошқа керакли маълумотларнинг йиғиндисидан иборат бўлади. Бу лойиҳаланган машина керакли ишни мўлжалланган вақт давомида қўшимча харажатсиз сифатли равишда бажариши керак. Машина деталларини тайёрлаш учун ишлатиладиган материалларнинг таннари арзон бўлиб, уларни қайта ишлаш технологик жиҳатдан енгил ҳамда мустаҳкамлигини ошириш учун термик қайта ишланишига имкон бўлиши керак.

Машина деталларининг геометрик ўлчамлари аниқланиб, улар мустаҳкамликка, бикирликка, лозим бўлса тебранишга, ейилишга, иссиқликка чидамлилига текширилади.

Курс лойиҳасини бажариш жараёнида талабалар керакли чизмаларни чизиб, зарур ҳисобларни қилишни ўрганади, бу эса бўлажак муҳандислар учун биринчи босқич бўлиб ҳисобланади.

Бу курсда талабалар энг оддий деталларни, чунончи саноатда ишлатиладиган машиналар учун умумий бўлган тишли вилдираклар, валлар, подшипник ва шу каби деталларнинг узелларини лойиҳалаш, яъни ҳисоблаш ва чизишни ўрганиди.

Топшириқлар

Машина деталлари курсида, курс иши бўйича топшириқ сифатида саноатда кўп ишлатиладиган машина ва механизмларнинг, масалан, лентали, занжирли конвейерлар, станокларнинг юритмасини (тишли ва тасмали узатмалар, подшипник, муфта узеллари) лойиҳалаш ўрганилади.

Лойиҳа ишининг ҳажми ва мазмуни

Лойиҳанинг ҳажми мутахассисликка боғлиб бўлиб, бунда қабул қилган форматлар бўйича бир неча чизмалар чизилади. Чизмаларни чизиш учун керакли ҳисобларнинг ҳаммаси бажариши керак бўлади. Чизилган чизмаларнинг биттаси юритманинг умумий кўриниши бўлиб, бунда иккита проекция, зарур бўлганда учта проекция чизилади. Юритманинг узеллари камида битта формат қоғозда чизилади, масалан, узел сифатида ёпиқ узатма олиниши

мумкин, бу ерда ҳам иккита проекция, керак бўлганда учта проекция олинади. Узел деталларнинг ишчи чизмалари алоҳида форматга чизилиб, бунда бир неча деталлар олинади.

Деталларнинг ишчи чизмасини чизиш 3-бобда, узелларни ҳамда юритманинг умумий кўринишни чизиш 6-бобда кўрсатилган.

1-б о б. УЗАТМАЛАР

1.1 § Юритманинг кинематик ҳисоби

Юритманинг кинематик схемасини танлаш ва ҳисоблаш лойиҳалашнинг биринчи босқичи ҳисобланади. Двигател билан ишчи вали ўртасида жойлашган узатма бир неча функцияни бажаради, масалан:

1. Ишчи валидаги тезликни ошириб ёки камайтириб беради;
2. Буровчи моментни ошириб ёки камайтириб беради;
3. Харакатнинг йўналишини ўзгартиради;
4. Бир неча двигателдан олинган харакатни қўшади ёки айиради;
5. Тезликни бир текисда ўзгартиради;
6. Ишчи машиналарни ўта юкланишдан сақлайди.

Машина деталларини лойиҳалаш курсида, асосан электродвигател айланиш сонини камайтириш, ишчи валидаги буровчи моментнинг ошишини таъминлайдиган узатмаларни ҳисоблаш ва лойиҳалаш ўрганилади.

Узатмаларни танлашда унинг ишлаш шароити, иш давомида юкланиш характери, ишлаш муддати, хавфизлиги ҳисобга олинади.

Юритмани лойиҳалаш, унинг кинематик ўлчамларини ҳисоблашдан, бу эса ўз навбатида электродвигател танлашдан бошланади.

1.2 § Электродвигателни танлаш

Халқ хўжалиги учун ҳар хил электродвигателлар ишлаб чиқарилади, маслан:

1. Валнинг бурчак тезлигини бир тексда ўзгартира оладиган ҳамда машина валларини бир тексда қўйиш (пуск), тормозлаш, икки томонлама (реверс) ҳаракатланадиган доимий электродвигателлар. Бу хил двигателлар, асосан юк кўтарувчи ускуналар, кранларда ишлатилади.
2. Қам қувват ёрдамида ҳаракатланувчи механизмларда (бытовые механизмы) ишлатиладиган бир фазали асинхрон двигателлари.

3. Уч фазали синхрон двигателлари, асосан катта қувват ёрдамида ҳаракатланувчи юритмаларда ишлатилади, бунда валларнинг айланиш тезлиги ҳар қандай юкланиш таъсирида ҳам ўзгармайди.

4. Ҳазарувчан токда ишлайдиган уч фазали асинхрон двигателлари. Бу турдаги двигателлар нисбатан арзон, ишда пухта, тузилиши оддий бўлганлиги учун халқ хўжалигида кенг тарқалган.

Машина деталлари курсида узатмалар учун, асосан юқорида санаб ўтилган тўртинчи турдаги двигателлар танланди. Бунда двигател валининг айланиш сони қўйидагича бўлиши мумкин.

Синхрон айланишлар сони 3000, 1500, 1000, 750 мин⁻¹. Сирпанишни ҳисобга олганда 2880, 1440, 960, 720 мин⁻¹.

Электродвигателни танлаш учун юритма валининг қуввати ҳамда айланиш сони берилган бўлиши керак. Агарда ишчи валга ўрнатилган барабан ёки юлдузчадаги айланма куч F_t ҳамда шу лента ёки занжирнинг тезлиги V сек⁻¹ берилган бўлса, двигател учун керакли P қувват кВт ҳисобида қўйидагича аниқланади:

$$P = \frac{F_t \cdot V}{\eta_y} \text{ кВт.}$$

бу ерда: η_y — узатманинг умумий фойдали иш коэффициенти бўлиб, унинг қиймати юритмадаги ҳар бир узатманинг ф.и.к. қийматлари (1.2.1 жадвал) кўпайтмасига тенг, яъни $\eta_y = \eta_I \cdot \eta_{II} \cdot \eta_{III} \dots$

Лентали ва занжирли конвейерларнинг тезлигини қўйидагича аниқлаш мумкин:

а) лентали конвейер

$$V = \pi D_0 n_0 / 60 \text{ м/с}$$

б) занжирли конвейер

$$V = \pi Z t / 60 \text{ м/с}$$

бу ерда: D — барабанинг диаметри (мм);
 n_0, Π_0 — барабан ёки юлдузчанинг айланиш сони (мин⁻¹);
 Z — юлдузча тишлар сони;
 t — юлдузча тиш қадами (мм).

Узатма ишчи валида буровчи момент T (Н.м) ҳамда бурчак тезлиги рад/с берилган бўлса, двигател учун керакли P қувват қўйидагича аниқланади

$$P = T\omega / \eta_y.$$

Аниқланган қувват бўйича 1.2.2-жадвалдан двигател танлаб олиниб, эскизи чизилади ўлчамдари 1.2.3-жадвалда берилган. Узатма ҳар бир валининг қуввати аниқланади

$$P_1 = P_{\text{дв}}, \quad P_2 = P_1 \cdot \eta_I, \quad P_3 = P_2 \cdot \eta_{II}.$$

Масала. Юритмада 1.3.3-жадвалда а-Расм. $P_1 = 5,0$ кВт. Узатма валлардаги қувват аниқлансин.

Масаланинг ечими. 1.2.1-жадвалдан узатмалар учун ф.и.к. танлаймиз

$$\eta_I = 0,98 \quad \eta_{II} = 0,98.$$

$$P_2 = P_1 \cdot \eta_I = 5,0 \cdot 0,98 = 4,9 \text{ кВт.}$$

$$P_3 = P_2 \cdot \eta_{II} = 4,9 \cdot 0,98 = 4,8 \text{ кВт.}$$

1.2.1-жадвал

Узатмаларнинг Ф. И. К. — η

Узатмаларнинг тури	Ёпиқ узатма	Очиқ узатма
Цилиндрсимон	0,96 ÷ 0,98	0,93 ÷ 0,95
Конуссимон	0,95 ÷ 0,97	0,92 ÷ 0,94
Червяк $Z_1=1$	0,65 ÷ 0,70	0,50 ÷ 0,60
кирим сони $Z_1=2$	0,70 ÷ 0,60	0,60 ÷ 0,70
$Z_1=4$	0,80 ÷ 0,90	0,90 ÷ 0,93
Занжирли	0,95 ÷ 0,97	
Тасмали:		0,96 ÷ 0,98
ясси тасмали	—	0,95 ÷ 0,97
понасимон тасмали	—	

Бир жуфт думалаш подшипниклар учун $\eta = 0,99 \div 0,995$;
 Бир жуфт сирпаниш подшипниклар учун $\eta = 0,98 \div 0,99$

1.2.2жадвал

Қуввати P кВт хл. обиди	n_c синхрон айланишлар сони, мин ⁻¹			
	3000	1500	1000	750
0,25	—	—	71A6/910	71E8/680
0,37	—	—	71B6/900	80A8/675
0,55	—	71A4/1390	80A6/915	80B8/700
0,75	71A2/2840	71B4/1390	80B6/920	90LA8/700
1,1	71B2/2810	80A4/1420	90L6/935	90LB8/700
1,5	80A2/2850	80B4/1415	100L6/950	112MA8/700
2,2	90L2/2840	90L4/1425	112MA6/955	112MB8/700
3,0	100S2/2880	100S4/1435	112MB6/955	132S8/720
4,0	100L2/2880	100L4/1430	132S6/965	132M8/720
5,5	112M2/2900	112M4/1445	132M6/970	160S8/730
7,5	132M2/2900	132S4/1455	160S6/975	160M8/730
11	160S2/2940	132M4/1460	160M6/975	180M8/730
15	160L2/2940	160S4/1465	180M6/975	—
18,5	160M2/2940	160M4/1465	180M6/975	—

Илова: А — двигателнинг шит ҳамда станиниси алюминийдан тайёрланган (агарда бу ҳарф қўйилмаган бўлса, чўян ёки пўлат материалдан тайёрланган); L, S, M — станина-

нинг узунлиги бўйича ўлчами; 3, 4, 6, 8 — полюслар сони; 71, 80...180 — станинанинг асосидан вал ўқигача бўлган масофа.

4А СЕРИЯЛИ ЭЛЕКТРОДВИГАТЕЛЛАР
ГОСТ 19523-81

1. 2. 3. -жадвал

Электродвигател марка и	Полюслар сони	габарит ўлчамлари, мм				Ўлчамлари, мм									
		L ₁	L ₂	H	D	d ₁	d ₂	l ₁	l ₂	l ₃	b	d ₀	h	h ₀	
4A71 4A80A 4A80B 4A90L	2:4:6:8	285	330	201	170	19	19	40	45	90	112	7	71	9	
		300	355	218	186	22	22	50	50	100	125	10	80	10	
		320	375	218	186	22	22	50	50	100	125	10	80	10	
		350	405	243	208	24	24	50	56	125	140	10	90	11	
4A100S 4A100L 4A112M 4A132S 4A132M	2:4:6:8	365	427	265	235	28	28	60	63	132	160	12	100	12	
		395	457	230	260	32	32	80	70	140	190	12	112	12	
		420	534	310	260	32	32	80	70	140	190	12	112	12	
		480	560	350	302	38	38	80	89	178	216	12	132	13	
		520	610	350	302	38	38	80	89	178	216	12	132	13	
4A160S	2	624	737	430	358	42	42	110	108	178	254	15	160	18	
	48														
4A160M	2	667	780	470	410	42	48	110	121	203	279	15	180	20	
	48														
4A180S	2	662	778	470	410	48	48	110	121	203	279	15	180	20	
	48														
4A180M	2	702	818	470	410	48	48	110	121	203	279	15	180	20	
	48														

1.3 § Узатмаларнинг узатиш сони

Юритмада узатманинг умумий узатиш сони n_y электродвигател валининг айланиш сони неча марта камайтириб ёки буровчи моментни қанча марта ошириб берилишини кўрсатади, яъни

$$n_y = \frac{n_{\text{в}}}{n_{\text{у.б}}}$$

бу ерда $n_{\text{дв}}$ — двигател валининг айланиш сони, мин⁻¹.
 $n_{\text{у.б}}$ — узатмадаги ишчи валнинг айланиш сони бўлиб, қиймати қўйидагича аниқланиши мумкин.
а) Юритмада лентали конвейернинг тезлиги V м/с ҳамда ба-
рабанинг диаметри D , м берилган бўлса:

$$n_{\text{у.б}} = \frac{60 V}{\pi D} \text{ мин}^{-1},$$

б) Юритмада занжирли конвейернинг тезлиги — V м/с ҳамда юлдузчанинг тишлар сони — Z , қадами — t мм берилган бўлса

$$n_{\text{у.б}} = \frac{60 V}{\pi Z \cdot t} \text{ мин}^{-1}.$$

Аниқланган n_y ҳар бир узатмага тақсимланади, чунки

$$n_y = n_I \cdot n_{II} \cdot n_{III} \dots$$

Кинематик схемада очиқ узатмалар учун узатиш сонининг қийматини 1.3.1-жадвалдан, бир поғонали узатмалар учун 1.3.2-жадвалдан, икки поғонали узатмалар учун эса 1.3.3-жадвалдан олиш тавсия этилади.

Узатманинг узатиш сони унинг габарит ўлчамлари қийматларига таъсир қилади.

Узатманинг узатиш сони бир неча поғона узатмалар билан таъминланса, қўйидагиларга амал қилиш тавсия этилади:

- агарда ёпиқ узатманинг габарит ўлчамлари ҳамда оғирлиги айтарли аҳамиятга эга бўлмаса, поғоналар сонини камайтириш тавсия этилади. Бунда ёпиқ узатма нисбатан арзон бўлади. Агарда оғирлиги, баландлиги, эни кам бўлиши керак бўлса кўп поғонали узатма олиш тавсия этилади;
 - тиш эни коэффициентини қиймати ёпиқ узатманинг габарит ўлчамларига таъсири бўлади. Агарда тиш эни $\psi_{\text{ба}}$ коэффициентининг қиймати кичик бўлса, ёпиқ узатманинг габарит ўлчамлари энсиз, лекин узун ва баланд бўлади. Коэффициентнинг қиймати ошиши билан узатманинг эни ошиб, баландлиги ва узунлиги камаяди.
- Кўп поғонали цилиндрсимон узатмаларда барча поғоналар учун коэффициент қиймати бир хил олинад.

1.3.1-жадвал

Узатмалар учун тавсия этилган узатиш сонлари




Узатманинг тури	Тавсия этилган	
	Ўртача қиймати	энг катта қиймати
Бир поғонали ёпиқ цилиндрсимон узатма	3÷6	12.5
Очиқ цилиндрсимон узатма	3÷7	15÷20
Очиқ ва ёпиқ конуссимон узатма	2÷3	6.3
Ёпиқ червякли узатма	10÷40	80
Очиқ червякли узатма	10÷60	120
Занжирли узатма	2÷6	8
Тасмали узатма	2÷5	6

Бир поғонали тишли узатмаларнинг узатиш сони ГОСТ 21426-75

1 қатор	1,25	1,6	2,0	3,15	4,0	5,0	6,3	8,0	10,0	12,5
2 қатор	1,12	1,4	1,8	2,2	2,8	3,55	4,5	5,6	7,1	9,0

Илова: асосан 1 қатордаги сонларни ишлатиш тавсия этилади. Танланган қиймат стандарт қийматга нисбатан $\pm 4,0$ гача фарқ қилиши мумкин.

Икки поғонали тишли узатмалар учун тавсия этилган узатиш сонининг қиймати

Узатманинг схемаси	Узатиш сони		Узатманинг схемаси	Узатиш сони	
	u_I	u_{II}		u_I	u_{II}
	$\frac{u_y}{u_{II}}$	$0,88\sqrt{u_y}$		$\frac{u_y}{u_{II}}$	$0,95\sqrt{u_y}$
				$\frac{u_y}{u_{II}}$	$1,1\sqrt{u_y}$

Масала: Ишчи валнинг қуввати $P_2 = 5,0$ кВт, айланиш сони $n_3 = 24$ мин⁻¹ бўлган узатманинг (1.3.3-жадвалда «а» расм) умумий узатиш сони $u_y = 40$. Узатма ҳар бир валидаги қувват, айланиш сони ҳамда буровчи момент қийматлари аниқлансин.

Масаланинг ечими:

1. Узатма валларидаги қувват

$$P_3 = 5,0 \text{ кВт}$$

$$P_2 = P_3 / \eta_{II} = 5 / 0,98 = 5,1 \text{ кВт}$$

$$P_1 = P_2 / \eta_I = 5,1 / 0,98 = 5,2 \text{ кВт}$$

η_I, η_{II} — узатманинг ф. и. к. қиймати 1.2.1-жадвалдан олинади.

2. Валларнинг айланиш сони.

Буни аниқлаш учун узатманинг ҳар бир поғонасининг узатиш сони ҳисобланади. Бу ерда $u_{II} = 0,88\sqrt{u_y} = 0,88\sqrt{40} = 5,56$.

Бу қийматни стандарт бўйича яхлитлаб $u_{II} = 5,6$ қабул қиламиз. Натижада $u_I = u_y / u_{II} = 40 / 5,6 = 7,1$, $n_3 = 100$ мин⁻¹,

$$n_2 = n_3 \cdot u_{II} = 24 \cdot 5,6 = 134,4 \text{ мин}^{-1},$$

$$n_1 = n_2 \cdot u_I = 134,4 \cdot 7,1 = 954 \text{ мин}^{-1}.$$

3. Узатма валларидаги буровчи моментлар

$$T_1 = 9550 \frac{P_1}{n_1} = 9550 \frac{5,0}{954} = 50 \text{ Нм},$$

$$T_2 = 9550 \frac{P_2}{n_2} = 9550 \frac{5,1}{134,4} = 362,4 \text{ Нм},$$

$$T_3 = 9550 \frac{P_3}{n_3} = 9550 \frac{5,0}{24} = 1989,6 \text{ Нм}.$$

1.4 § Цилиндрсимон ва конуссимон тишли узатмаларнинг ҳисоби

Узатмани ҳисоблаш учун узатма валларининг кинематик ўлчамлари, яъни валларидаги буровчи момент T (Н.м) узатманинг узатиш сони u ишлаш вақти L_h (соат) берилган бўлиши керак. Қўйида узатмаларни ҳисоблаш тартиби берилган.

Узатма филдираклари учун материал танланиб уларнинг термик қайта ишланиши белгиланади.

Тишли филдираклар асосан пўлат материаллардан тайёрланади. Бу филдирак тишларининг мустаҳкамлигини ошириш учун термик, химико-термик қайта ишлангани учун шу материални термик қайта ишлаш йўллари кўрамиз.

Нормаллаштириш — асосан ўлчамлари катта бўлган, кам юкланган ўртача углеродли пўлат материаллардан тайёрланган тишли филдираклар учун ишлатилади. Филдирак тишларининг юк кўтарувчанлиги кам ўзгаради.

Яхшиланиш — ўлчамлари ўртача бўлган углеродли пўлат материаллардан тайёрланган тишли филдираклар учун ишлатилади. Тиш юзасининг қаттиқлиги нисбатан катта 235—302 НВ бўлганлиги учун тишни кесиш қийинлашади.

Тоблаш — Юқори частотали ток ёрдамида тоблаш тезлиги ва аниқлик даражаси нисбатан кам бўлган тишли филдираклар учун ишлатилади, бунда филдирак ўлчамлари чегараланмаган. Модули 3—5 мм дан кам бўлган филдирак тишлари юзаси эмас, балки бутун ҳажми билан тобланади. Тоблаш технологияси нисбатан оддий.

Углерод билан тўйинтириш — аниқлик даражаси ҳар хил, ўлчамлари ўртача бўлиб, юкланиши катта бўлган тишли гилдираклар учун ишлатилади. Углерод билан тўйинтириш учун махсус ускуна ишлатилади. Бунда тиш юзасининг 0.20 м чуқурлигича 0,8—1,1 фоиз углерод билан тўйинтириш мумкин.

Азот билан тўйинтириш — аниқлик даражаси юқори бўлиб катта тезлик билан ҳаракатланувчи тишли гилдираклар учун ишлатилади.

Тиш юзасини азот билан тўйинтириш учун махсус ускуна ишлатилиб, тўйинтириш 20—50 соат давом этади. Бунда тиш юзасида 0,2÷0,5 мм чуқурликда мустақкам қатлам ҳосил бўлади.

Узатманинг ишлаш шароити ҳамда гилдирак ўлчамларини ҳисобга олган ҳолда етакловчи ва етакланувчи тишли гилдираклар учун материалларни 1.4.1-жадвалдан қўйидагича олиш тавсия этилади.

а) Етакловчи ва етакланувчи тишли гилдираклар учун бир хил 45,40X, 40XH, 35XM, 45XЦ маркали пўлат материаллар танланади. Термик қайта ишланиш бир хил яхшиланиш бўлиб, етакловчи тишли гилдирак тиш юзасининг қаттиқлиги 269—302 НВ, етакланувчи тишли гилдирак учун 235—262 НВ.

б) Етакловчи ва етакланувчи тишли гилдираклар учун бир хил 40X, 40XH, 35XM, 40XЦ маркали пўлат материаллар танланади. Етакланувчи тишли гилдирак учун термик қайта ишланиш яхшиланиш бўлиб, қаттиқлиги 269—302 НВ. Етакловчи тишли гилдирак учун эса яхшиланиш ва юқори частотали ток ёрдамида тоблаш, бунда тиш юзасининг қаттиқлиги 45...50 HRC, 48...53 HRC, 50...56 HRC;

в) Етакловчи ва етакланувчи тишли гилдираклар учун бир хил 40X, 40XH, 35XM, 40XЦ маркали пўлат материаллар танланиб, термик қайта ишлаш яхшиланиш ва юқори частотали ток ёрдамида товланиш бунда тиш юзасининг қаттиқлиги танланган материал маркасига боғлиқ бўлади, яъни 45÷50 HRC, 48÷53 HRC, 50÷56 HRC;

г) Етакланувчи тишли гилдирак учун 40X, 40XH, 35XM, 45XЦ маркали пўлат материал танланиб, юқори частотали ток ёрдамида товланади. Тиш юзасининг қаттиқлиги 45÷50 HRC, 48÷53 HRC, 50÷56 HRC;

Етакловчи гилдирак учун 20X, 20XHM, 18XГГ, 12XНЗА, 25XГНМ маркали пўлат материаллар танланиб, термик қайта ишланиши яхшиланиш, углерод билан тўйинтириш ва тоблаш бўлиб, бунда тиш юзасининг қаттиқлиги 56÷63 HRC;

д) Етакловчи ва етакланувчи тишли гилдираклар учун бир хил 20X, 20XHM, 18XНЗА, 25XГНМ маркали пўлат материаллар танланиб, термик қайта ишланиши яхшиланиш, углерод билан

тўйинтириш ва тоблаш бўлиб, бунда тиш юзасининг қаттиқлиги 56÷63 HRC.

Гилдирак тиш юзасининг қаттиқлиги қанчалик катта бўлса, рухсат этилган кучланиш қиймати шунчалик катта бўлиб, тишли гилдирак ўлчамлари нисбатан кичик бўлади.

Агарда узатманинг габарит ўлчамлари чегараланмаган бўлса, тишли гилдираклар учун нисбатан арзон турадиган 45, 40X маркали пўлат материалларни танлаб, яхшилаш ҳамда юқори частотали ток ёрдамида тоблаш (а, б, в) йўли билан термик қайта ишлаш тавсия этилади.

Тишли гилдиракларни тайёрлаш учун ишлатилдиган пўлат материалларнинг механик таърифлари 1.4.2-жадвалда берилган.

Рухсат этилган $[\sigma_H]$, $[\sigma_F]$ кучланишлар.

Рухсат этилган контакт $[\sigma_H]$ ва эгилишдаги $[\sigma_F]$ кучланишларнинг қийматлари етакланувчи ва етакловчи тишли гилдираклар учун алоҳида-алоҳида аниқланади:

$$[\sigma_H] = K_{HL} \cdot [\sigma_{HO}] \text{ МПа}, \quad [\sigma_F] = K_{FL} \cdot [\sigma_{FO}] \text{ МПа},$$

у ерда: $[\sigma_{HO}]$, $[\sigma_{FO}]$ — кучланишлар циклининг ўзгаришига боғлиқ рухсат этилган кучланишлар бўлиб, қиймати 1.4.1-жадвалдан тишли гилдиракларнинг материали, уларнинг термик қайта ишланиши ҳамда тиш юзасининг қаттиқлигига нисбатан олинади.

K_{HL} — узатманинг ишлаш муддатини ҳисобга олувчи коэффициент, қиймати қўйидагича аниқланади: $K_{HL} = \sqrt[6]{\frac{N_{HO}}{N_2}}$. Унинг қиймати тишли гилдиракларнинг термик қайта ишланишига боғлиқ бўлиб, етакланувчи тишли гилдирак учун яхшиланиш бўлса $K_{HL} \leq 2,6$, тоблаш бўлса $K_{HL} \leq 1,8$. Агарда $N_2 \geq N_{HO}$ бўлса, $K_{HL} = 1,0$ бўлади.

K_{FL} — узатманинг ишлаш муддатини ҳисобга олувчи коэффициент бўлиб, қўйидагича аниқланади:

$K_{FL} = \sqrt[6]{4 \cdot 10^6 / N}$. Унинг қиймати тишли гилдирак учун термик қайта ишланиш яхшиланиш бўлса $K_{FL} \leq 2,08$, тоблаш бўлса $K_{FL} \leq 1,63$. Агар $N > 4 \cdot 10^6$ бўлса $K_{FL} = 1,0$ $N_2 = 573 \omega_2 L_L$, ўзгарувчан юкланиш циклилар сони, m — даража кўрсаткичи.

Тишли филдираклар учун материал ҳамда термик қайта ишланишни танлаш. [σ_{To}], [σ_{Ho}], ларнинг қўйматлари

Тишли филдиракларнинг параметрлари	а		б		в		г		д		
	етақловчи тишли филдирак	етақловчи тишли филдирак	етақловчи тишли филдирак	етақловчи тишли филдирак	етақловчи тишли филдирак	етақловчи тишли филдирак	етақловчи тишли филдирак	етақловчи тишли филдирак	етақловчи тишли филдирак	етақловчи тишли филдирак	
Тишли филдираклар учун пулат мотериаллар	20X, 20XHM, 40X, 40XH, 18XГТ, 12XH3A, 35XM, 45XЦ, 25XГНМ	20X, 20XHM, 40X, 40XH, 18XГТ, 12XH3A, 35XM, 45XЦ, 25XГНМ	45, 40X, 40XH, 35XM, 40XГ, 40XГ, 40XГ	20X, 20XHM, 40X, 40XH, 18XГТ, 12XH3A, 35XM, 45XЦ, 25XГНМ	20X, 20XHM, 40X, 40XH, 18XГТ, 12XH3A, 35XM, 45XЦ, 25XГНМ	20X, 20XHM, 40X, 40XH, 18XГТ, 12XH3A, 35XM, 45XЦ, 25XГНМ	20X, 20XHM, 40X, 40XH, 18XГТ, 12XH3A, 35XM, 45XЦ, 25XГНМ	20X, 20XHM, 40X, 40XH, 18XГТ, 12XH3A, 35XM, 45XЦ, 25XГНМ	20X, 20XHM, 40X, 40XH, 18XГТ, 12XH3A, 35XM, 45XЦ, 25XГНМ	20X, 20XHM, 40X, 40XH, 18XГТ, 12XH3A, 35XM, 45XЦ, 25XГНМ	20X, 20XHM, 40X, 40XH, 18XГТ, 12XH3A, 35XM, 45XЦ, 25XГНМ
Термик қайта ишланиш	яқшиланиш	яқшиланиш + ЮЧТ ёрдамида тоблаш	яқшиланиш	яқшиланиш + ЮЧТ ёрдамида тоблаш	яқшиланиш + углерод билан тўйинтириш + тоблаш						
Тиш юзасининг қаттиқлиги	269—302 HB	45÷50 HRC 48÷53 HRC 50÷56 HRC	269÷302 HB	45...50 HRC 48...53 HRC 50...56 HRC	56...63 HRC						
[σ_{To}]	1,03 HBүр	$m \geq 3$ бўлганда 370 $m < 3$ бўлганда 310	1,03 HBүр	$m \geq 3$ бўлганда 370 $m < 3$ бўлганда 310	480						
[σ_{Ho}]	1,8 HBүр + 67	14 HRCүр + 170	1,8 HBүр + 67	14 HRCүр + 170	19 HRCүр						

Пулат материалларнинг механик таърифлари

Пулат материаллари	Диаметр d, мм	эни b, мм	Тишнинг марказида HB	Тишнинг юзасида HRC	σ		Термик қайта ишланиши
					σ_m	σ_{oq}	
45	125 80 200	80 50 125	235—262 269—302 235—262		780 890 790	54) 650 640	<div style="border: 2px solid blue; padding: 5px;"> TERMIZ MUHANDISLIK-TEKNOLOGIYA INSTITUTI AXBOROT-RESURS MARKAZI INV. № 105907 31.08.2022 yil </div>
40X	125 125 315	80 80 200	269—301 269—302 235—262	45—50	900 900 800	750 750 670	
35XM	200 200	125 125	269—302 269—302	48—53	920 920	790 790	яқшиланиш яқшиланиш ва ЮЧТ ёрдам. тоблаш
40XM	315 200 200	200 125 125	235—262 269—302 269—302	48—53	800 920 920	630 750 750	яқшиланиш яқшиланиш яқшиланиш ва ЮЧТ ёрдам. тоблаш
40XЦ	315 200 200	200 125 125	235—262 269—302 269—302	50—56		660 780 780	яқшиланиш — яқшиланиш ва ЮЧТ ёрдам. тоблаш
20X, 20XHM, 18XГТ, 25XГНМ	200	125	300—400	56—63		800	яқшиланиш углерод билан тўйинтириш ва тоблаш

ω_2 — етакланувчи тишли филдиракнинг бурчак тезлиги, c^{-1}

L_n — узатманинг ишлаш муддати, соат ҳисобида

N_{HO} — тиш юзасининг қаттиқлигига туғри келувчи юкланиш цикллари сони қиймати 1.4.3-жадвалдан олинади,

m — радикал даражасининг кўрсаткичи бўлиб, қиймати тишли филдиракнинг термик қайта ишланишига боғлиқ. Термик қайта ишланиш яқшиланиш бўлганда радикал даражаси $m=9$ бўлади. тоблаш бўлганда $m=9$ бўлади.

ISLON KARIMOV Axborot-Resurs Markazi
 TEXNIKA UNIVERSITETI TERMIZ FILIALI
 AXBOROT-RESURS MARKAZI
 INV. № 4172
 6.12.2019 yil

Етакловчи ва етакланувчи тишли филдираклар учун аниқланган контакт ва эгилишдаги кучланишларнинг рухсат этилган қийматлари $[\sigma_H]$, $[\sigma_F]$ лардан фойдаланишда қўйидаги тавсияга амал қилиниши керак. Агарда тишли филдирак учун материал танлашда ва термик қайта ишлашда 1.4.1 «а», «б» пунктга амал қилинган бўлса, қия ва шеврон тишли цилиндрсимон филдиракли ҳамда конуссимон тишли филдираклар учун контакт кучланиш қўйидагича аниқланади:

$$[\sigma_H] = 0,45([\sigma_H]_1 + [\sigma_H]_2).$$

Лекин бу қиймат қия ва шеврон тишли цилиндрсимон узатмалар учун 1,23 $[\sigma_H]_2$ дан, конуссимон узатмалар учун эса 1,15 $[\sigma_H]_2$ дан ошмаслиги керак.

Тўғри тишли цилиндрсимон ва конуссимон тишли филдираклар учун материал танлашда ва термик қайта ишлашда а, в, г, д пунктларга амал қилинган бўлса, ҳисоблаш учун аниқланган қийматларнинг кичиги олинади.

1.4.3-жадвал

Филдирак тишлар юзасининг ўртача қаттиқлиги	НВ ўр	Н _{НО} қийматлари									
		200	250	300	350	400	450	500	550	600	
HRC ўр	—	25	32	38	43	47	52	56	60		
N _{НО} · 10 ⁶ млн. цикл	10	16,5	25	35,4	50	68	87	114	143		

1.4.2 § Цилиндрсимон ёпиқ узатмаларни ҳисоблаш

Узатманинг асосий ўлчамлари бу ўқлараро масофа a_w узатиш сони u , тиш эни коэффициентини Ψ_{ba} , модул m ва тишнинг қиялик бурчаги β .

Ёпиқ цилиндрсимон узатмани ҳисоблаш учун унинг узатиш сонини аниқлаш, материал танлаш, рухсат этилган контакт ва эгилишдаги кучланишни аниқлаш юқорида берилган.

1. Ўқлараро масофа

$$a_w = K_a(1 + u) \sqrt[3]{\frac{K_{H\beta} \cdot T_2 \cdot 10^3}{\Psi_{ba} \cdot u^2 \cdot [\sigma_H]^2}}$$

Бу ерда: K_a — ўқлараро масофа коэффициентини бўлиб, қия тишли узатмалар учун $K_a=43$, тўғри тишли узатмалар учун $K_a=49,5$ бўлади;
 K_H — юқланишнинг тиш юзасида потекис тақсимланишини ҳисобга олувчи коэффициент тахми-

ний қиймати 1.4.4-жадвалдан олинади. Узатманинг ҳамма ўлчамлари аниқлангач $K_{H\beta}$ коэффициентининг аниқлаштирилган қийматни 1.4.8-жадвалдан олинади;

Ψ_{ba} — тиш энининг коэффициентининг қиймати 1.4.4-жадвалдан филдиракларни таянчга жойланишига нисбатан олинади.

1.4.4-жадвал

$K_{H\beta}$, Ψ_{ba} коэффициентлари

Етакловчи тишли филдиракларнинг таянчга нисбатан жойланиши	Ψ_{ba}	Тиш юзасининг қаттиқлиги, НВ	
		<350	>350
Симметрик	0,4—0,5	1,00—1,15	1,15—1,25
Носимметрик	0,25—0,4	1,10—1,25	1,15—1,35
Консол	0,2—0,25	1,20—1,35	1,25—1,45

Тавсия этилган қийматнинг кичигини тишларининг қаттиқлиги $HRC > 45$ бўлганда олиш мумкин. Танланган Ψ_{ba} нинг қийматини стандарт бўйича мувофиқлаштириш керак, яъни $\Psi_{ba}=0,1; 0,15; 0,2; 0,25; 0,4; 0,55; 0,63$.

T_2 — етакланувчи тишли филдирак валидаги буровчи момент, H_M ҳисобида,

$[\sigma_H]$ — рухсат этилган контакт кучланиш, МПа.

Аниқланган ўқлараро масофа стандарт бўйича яхлитланиб, филдирак тишлар эни аниқланади, мм.

1 қатор — 40, 50, 63, 80, 125, 160, 200, 250, 315, 400, 500, 630, 800, 1000

2 қатор — 71, 90, 112, 140, 180, 224, 280, 355, 450, 560, 710, 900.

2. Етакланувчи тишли филдирак эни $b_2 = \Psi_{ba} \cdot a_w$.

3. Етакловчи тишли филдирак эни $b_1 = 1,12 b_2$

4. Контакт кучланишнинг ҳисобий қиймати

$$\sigma_H = K \cdot \sqrt{\frac{F_t(u+1) \cdot K_H}{b_2 \cdot d_2}} \leq [\sigma_H]$$

бу ерда: K — қушимча коэффициент, тўғри тишли цилиндрсимон филдираклар учун — 430, қия тишли цилиндрсимон филдираклар учун 376.

$F_t = 2T_2/d_2$ — айланма куч

$K_H = K_{H\alpha} \cdot K_{H\beta} \cdot K_{HV}$ — юкланиш коэффициенти бўлиб, қиймати қўйидагича аниқланади.

$K_{H\alpha}$ — юкланишни тишлараро нотекис тақсимланишни ҳисобга олувчи коэффициент, қиймати 1.4.6-жадвалдан тишли гилдиракларнинг аниқлик даражаси ва узатманинг тезлигига нисбатан танланади. Узатма тишли гилдиракларнинг аниқлик даражаси узатманинг тезлигига нисбатан 1.4.5-жадвалдан олинади.

1.4.5.-жадвал

Аниқлик даражаси	Тишли гилдиракларнинг айлана тезлиги, м/с			
	тўғри тишли		қия тишли	
	цилиндрсимон	конуссимон	цилиндрсимон	конуссимон
6	15 гача	12 гача	30 гача	20 гача
7	10	8	15	10
8	6	4	10	7
9	2	1,5	4	8

1.4.6.-жадвал

$K_{H\alpha}$ — коэффициент

Аниқлик даражаси	Узатма гилдиракларнинг айланма тезлиги, м/с				
	1 гача	5 гача	10 гача	15 гача	20 гача
6	1	1,02	1,03	1,04	1,05
7	1,02	1,05	1,07	1,10	1,12
8	1,05	1,09	1,13	—	—
9	1,09	1,06	—	—	—

Тўғри тишли цилиндрсимон гилдираклар учун $K_{H\alpha} = 1,0$. K_{HV} — динамик коэффициент бўлиб, қиймати айланма тезлик ва аниқлик даражаси нисбатан 1.4.7-жадвалдан олинади.

1.4.7.-жадвал

K_{HV} — коэффициент

Узатмалар	Тиш юзасининг қаттиқлиги НВ	Айланма тезлик, м/с			
		5 гача	10	15	20
		Аниқлик даражаси			
		8		7	
Тўғри тишли	≤ 350	1,05	—	—	—
	> 350	1,10	—	—	—
Қия ва шеврон тишли	≤ 350	1,0	1,01	1,02	1,05
	> 350	1,0	1,05	1,07	1,10

$K_{H\beta}$ — коэффициент

$\psi_{bd} = \frac{b}{d}$	Етакловчи тишли гилдиракларнинг таянчага нисбатан жойланиши					
	симметрик		носимметрик		консол	
	Тиш юзасининг қаттиқлиги					
	< 350НВ	> 350НВ	< 350НВ	> 350НВ	< 350НВ	> 350НВ
0,4	1,0	1,02	1,04	1,08	1,15	1,33
0,6	1,02	1,04	1,06	1,14	1,24	1,50
0,8	1,03	1,06	1,08	1,21	1,30	—
1,0	1,04	1,09	1,11	1,29	—	—
1,2	1,05	1,12	1,15	1,36	—	—
1,4	1,07	1,16	1,18	—	—	—
1,6	1,09	1,21	1,22	—	—	—
1,8	1,11	—	1,25	—	—	—

$$\psi_{bd} = \frac{b}{d} = \frac{b(u+1)}{2 \cdot a_w} = 0,5 \psi_{bd}(u+1)$$

Аниқланган ҳисобий контакт σ_H кучланишининг қиймати рухсат этилган контакт $[\sigma_H]$ кучланишининг қийматидан 3 фоз дан ошмаслиги керак.

Агарда $\sigma_H / [\sigma_H] < 0,9$ бўлса, тишли гилдирак материалининг бор имкониятидан фойдаланиш учун ψ_{ba} нинг қиймати камайтирилиб, қатордан олинган сондан олдингиси олиниб ҳисоб қайтариледи.

Агарда $\sigma_H / [\sigma_H] < 0,85$ бўлса, ψ_{ba} нинг қийматини ўзгартирмасдан ўқлараро масофа қиймати камайтирилади ва қатордан олинган сондан олдингиси олиниб ҳисоб қайтариледи.

Агарда $\sigma_H / [\sigma_H] < 0,8$ бўлса, ҳисобда хатога йўл қўйилган, ҳисобни бошидан қайтариш керак.

5. Етакланувчи тишли гилдирак тиш булувчи айланасининг диаметри аниқланади:

$$d_2 = \frac{2 \cdot a_o \cdot u}{(u+1)} \text{ мм.}$$

6. Узатма гилдиракларнинг илашиш модули аниқланади

$$m_n \geq \frac{2 \cdot K_m \cdot T_2}{d_2 \cdot b_2 \cdot [\sigma_F]} \text{ мм,}$$

бу ерда: K_m — модул коэффициенти бўлиб, унинг қиймати тўғри тишли гилдираклар учун 6,8; қия тишли гилдираклар учун 5,8; икки томонлама қия тишли гилдираклар учун 5,2 дир.

Формулада $[\sigma_F]$ қиймати ўрнига $[\sigma_F]_1$, $[\sigma_F]_2$ лар қийматининг кичиги олинади.

Модулнинг аниқланган қиймати стандарт бўйича яхлитланади, модулнинг қийматлари мм ҳисобида берилган:

- 1 қатор — 1,0; 1,5; 2,0; 2,5; 3; 4; 5; 6; 8; 10.
2 қатор — 1,25; 1,75; 2,25; 2,25; 3,5; 4,5; 5,5; 7; 9.

Модулни асосан 1 қатордан танлаш тавсия этилади.
7. Узатма филдирак тишларининг қиялик бурчаги β ҳамда умумий тишлар сони, Z_y .

Қия тишли филдираклар учун қиялик бурчагининг энг кичик қиймати $\beta_{\min} = \frac{\arcsin 4m}{b_2}$ формула ёрдамида аниқланади.

Узатма филдирак тишларининг умумий сони $Z_y = \frac{2 \cdot a_m \cdot \cos \beta_{\min}}{m}$.

Ҳисоблаб, топилган қийматини яхлитлаб, қиялик бурчагининг ҳисобий қиймати аниқланади, яъни $\beta = \frac{\arccos Z_y \cdot m}{2 \cdot a_m}$.

Қия тишли филдираклар учун қиялик бурчагининг қиймати $\beta_{\min} = 8^\circ \div 15^\circ$, икки томонлама қия тишли филдираклар учун $\beta_{\min} = 25^\circ$ бўлиб, ҳисоблаганда аниқлик даражаси вергулдан кейин бешинчи хонагача олиниши керак.

8. Етакловчи ва етакланувчи филдирак тишлар сони. Етакловчи филдирак тишлар сони

$$Z_1 = \frac{Z_y}{1 + u} \geq Z_{1 \min}$$

Аниқланган қиймат яхлитланади, бунда тўғри тишли филдираклар учун $Z_1 = 17$, қия тишли филдираклар учун $Z_{1 \min} = 17 \cos^3 \beta$. Етакланувчи филдирак тишлар сони $Z_2 = Z_1 \cdot u$; $Z_2 = Z_y - Z_1$.

9. Узатма филдиракларининг геометрик ўлчамлари (1.4.1-расм)

Филдирак диаметрлари	Тўғри тишли цилиндрсимон филдираклар	Қия тишли цилиндрсимон филдираклар
Тиш бўлувчи айланасининг диаметри а) етакловчи филдирак б) етакланувчи филдирак	$d_1 = mZ_1$ $d_2 = mZ_2$	$d_1 = m_n Z_{1'} / \cos \beta$ $d_2 = m_n Z_{2'} / \cos \beta$
Ташқи диаметр а) етакловчи филдирак б) етакланувчи филдирак	$d_{a1} = d_1 + 2m$ $d_{a2} = d_2 + 2m$	$d_{a1} = d_1 + 2m_n$ $d_{a2} = d_2 + 2m_n$
Тиш ости диаметри а) етакловчи филдирак б) етакланувчи филдирак	$d_{f1} = d_1 - 2,5m$ $d_{f2} = d_2 - 2,5m$	$d_{f1} = d_1 - 2,5m_n$ $d_{f2} = d_2 - 2,5m_n$

10. Тишли филдиракларнинг илашишида ҳосил бўлган кучлар

Айланма куч	$F_t = 2T_2 / d_2$	
Марказга интилувчи куч	$F_r = F_t \cdot \operatorname{tg} \alpha$	$F_r = F_t \cdot \operatorname{tg} \alpha / \cos \beta$
Бўйлама куч	$F_a = F_t \cdot \operatorname{tg} \beta$	

11. Эгилишдаги кучланишнинг ҳисобий қиймати Етақланувчи филдирак учун

$$\sigma_{F2} = \frac{K_{Fa} \cdot Y_\beta \cdot K_{F\beta} \cdot K_{Fv} \cdot Y_{F2} \cdot F_t}{b_2 \cdot m} \text{ МПа.}$$

Етакловчи филдирак учун

$$\sigma_{F1} = \sigma_{F2} \frac{Y_{F1}}{Y_{F2}} \text{ МПа.}$$

Эгилишдаги кучланишнинг ҳисобий қиймати билан рухсат этилган қиймати ўртасидаги боғланиш

$$\sigma_F = (0,8 \div 1,1) [\sigma_F] \text{ МПа.}$$

Бу ерда K_{Fa} — узатма филдирак тишларининг аниқлик даражасини ҳисобга олувчи коэффициент бўлиб, унинг қиймати қиялик бурчаги $\beta > 0$ бўлганда қўйидагича олинади:

аниқлик даражаси	6	7	8	9
K_{Fa}	0,72	0,81	0,91	1,0

Тўғри тишли филдираклар учун $K_{Fa} = 0$.

$K_{F\beta}$ — тиш юзасида юкланишни потекис тақсимланишни ҳисобга олувчи коэффициент бўлиб, унинг қиймати 1.4.9-жадвалдан тиш эни коэффициенти, тиш юзасининг қаттиқлиги ҳамда узатма етакловчи филдиракларнинг таянчга жойланишига нисбатан олинади.

Y_β — филдирак тишларининг қиялик бурчагини эгилишдаги кучланишга таъсирини ҳисобга олувчи коэффициент

$$Y_\beta = 1 - \frac{\beta^\circ}{140}$$

K_{Fv} — қўшимча динамик кучларни ҳисобга олувчи коэффициент

бўлиб, унинг қиймати, тиш юзасининг қаттиқлигига нисбатан қўйидагича олинади.

Тўғри тишли цилиндрсимон филдираклар учун

≤ 350 НВ бўлганда $K_{FV} = 1,4$

> 350 НВ бўлганда $K_{FV} = 1,2$

Қия тишли цилиндрсимон филдираклар учун

≤ 350 НВ бўлганда $K_{FV} = 1,2$

> 350 НВ бўлганда $K_{FV} = 1,1$

1.4.9-жадвал

$K_{F\beta}$ коэффициент

$\psi_{bd} = \frac{b}{d}$	Етакловчи тишли филдиракнинг таянча нисбати жойлашиши							
	симметрик	носсимметрик	консол					
			золирли подшипник			роликли подшипник		
	Тиш юзасининг қаттиқлиги							
	≤ 350 НВ	> 350 НВ	≤ 350 НВ	> 350 НВ	≤ 350 НВ	> 350 НВ	≤ 350 НВ	> 350 НВ
0,2	1,00	1,03	1,04	1,05	1,18	1,35	1,10	1,20
0,4	1,03	1,07	1,07	1,10	1,37	1,70	1,21	1,45
0,6	1,05	1,09	1,12	1,18	1,62	—	1,40	1,72
0,8	1,08	1,13	1,17	1,28	—	—	1,59	—
1,0	1,10	1,20	1,23	1,40	—	—	—	—
1,2	1,13	1,30	1,30	1,53	—	—	—	—
1,4	1,19	1,40	1,38	—	—	—	—	—
1,6	1,25	—	1,45	—	—	—	—	—
1,8	1,32	—	1,53	—	—	—	—	—

Y_F — тиш шаклини ҳисобга олувчи коэффициент бўлиб, қиймати 1.4.10-жадвалдан тишлар сонига нисбатан олинади

1.4.10-жадвал

Z _{кел} Z _{кел}	17	20	22	24	26	28	30	35	40	45	50	65
Y_F	4,27	4,07	3,98	3,92	3,88	3,81	3,80	3,75	3,70	3,66	3,65	3,62

Қия тишли цилиндрсимон филдираклар учун $Z_{кел} = \frac{Z}{\cos^3 \beta}$

1.4.3. § Тўғри тишли очик цилиндрсимон узатмаларни ҳисоблаш тартиби

Очиқ тўғри тишли узатмалар, асосан узатманинг тезлиги $V \leq 2 \text{ с}^{-1}$ бўлган ҳолларда ишлатилади. Узатмани ҳисоблаш ёпиқ

цилиндрсимон узатмани ҳисоблаш каби бўлиб, фақат филдирак тишларини эгилишидаги кучланиш бўйича текширилади.

1. Узатма филдираклари учун материал танланади

2. Контакт ва эгилишдаги кучланишнинг қиймати аниқланади.

Бунда $K_{HL1} = K_{HL2} = 1,0$; $K_{FL1} = K_{FL2} = 1,0$, натижада

$$[\sigma_H]_1 = [\sigma_H]_2 = [\sigma_{Ho}]; \quad [\sigma_F]_1 = [\sigma_F]_2 = [\sigma_{Fo}].$$

3. Уқлараро масофа аниқланиб, қиймати стандарт бўйича яхлитланади

4. Филдирак тишларининг эни аниқланади

5. Етакланувчи филдирак тиш бўлувчи айланасининг диаметри аниқланади

6. Филдирак тишларининг модули аниқланиб, унинг қиймати стандарт бўйича яхлитланади. Бу қийматни филдирак тишининг мустақкамлигини таъминлаш учун 30 фоизгача ошириш мумкин.

7. Узатма филдирак тишлар сони

8. Филдиракларнинг геометрик ўлчамлари

9. Тишли филдиракларнинг ишлашида ҳосил бўлган кучлар

10. Эгилишдаги кучланишнинг ҳисобий қиймати.

1.4.4. § Ёпиқ конуссимон узатманинг ҳисоби

Узатманинг асосий ўлчамлари — бу етакланувчи филдирак ташқи диаметри d_{e2} , узатиш сони u ташқи ён модули m_o , тиш эни b ҳамда тишнинг қиялик бурчаги β .

Ёпиқ конуссимон узатмалар учун узатиш сонини аниқлаш, материал танлаш, рухсат этилган контакт кучланишларни аниқлаш цилиндрсимон узатмалардек бўлиб юқорида берилган.

1. Етакланувчи филдирак ташқи диаметри

$$d_{e2} \geq 165 \sqrt[3]{\frac{K_{H\beta} \cdot u \cdot T_2}{\vartheta_H \cdot [\sigma_H]^2}} \text{ мм},$$

бу ерда: ϑ_H — конуссимон филдирак тишларининг юкланиш даражасини цилиндрсимон филдирак тишларига нисбатан камлигини ҳисобга олувчи коэффициент бўлиб, тўғри тишли конуссимон узатмалар учун 0,85.

Айланасимон тишли конуссимон узатмалар учун бу коэффициентнинг қиймати тиш юзасининг қаттиқлигига боғлиқ бўлиб, уни қўйидагича олиш тавсия этилади, агар етакловчи ва етакланувчи

гилдирак тиш юзасининг қаттиқлиги < 350 НВ бўлса $\vartheta_H = 1,85$, бордию, этакланувчи гилдирак учун < 350 НВ бўлиб, этакланувчи гилдирак учун > 45 НРС бўлса $\vartheta_H = 1,5$, иккала гилдирак учун > 45 НРС бўлса $\vartheta_H = 1,3$.

K_{HB} коэффициентнинг қиймати 1.4.8-жадвалдан олинади, бунда тиш эни коэффициентининг қиймати қўйидагича аниқланади:

$$\psi_a = 0,166 \sqrt{u^2 + 1}.$$

Шу ψ_a нинг қийматига нисбатан 1.4.8-жадвалдан K_{HB} танланади. Аниқланган d_{e2} нинг қиймати стандарт қатор бўйича яхлитланади.

2. Узатма гилдиракларининг ўлчамлари аниқланади (1.4.2.-1-расм)

а) бошланғич конус бурчаги

$$\varphi_1 = \operatorname{arctg} \frac{1}{u}; \quad \varphi_2 = 90 - \varphi_1$$

б) ташқи конус узунлиги

$$R_e = \frac{d_{e2}}{2 \sin \varphi_2}$$

в) гилдирак тишли қисмининг эни

$$b = 0,285 R_e.$$

Аниқланган b нинг қиймати стандарт қатор бўйича яхлитланади. 3. Узатманинг асосий ўлчамлари аниқлангач, ҳисобий контакт кучланиш аниқланади ва рухсат этилган контакт кучланиш билан солиштирилади

$$\sigma_H = 2120 \sqrt{\frac{u \cdot T_2 \cdot K_{HB}}{\vartheta_H \cdot d_{e2}^3}} \leq [\sigma_H].$$

Аниқланган ҳисобий контакт $[\sigma_H]$ кучланиш рухсат этилган контакт кучланишдан 3 фоиз дан ошмаслиги керак. Агарда $\sigma_H / [\sigma_H]$ бўлса d_{e2} нинг қиймати камайтирилади.

4. Узатма гилдиракларининг ташқи модули

$$m_e(m_{te}) = \frac{14 \cdot K_{FB} \cdot T_2}{\vartheta_F \cdot d_{e2} \cdot b \cdot [\sigma_F]} \text{ мм},$$

бу ерда: K_{FB} — коэффициентнинг қиймати 1.4.9-жадвалдан олинади.

ϑ_F — конуссимон гилдирак тишларининг юкланиш даражаси цилиндрсимон гилдирак тишларига нисбатан камлигини ҳисобга олувчи коэффициент бўлиб, тўғри тишли конуссимон узатмалар учун 0,85 айланмасимон тишли узатмалар учун 1,0.

Модулнинг қиймати вергулдан кейин тўртта қийматгача аниқланиши керак.

5. Узатма гилдирак тишларининг сони аниқланади

а) Этакланувчи гилдирак тишлар сони $Z_2 = d_{e2} / m_e(m_{te})$

б) Этакловчи гилдирак тишлар сони $Z_1 = Z_2 / u$.

Аниқланган қийматлар яхлитланиб олинади.

6. Узатиш сонининг ҳисобий қиймати

$$u_x = \frac{Z_2}{Z_1}.$$

Ҳисобий қиймат берилган қийматдан 4 фоизгача фарқ қилиши мумкин. Яъни:

$$\Delta u = \frac{(u_x - u) 100}{u} \leq [4\%].$$

7. Узатма гилдиракларининг геометрик ўлчамлари (1.4.2-расмда кўрсатилган):

Гилдирак диаметрлари	Тўғри тишли узатмалар учун	$\beta=35^\circ$ бўлган айланасимон тишли гилдираклар учун
Тиш бўлувчи айланаси диаметри		
а) этакловчи гилдирак	$d_{e1} = m_e Z_1$	$d_{e1} = m_{te} \cdot Z_1$
б) этакланувчи гилдирак	$d_{e2} = m_e Z_2$	$d_{e2} = m_{te} \cdot Z_2$
Ташқи диаметр		
а) этакловчи гилдирак	$d_{ae1} = d_{e1} + 2m_e \cos \varphi_1$	$d_{ae1} = d_{e1} + 1,64(1 + x_{n1})m_{te} \cos \varphi_1$
б) этакланувчи гилдирак	$d_{ae2} = d_{e2} + 2m_e \cos \varphi_2$	$d_{ae2} = d_{e2} + 1,64(1 + x_{n2})m_{te} \cos \varphi_2$
Тиш ости диаметри		
а) этакловчи гилдирак	$d_{fe1} = d_{e1} - 2,4 m_e \cos \varphi_1$	$d_{fe1} = d_{e1} - 1,64(1,2 - x_{n1})m_{te} \cos \varphi_1$
б) этакланувчи гилдирак	$d_{fe2} = d_{e2} - 2,4 m_e \cos \varphi_2$	$d_{fe2} = d_{e2} - 1,64(1,2 - x_{n2})m_{te} \cos \varphi_2$

Айланасимон филдирак тишнинг ўлчамлари:
 ўртача конус узунлиги $R_m = R_e - 0,5 v$
 ўртача нормал модул $m_{nm} = 2 R_e \cos \beta_m / Z_v$
 Айланасимон тишли филдираклар учун

$$\beta_m = 35^\circ, \quad \cos \beta_m = \cos 35^\circ = 0,819.$$

8. Тишли филдиракларнинг ишлашишида ҳосил бўлган кучлар

Кучлар	Тўғри тишли филдираклар учун	$\beta=35^\circ$ бўлган айланасимон тишли филдираклар учун
Айланма куч	$F_t = 2T_2/d_m$ $d_m = 0,857 d_{e2}$	$F_t = 2T_2/d_m$ $d_m = 0,857 d_{e2}$
Марказга интилувчи куч	$F_{r1} = F_t \cdot \operatorname{tg} \alpha \cdot \cos \varphi_1 = F_{a2}$	$F_2 = F_t \cdot \gamma_2$ $\gamma_r = 0,44 \cos \varphi_1 - 0,7 \sin \varphi_1$
Бўйлама куч	$F_{a1} = F_{r2} = F_t \cdot \operatorname{tg} \alpha \cdot \sin \varphi_1$	$F_{a1} = F_t \cdot \gamma_a$ $\gamma_a = 0,44 \sin \varphi_1 + 0,7 \cos \varphi_1$

9. Эгилишдаги кучланишнинг ҳисобий қиймати

а) етакланувчи тишли филдирак учун

$$\sigma_{F2} = \frac{K_{F\beta} \cdot K_{Fv} \cdot Y_{F2} \cdot F_t}{b \cdot m_e \cdot \theta_F} \leq [\sigma_F]$$

б) етакловчи тишли филдирак учун

$$\sigma_{F1} = \sigma_{F2} \frac{Y_{F1}}{Y_{F2}} \leq [\sigma_F]_1$$

бу ерда: K_{Fv} — коэффициентнинг қиймати, 1.4.7- жадвалдан олинади.

Y_F — коэффициентнинг қиймати «келтирилган» тишлар сонига нисбатан 1.4.10-жадвалдан олинади. Тўғри тишли филдираклар учун $Z_{\text{кел}} = Z/\cos \varphi$, айланасимон тишли филдираклар учун «келтирилган» тишлар сони қўйидагича аниқланади:

$$Z_{\text{кел}1} = \frac{Z_1}{\cos^3 \beta_m \cdot \cos \varphi_1}; \quad Z_{\text{кел}2} = \frac{Z_2}{\cos^3 \beta_m \cdot \cos \varphi_2}$$

X_n силжиш коэффициенти

$Z_{\text{кел}}$	Узатиш сони							
	1,0	1,25	1,6	2,0	2,5	3,15	4,0	5,0
12	—	—	—	0,32	0,37	0,39	0,41	0,42
13	—	—	—	0,30	0,35	0,37	0,38	0,40
14	—	—	0,23	0,29	0,33	0,35	0,37	0,38
15	—	0,12	0,22	0,27	0,31	0,33	0,35	0,36
16	—	0,11	0,21	0,26	0,30	0,32	0,34	0,35
18	0,00	0,10	0,19	0,24	0,27	0,30	0,32	0,32
20	0,00	0,09	0,17	0,22	0,26	0,28	0,29	0,29
25	0,00	0,08	0,15	0,19	0,21	0,24	0,25	0,25
30	0,00	0,07	0,11	0,16	0,18	0,21	0,22	0,22
40	0,00	0,05	0,09	0,11	0,14	0,16	0,17	0,17

1.4.5. § Очиқ конуссимон узатмани ҳисоблаш тартиби

Очиқ конуссимон узатмаларнинг тишлари асосан тўғри тишли бўлиб, тезлиги 2 м/с дан кам бўлган ҳолларда ишлатилади. Қўйида узатманинг ҳисоблаш тартиби берилган. Узатманинг ҳисоблаш тартиби асосан ёпиқ конуссимон узатмалардек.

- узатма филдираклари учун материал таъланади
- контакт ва эгилишдаги кучланиш аниқланади. Бунда $K_{HL1} = K_{HL2} = 1,0$, $K_{FL1} = K_{FL2} = 1,0$ олинади, натижада $[\sigma_H]_1 = [\sigma_H]_2 = [\sigma_{HO}]$, $[\sigma_F] = [\sigma_F]_2 = [\sigma_{FO}]$.
- етақланувчи филдиракнинг ташқи диаметри ҳисобланади
- филдиракнинг ўлчамлари аниқланади
- узатманинг илашиш модули аниқланади, тишларнинг мустақамлигини ошириш учун модулнинг қийматини 30 фоиз ошириш тавсия этилади.
- етақловчи ва етакланувчи филдирак тишлар сони аниқланиб, узатиш сонининг ҳисоби қиймати аниқланади
- филдиракларнинг геометрик ўлчамлари
- тишли филдиракларнинг илашишда ҳосил бўлган кучлар
- эгилишдаги кучланишнинг ҳисобий қиймати

1.5 § Червякли узатманинг ҳисоби

Узатманинг асосий ўлчамлари бу ўқлараро масофа a_w , узатиш сони u , червякнинг кирим сони Z_1 червякли филдиракнинг тишлар сони Z_2 , модул m , червяк диаметр коэффициенти q , червяк ўрамини

кўтарилиш бурчаги γ , червяк ўрамаининг узунлиги b_1 ҳамда червякли филдиракнинг эни b_2 .

Бир поғонали червякли узатмада узатиш сонининг қиймати $u=8 \div 80$ гача бўлиши мумкин, лекин u нинг қиймати 63 дан ошса узатманинг ф. и. к. камаяди. Шунинг учун u нинг қийматини 63 дан катта олмаслик тавсия қилинади.

Тиш эни коэффициентини ψ иккита қийматдан иборат, кирим сони $Z_1=1,2$ бўлган червяклар учун $\psi=0,355$, кирим сони $Z_1=4$ бўлган червяклар учун $\psi=0,315$.

Червякли узатмаларда модул қиймати стандартлашган бўлиб, у 1.5.2.-жадвалдан олинади.

Червякли узатмани ҳисоблаш тартиби

Узатмани ҳисоблаш учун валдаги буровчи момент T_2 Нм унинг бурчак тезлиги ω , c^{-1} узатиш сони u ҳамда ишлаш вақти L_h соат ҳисобида берилган бўлиши керак.

1. Червяк ва червякли филдираклар учун материал танлаш а) червяк асосан пўлат материаллардан тайёрланади, уни 1.4.2-жадвалдан танлаш мумкин. Унинг термик қайта ишланиши узатилаётган қувватга боғлиқ бўлади. Узатилаётган қувват 1 кВт гача бўлса, термик қайта ишланиш яхшиланиш бўлиб тиш юзасининг қаттиқлиги ≤ 350 НВ олинади.

Узатилаётган қувват нисбатан катта бўлиб, узатманинг ишлаш муддати катта бўлса, ўрам юзаси аввал тобланиб, кейин силлиқланади ва ялитиратилади. Бунда ўрам қаттиқлиги ≥ 45 HRC бўлиши керак;

б) червякли филдирак тишли гардиши асосан антифрикцион хусусиятга эга бўлган материаллардан тайёрланиб 1.5.1-жадвалдан узатманинг сирпаниш тезлигига нисбатан танланади.

$$V_c \approx 0,0043 \omega_1 \sqrt{T_2} \text{ c}^{-1},$$

2. Рухсат этилган кучланишнинг қиймати танланган материалга боғлиқ бўлиб қуйидагича аниқланади:

I группа учун $[\sigma_H] = K_{HL} \cdot C_V \cdot [\sigma_{HO}]$ МПа

бу ерда: K_{HL} — узатманинг узоқ муддат ишланишини ҳисобга олувчи коэффициентини $K_{HL} = \sqrt{\frac{10^7}{N}}$

$N=573\omega_2 L_h$ — ўзгарувчан юкланишлар сони агарда $N=25/10^7$ бўлса, $N=25 \cdot 10^7$ қабул қилинади.

L_h — узатманинг ишлаш муддати, соат ҳисобида

C_V — червякли филдиракнинг ейилишини ҳисобга олувчи коэффициентини бўлиб қиймати узатманинг сирпаниш тезлигига нисбатан қуйидагича олинади:

V_c c^{-1}	5	5	7	8
C_v	0,95	0,88	0,83	0,8

$[\sigma_{HO}]$ — ўзгарувчан юкланишлар сони 10^7 циклга тўғри келган рухсат этилган контакт кучланиш

$$[\sigma_{HO}] = (0,75 \div 0,9) \sigma_{\Sigma} \text{ МПа},$$

бу ерда: ≤ 350 НВ бўлганда 0,75 олинади,
 ≥ 45 HRC бўлганда 0,9 олинади

II группа учун

$$[\sigma_H] = [\sigma_{HO}] - 25 V_c \text{ МПа.}$$

бу ерда: червяк тиш юзасининг қаттиқлиги ≤ 350 НВ бўлганда $[\sigma_{HO}] = 250$ МПа; ≥ 45 HRC бўлганда $[\sigma_{HO}] = \div 300$ МПа бўлади.

III группа учун $[\sigma_H] = 175 - 35 V_c$ МПа.

Рухсат этилган эгилишдаги кучланиш:

$$\sigma_F = K_{FL} \cdot [\sigma_{FO}] \text{ МПа}$$

бу ерда: $K_{FL} = \sqrt[3]{\frac{10^7}{N}}$ — узатманинг узоқ муддат ишлашини ҳисобга олувчи коэффициент

$$N = 573 \omega L_h \text{ — цикллар сони.}$$

I, II группа учун $[\sigma_{FO}] = 0,25 \sigma_{OK} + 0,08 \sigma_M$

III группа учун $[\sigma_{FO}] = 0,12 \sigma_{\Sigma}$.

3. Ўқлараро масофа

$$a_o \geq 61 \sqrt[3]{\frac{T_2}{[\sigma_H]^2}} \text{ мм.}$$

Аниқланган қиймат стандарт қатор бўйича яхлитланади:
 $a_o = 80, 100, 125, 140, 160, 180, 200, 225, 250, 280, 315, 356, 400, 450, 500, 560, 630, 710.$

4. Червякнинг кирим сони Z_1 .

Z_1 нинг қиймати узатманинг узатиш сонига боғлиқ бўлиб, қуйидаги олиш тавсия этилади:

$u \dots 8$ -дан 14 -гача, 14 -дан 30 -гача, 30 -дан юқори

Етакланувчи филдирак тишлар сони:

$$Z_2 = Z_1 \cdot u \geq Z_{\min} = 28.$$

5. Узатманинг модули

$$m = (1,5 \div 1,7) \frac{a_o}{Z_2}.$$

Аниқланган қиймат стандарт бўйича яхлитланади, 1.5.2-жадвал.
6. Червякнинг диаметр коэффициенти

$$q = \frac{2a_w}{m} + Z_2 \geq q_{\min},$$

q -нинг энг кичик қиймати $q_{\min} = 0,212 Z_2$.

Аниқланган қиймати 1.5.2-жадвал бўйича яхлитланади.

7. Силжиш коэффициенти

$$X = \left(\frac{a_w}{m} \right) - 0,5(Z_2 + q),$$

Агарда X -нинг ҳисобий қиймати, ($X > 1$ бўлса, a_w , q ҳамда Z_2 -нинг қийматини ўзгартириб $X = \pm 1$ шарт бажарилиши керак.

8. Узатиш сонининг ҳисобий қиймати. Бу қиймат берилган қийматдан 4 фоизгача фарқ қилиш мумкин.

$$u_x = \frac{Z_2}{Z_1}; \quad \Delta u = \frac{(u_x - u)}{u} \cdot 100\% \leq [4\%].$$

9. Узатма ғилдиракларининг геометрик ўлчамлари (1.5.1-расм-да берилган):

Червяк ва червякли ғилдирак геометрик ўлчамлари	Червяк	Червякли ғилдирак
Тиш (ўрам) бўлувчи айланосининг диаметри	$d_1 = mq$	$d_2 = mZ_2$
Ташқи диаметр	$d_{a1} = d_1 + 2m$	$d_{a2} = d_2 + 2(1+x)m$
Тиш ости диаметри	$d_{f1} = d_1 - 2,4m$	$d_{f2} = d_2 - 2(1,2-x)m$
Червякли ғилдиракнинг энг катта ташқи диаметри	—	$d_{aT2} \leq d_{a2} + \frac{6m}{Z_1 + Z_2}$
Червяк ўрамининг узунлиги	$Z_1 = 1,2$	$b_1 \geq (11 + 0,06 Z_2)m$
	$Z_1 = 4$	$b_1 \geq (12,5 + 0,09 Z_2)m$
Червякли ғилдирак тишли қисмининг эни	$Z_1 = 1,2$	—
	$Z_1 = 4$	$b_2 \leq 0,75 d_{a1}$
		$b_2 \leq 0,67 d_{a1}$

10. Контакт кучланишининг ҳисобий қиймати

$$\sigma_H = \frac{480}{d_2} \sqrt{\frac{K \cdot T_2}{d_1}} \leq [\sigma_H].$$

бу ерда: K_H — юкланиш коэффициенти қиймати узатманинг сирпаниш тезлигига боғлиқ бўлиб $V_c \leq 3$ м/с бўлганда, $K_H = 1,0$; $V_c > 3$ м/с бўлганда $K_H = 1,1 \div 1,3$ бўлади.

Сирпаниш тезлигининг ҳисобий қиймати $V_c = V_1 / \cos \gamma$ формула ёрдамида аниқланади.

Бу ерда $V_1 = 0,5 \omega_1 d_1$ — червякнинг айланма тезлиги,

γ — червяк ўрамининг кўтарилиш бурчаги қиймати q ҳамда Z_1 нисбатан 1.5.3-жадвалдан олинади.

11. Узатманинг фойдали иш коэффициенти

$$\eta = \frac{\text{tg } \gamma}{\text{tg } (\gamma + \rho^1)},$$

бу ерда: ρ^1 — ишқаланиш бурчаги, қиймати сирпаниш тезлигига нисбатан 1.5.4-жадвалдан олинади.

12. Илашишда ҳосил бўлган кучлар.

Червякли ғилдирак таъсир қилувчи айланма куч червякдаги бўйлама кучга тенг:

$$F_{t2} = F_{a1} = \frac{2T_2}{d_2}.$$

Червякдаги айланма куч червякли ғилдиракдаги бўйлама кучга тенг:

$$F_{t1} = F_{a2} = \frac{F_{t2} \cdot Z_1}{q \cdot \eta}.$$

Раднал куч $F_r = F_{t2} \cdot \text{tg } \alpha$. $\alpha = 20^\circ$.

13. Червякли ғилдирак тишларидаги эгилиш кучланишининг ҳисобий қиймати

$$\sigma_F = 0,7 \frac{Y_F \cdot K_F \cdot F_{t2}}{mb_2} \leq [\sigma_F].$$

Масала: Етакловчи валнинг қуввати $P_1=8,5$ кВт айланиш сони $n_1=2000$ мин⁻¹, узатиш сони $u=3$ бўлган занжирли узатма ҳисоблансин. Узатма икки сменада ишлайди, вақти-вақти билан ёғланиб, таранглиниб туради, ҳаракат бир текисда, горизонтга нисбатан 45° бурчак остида жойлашган.

Масаланинг ечими:

1. Узатма катта тезлик билан ҳаракат қилгани учун тишли занжир танлаймиз
2. Етакловчи ва етакланувчи юлдузча тишлар сони

$$Z_1=35-2u=35-2 \cdot 3=29, \quad Z_2=Z_1 \cdot u=29 \cdot 3=87$$

3. Занжир қадами танланади $n_1=2000$ мин⁻¹ бўлганда 1.7.5-жадвалдан $t=19,05$ мм бўлган занжир танлаймиз. Бунда қўйидаги шарт бажарилиши керак:

$$[n_1] \leq 17 \cdot 10^3 \frac{\sqrt[4]{Z_1}}{t} = 17 \cdot 10^3 \cdot \frac{\sqrt[4]{29}}{19,05} = 2000 = [n_1] \text{ шарт бажарилди}$$

4. занжирнинг эни

$$b \geq \frac{10P \cdot K_{\Sigma}}{P_{10,10}} \text{ мм}$$

бу ерда: $P = 8,5$ кВт $K_{\Sigma} = K_1 \cdot K_2 \cdot K_3 \cdot K_4 \cdot K_5 \cdot K_6$

$$K_1 = 1,0 \quad K_2 = 1,0 \quad K_3 = 1,0 \quad K_4 = 1,25 \quad K_5 = 1,5 \quad K_6 = 1,5$$

Натижада $K_{\Sigma} = 2,8$

5. Узатманинг тезлиги

$$V = \frac{Z_1 \cdot t_1 \cdot n_1}{60 \cdot 1000} = \frac{29 \cdot 19,05 \cdot 2000}{60 \cdot 1000} = 16,74 \text{ с}^{-1}$$

Натижада

$$b \geq \frac{10 \cdot 8,5 \cdot 2,8}{3,5} = 68 \text{ мм.}$$

1.7.6-жадвалдан занжирнинг ўлчамлари тапланади, $t=19,05$ мм $b=69,0$ мм, $F_{\Sigma} = 105$ Н; $m=5,91$ бўлган тишли занжир танлаймиз.

6. Узатманинг геометрик ўлчамлари

а) ўқлараро масофа $a = 40t = 40 \cdot 19,05 = 762$ мм

б) занжирдаги звенолар сони

$$L_t = 2a_1 + 0,5 Z_v + \frac{\Delta^2}{a_1} \quad Z_v = Z_1 + Z_2 = 29 + 87 = 116,$$

$$a_1 = \frac{a}{t} = \frac{40t}{t} = 40 \quad \Delta = \frac{Z_2 - Z_1}{2\pi} = \frac{87 - 29}{2 \cdot 3,14} = 9,24,$$

$$L_t = 2 \cdot 40 + 0,5 \cdot 116 + \frac{9,24^2}{40} = 140 \quad \text{яхлитланиб} \quad L_t = 140 \quad \text{қабул қиламиз.}$$

в) ўқлараро масофанинг ҳисобий қиймати

$$a = 0,25 t [L_t - 0,5 Z_v + \sqrt{(L_t - 0,5 Z_v)^2 - 8\Delta^2}] =$$

$$= 0,25 \cdot 19,05 [140 - 0,5 \cdot 116 + \sqrt{(140 - 0,5 \cdot 116)^2 - 8 \cdot (9,24)^2}] = 760,5 \text{ мм.}$$

Занжирнинг салқилигини таъминлаш учун ўқлараро масофани $760,5 \cdot 0,03 \approx 3$ мм камайтириш керак.

7. Занжирнинг юлдузчага зарб билан урилиш сони

$$W = \frac{4Z_1 n_1}{60 L_t} \leq [W] = \frac{800}{t} - 0,2 t \text{ бунда}$$

$$W = \frac{4 \cdot 29 \cdot 2000}{60 \cdot 140} = 27,6 \quad [W] = \frac{800}{19,05} - 0,2 \cdot 19,05 = 38,08$$

$W < [W]$ шарт бажарилди

8. Эҳтиётлик коэффициенти

$$S = \frac{F_{\Sigma}}{F_t + F_m + F_f} < [S]$$

бу ерда:

$$F_t = \frac{2T_1}{d_1} = \frac{2 \cdot 40,6 \cdot 10^3}{179,9} = 433 \text{ Н}; \quad T_1 = 9550 \frac{P_1}{n_1} = 9550 \frac{8,5}{2000} = 40,6 \text{ Нм};$$

$$F_m = mV^2 = 5,91 \cdot 16,04^2 = 1513 \text{ Н};$$

$$F_f = 9,81 K_f \cdot m \cdot a = 9,81 \cdot 6,0 \cdot 5,91 \cdot 0,760 = 264 \text{ Н.}$$

Натижада

$$S = \frac{105 \cdot 10^3}{(433 + 1513 + 264)} = 47 > [S] \text{ шарт бажаралди.}$$

9. Юлдузчанинг геометрик ўлчамлари

а) тиш бўлувчи айланасининг диаметри.

$$d_{\pi 1} = \frac{t}{\sin \frac{180^\circ}{Z_1}} = \frac{19,05}{\sin \frac{180^\circ}{29}} = 179,21 \text{ мм,}$$

$$d_{\pi 2} = \frac{t}{\sin \frac{180^\circ}{Z_2}} = \frac{19,05}{\sin \frac{180^\circ}{87}} = 545,85 \text{ мм,}$$

б) ташқи диаметри

$$D_{e1} = d_{\pi 1} + \frac{2h}{\cos \frac{180^\circ}{Z_1}} = 179,21 + \frac{2 \cdot 12,4}{\cos \frac{180^\circ}{29}} = 204,11 \text{ мм,}$$

$$D_{e2} = d_{\pi 2} + \frac{2h}{\cos \frac{180^\circ}{Z_2}} = 545,85 + \frac{2 \cdot 12,4}{\cos \frac{180^\circ}{87}} = 570,66 \text{ мм,}$$

$$h = h_1 + e = 10,5 + 1,9 = 12,4 \text{ тишнинг баландлиги.}$$

2-б о б. ВАЛЛАР ВА УҚЛАР

Вал ва ўқлар тишли гилдирак, шкив каби айланувчи деталлардан ўрнатиш учун ишлатиладиган узатманинг асосий элементларидан биридир. Ўқларнинг асосий вазифаси деталларнинг мўлжалдаги жойида айланиш учун шароит яратиб беришдир. Бунда ўқнинг ўзи детал билан биргаликда айланиши ҳам, айланмаслиги ҳам мумкин. Валнинг вазифаси ундаги деталларнинг айланишини таъминлаш билан бирга буровчи момент узатишдан ҳам иборатдир.

Ўқ билан валнинг тузилиши кўпинча бир хил бўлса-да, ишлаш шароити турлича бўлади, яъни ўқ фақат эгувчи кучланиш таъсирида, вал эса эгувчи кучланиш ва буровчи моментдан ҳосил бўлган кучланиш таъсирида ишлайди.

Валлар асосан углеродли ва легирланган пўлат материаллардан тайёрланади. Валлар термик қайта ишланмаган Ст 5 ёки қайта ишланган 40, 45, 40X каби пўлат материаллардан тайёрланади. Оғир юкланган валларни термик қайта ишланган 40XH, 40XHMA, 30XГТ пўлат материаллардан тайёрлаш тавсия этилади.

Сирпаниш подшипникларига ўрнатилган катта тезлик билан ҳаракатланувчи валлар ейишига чидамли 20, 20X материаллардан, жуда катта тезлик билан ҳаракатланувчи валлар 12XH3A, 18XГТ маркали пўлат материаллардан тайёрланади.

2.1 § Валларнинг тахминий ҳисоби ва эскизи

Валларнинг ташқи кўриниши уларга ўтказилган деталларга боғлиқ. Валларга ўрнатилган деталларни ўқ бўйича силжитишнинг иложи бўлиши ҳамда детални ҳар бир кесимда кучланиш бир хил бўлишини таъминлаши керак. Механизм валлари ҳисоблашнинг бу усулида валларга таъсир қилувчи буровчи момент ҳисобга олиниб, вал учи (2.1.1-расм) консол қисмининг диаметри

$$d_1 = \sqrt[3]{\frac{T_1}{0,2[\tau]}} \text{ мм}$$

бу ерда T — буровчи момент, Н мм

$[\tau]$ — буралишдаги руҳсат этилган кучланиш (5, 6, 35, 40, 45, 40X маркали пўлат материаллардан тайёрланган валлар учун $[\tau] = 15 \div 25$ Н (мм²))

d_1 нинг аниқланган қиймати стандарт бўйича яхлитланиб, вал қолган қисмларининг диаметри аниқланиб, валнинг эскизи чиқиб олинади. Узатма валларининг эскизини тахминий чиқиб олиш учун (2.1.1-расм) унинг қолган қисмларини қуйидагича ҳисоблаш тавсия этилади: $d_2 = d_1 + 2t$, $d_3 = d_2 + 3,2r$. Конуссимон узатманинг етакловчи валидаги d_5 нинг қийматини (2.1.2-расм) d_2 га нисбатан 2.8.4-жадвалдан олинади, $d_4 = d_n = d_5 + (2 \div 5)$ мм.

Икки поганали уч ўқли узатмаларда ўрта валда етакланувчи гилдирак ўтказилган қисмининг диаметри қуйидагича аниқланади: $d_3 = 6 \sqrt[3]{T_2}$ мм, $d_2 = d_n = d_3 - 2t$ (2.1.4-расм). Формулалардаги t, r, f ларнинг қийматларини 2.8.1-жадвалдан валнинг диаметрига нисбатан танланади.

Валнинг ҳамма қисмларида аниқланган диаметрлар стандарт бўйича яхлитланиб олиниши керак.

Узатма вали электродвигател вали билан муфта ёрдамида бириктирилганда бу диаметрлар орасидаги боғланиш $d_1 = (0,8 - 1,2) d_{\text{ав}}$ олинади. Валнинг қолган қисмларининг диаметрлари юқорида кўрсатилгандек аниқланади.

2.2 § Подшипникларни танлаш

Узатма вал диаметрлари аниқлангач таянчлари учун подшипник танлашда қуйидагиларга амал қилиш тавсия этилади.

Цилиндрсимон узатма валлари учун асосан золдирли радиал подшипниклар ишлатилади. (2.2.1а-расм). Подшипник, валнинг диаметрига нисбатан танланиб, танлаш енгил сериядан бошланади. Ҳисоблаш натижасида юк кўтарувчанлик бўйича бу серия тўғри келмаса ўртача серия танланиб, ҳисоб қайтарилади. Таянч таъсир қилаётган куч катта бўлса, танланган золдирли радиал подшипникларнинг ўлчами катта бўлади, шунинг учун бундай ҳолларда конуссимон роликли подшипниклар танлаш мумкин.

Конуссимон ва червякли узатмаларда бўйлама куч таъсири бўлганлиги сабабли валлар учун золдирли ёки конуссимон роликли радиал—тирак подшипниклар олиш тавсия этилади. (2.2.1б, в-расмлар). Танланган подшипникларнинг асосий ўлчамлари $d, D, B, (T, C)$ ва динамик C_r , статик C_0 юк кўтарувчанлик қийматлари 4-бобда берилган 4.5.5 ÷ 4.5.7 жадваллардан олинади.

2.3 § Таянчлар ўртасидаги масофа

Валларнинг диаметрлари аниқланиб, танланган подшипникларни валга ўтказиш схемаси танлангач узатма йиғилиб валга ўрна-

тилган деталларнинг таянчларга нисбатан жойланиши ҳамда таянчлар ўртасидаги масофа аниқланди. Бу узатмани йиғишнинг биринчи босқичи ҳисобланади. Бунинг учун узатма деталлари 1:1 масштаб билан А1 ёки форматли миллиметрли қоғозга чизилади. Чизиш қуйидаги тартибда олиб борилади.

А. Цилиндрсимон узатмалар учун:

1. Узатма валларининг ўқлари ўзаро параллел чизилиб гилдираклар илашган ҳолда чизилади 2.3.1а-расм.

2. Узатма гилдирак валлари чизилиб, етакланувчи тишли гилдирак ёки губчакнинг ён томонларидан $X=5 \div 8$ мм масофа қолдирилиб узатма қолипга олинади (2.3.1б-расм) ҳамда танланган подшипник чизилади (2.3.1в-расм).

3. Таянчдан очиқ узатмагача бўлган масофани аниқлаш учун валга подшипник қопқоғи ўрнатилиб очиқ узатма чизилади. Қопқоқ икки кўринишда бўлиши мумкин.

а) подшипник қопқоғи болт (винт) ёрдамида қутига маҳкамланади (3.3.2б-расм);

б) подшипник қопқоғи қутичанинг асоси ҳамда қопқоғидаги маҳсус ариқчага ўрнатилади, бунда қопқоқлар болт (винт) ёрдамида маҳкамланмайди (3.3.2а-расм).

Ҳар икки тур қопқоқлар конструкцияси тешикли, тешиксиз бўлиб, ўлчамлари подшипник ташқи диаметрига нисбатан аниқланади (3.3.2-расм).

4. Валга барча деталлар ўрнатилгач, таянчлар ўртасидаги масофа аниқланади. Бу масофаларни аниқлаш 2.3.1в расмда кўрсатилган.

Б. Конуссимон узатмалар учун:

1. Узатма валлари ўзаро, $\varphi=90^\circ$ бурчак остида чизилиб, ўқларнинг кесишган нуқтасидан φ_1 бурчак остида R_e масофа чизилиб, тишли гилдираклар илашган ҳолда чизилади (2.3.2а-расм).

2. Тишли гилдиракларнинг валлари чизилгач етакловчи ва етакланувчи гилдирак губчагининг ён томонидан $X=8 \div 10$ мм масофа қолдирилиб, узатма қолипга (2.3.2б-расм) олинади ҳамда подшипниклар чизилади. Етакланувчи валда ўқларнинг кесишган нуқтасидан таянчгача бўлган масофа бир хил бўлиши керак. Етакловчи валда подшипник таянчлари ўртасидаги масофа $l_2=2,5 l_3$.

l_3 — подшипник таянчидан етакловчи тишли гилдирак тиш эни ўртасигача бўлган масофа чизмадан ўлчаб олинади (2.3.2в-расм). ҳамда танланган подшипниклар чизилади, (2.3.3б-расм).

3. Валга ҳамма деталлар ўрнатилгач таянчлар ўртасидаги масофа аниқланади. Бу масофани аниқлаш 2.3.2в-расмда кўрсатилган.

В. Червякли узатмалар учун:

1. Узатманинг икки проекциясида, яъни унинг олдидан ҳамда ёнидан кўринишида валларнинг ўқлари ўзаро айқаш ҳолда чизилиб, червяк ва червякли гилдирак илашган ҳолда чизилади 2.3.3-расм.

2. Узатмада червяк ва червякли гилдирак валлари чизилиб, унинг олдидан кўриниши чизилган проекциясида червякли гилдиракнинг d_{at2} диаметридан ва ёнидан кўриниши чизилган проекциясида $X=5 \div 8$ мм масофа қолдирилиб узатма қолипга олинади танланган подшипниклар чизилади, (2.3.3б-расм).

3. Узатма валларига ҳамма деталлар ўрнатилгач, подшипник таянчлари ўртасидаги масофа аниқланади (2.3.3в-расм).

Вал таянчларига золдирли радиал, радиал-тирак ёки конуссимон роликли радиал-тирак подшипниклар ўрнатилганда таянчлар орасидаги масофани аниқлаш 2.3.4-расмда кўрсатилган.

Узатма йиғилиб, таянчлар орасида масофа аниқлангач, валга таъсир қилувчи кучлар ва уларнинг йўналиши аниқланиб, вал учун эгувчи ва буровчи момент эпюраси қурилади.

2.4 § Валга таъсир қилувчи кучлар

Узатмаларнинг ишлаш жараёнида тишли гилдиракларнинг илашиш чизиғида кучлар ҳосил бўлади. Валларнинг шу кучлар таъсирида деформацияланиши руҳсат этилган қийматдан ошмаслиги керак.

Тишли гилдиракларнинг илашишида айланма, марказга интилувчи ва радиал кучлар ҳосил бўлади. Бунда айланма кучнинг йўналиши етакловчи гилдирак учун айланмага уринма шаклида айланмишга тескари томонга, яъни етакланувчи гилдирак учун уринма шаклида айланмиш томонга йўналган бўлади. Марказга интилувчи куч илашиш чизиғидан марказга интилган бўлади, бўйлама куч эса ўққа параллел равишда йўналган бўлади.

а) цилиндрсимон тўғри тишли, гилдиракларда (2.4.1-расм)

$$F_t = \frac{2T_1}{d_1} - \text{айланма куч}$$

$$F_r = F_t \operatorname{tg} \alpha - \text{марказга интилувчи куч}$$

бунда T — валдаги буровчи момент, Н мм

d_1 — тиш булувчи айланасининг диаметри,

$\alpha=20^\circ$ — гилдирак тишларининг илашиш бурчаги

Қия тишли цилиндрсимон тишли узатмаларда қўшимча бўйлама F_a куч ҳосил бўлади, қиймати қуйидагича аниқланади:

$$F_a = F_t \cdot \operatorname{tg} \beta$$

β — гилдирак тишларининг қиялик бурчаги — $8^\circ \div 15^\circ$
 б) тўғри тишли конуссимон узатмаларда (2.4.2-расм)

$$F_t = \frac{2T_1}{d_m} \text{ — айланма куч.}$$

$$F_r = F_{a2} = F_t \cdot \operatorname{tg} \alpha \cdot \cos \varphi_1 \text{ — марказга интилувчи куч}$$

$$F_{a1} = F_{r2} = F_t \cdot \operatorname{tg} \alpha \cdot \sin \varphi_1 \text{ — бўйлама куч}$$

d_m — ўртача диаметри — $0,857 d_{e1}$.

бу ерда φ — конуслик бурчаги.

в) червякли узатмаларда (2.4.3-расм)

$$F_{t1} = \frac{2T_1}{d_1} \text{ айланма куч. } F_{t1} = F_{a2}$$

F_{a2} — бўйлама куч.

$$F_r = F_t \cdot \operatorname{tg} \alpha \text{ — марказга интилувчи куч.}$$

$\alpha = 20^\circ$ — илашиш бурчаги.

2.5 § Таянчдаги реакция қийматлари ҳамда эғувчи момент эпюраси

Валнинг таянчлар орасидаги масофа ҳамда валга таъсир қилувчи кучларнинг қиймат ва йўналиши аниқлангач, таянчдаги реакция қийматлари, яъни подшипникларга таъсир қилувчи кучнинг қиймати аниқланиб, эғувчи момент эпюраси қурилади (6-бобда кўрсатилган).

2.6 § Подшипникларни динамик юк кўтарувчанлик бўйича текшириш

Танланган подшипникларни динамик юк кўтарувчанлик бўйича текширилади ёки унинг ишлаш муддати (соат ҳисобида) аниқланади. Бунда $C_x \leq C_r$ ёки $L_x > L_h$ шарт бажарилиши керак, агар бу шарт бажарилмаса (подшипник) бошқа сериясидаги подшипник танланиб, ҳисоб қайтарилиши керак, C_x , L_x бўйича ҳисоблаш 4-бобда кўрсатилган.

2.7 § Валларнинг хавфсизлик коэффициенти S қийматини аниқлаш

Вал кесимининг хавсизлик коэффициенти қуйидагича аниқланади:

$$S = \frac{S_\sigma \cdot S_\tau}{\sqrt{S_\sigma^2 + S_\tau^2}} \leq [S]$$

бу ерда: $[S]$ — 1,5—2,5 хавфсизлик коэффициентининг рухсат этилган қиймати;

S_σ , S_τ — хавфсизлик коэффициентининг нормал ва уринма кучланишлар бўйича қиймати

$$S_\sigma = \frac{\sigma_{-1}}{\frac{K_\sigma}{\epsilon_\sigma} \sigma_a + \psi_\sigma \sigma_m}, \quad S_\tau = \frac{\tau_{-1}}{\frac{K_\tau}{\epsilon_\tau} \tau_a + \psi_\tau \tau_m}$$

бу ерда: $\sigma_{-1} = 0,43 \sigma_M$ чидамлик чегарасининг эгилишдаги кучланиш бўйича қиймати;

$\tau_{-1} = 0,58 \sigma_{-1}$ — чидамлик чегарасининг уринма кучланиш бўйича қиймати;

σ_M — вал учун танланган материалнинг мустаҳкамлик чегараси бўлиб, қиймати 1.4.2-жадвалдан олинади;

$\sigma_a = \frac{M}{W}$ — валнинг текшириладиган кесимидан нормал кучланиш;

$\tau_a = \frac{T}{W_p}$ — валнинг текшириладиган кесимидаги уринма кучланиш

$M_{ум}$ — эғувчи моментнинг умумий қиймати, Н·м;

T — валдаги буровчи момент, Н·м;

W , W_p — вал кесимининг қаршилик ҳамда қутбий қаршилик моменти, унинг қиймати ҳар хил кесимлар учун 2.7.1-жадвалда берилган.

K_σ , K_τ — кучланишларни бир жойга тўпланишини хавфсизлик коэффициенти қийматига таъсирини ҳисобга олувчи коэффициентлар қийматлари 2.7.2-жадвалдан олинади.

ϵ_σ , ϵ_τ — вал материали мустаҳкамлиги ва диаметрининг хавфсизлик коэффициенти қийматига таъсирини ҳисобга олувчи коэффициент (2.7.3-жадвал).




σ_m , τ_m — кучланиш циклининг узгармас қисми, қуйидаги формула ёрдамида аниқланади;

$$F_a = 0 \text{ бўлганда } \sigma_m = 0, \quad F_a > 0 \text{ бўлганда } \sigma_m = 4 F_a / \pi d_1, \quad \tau_m = 0,5 \tau_{max} = \frac{0,5 T}{W_p}$$

бунда: F_a — бўйлама куч, Н;
 d_1 — валнинг диаметри, мм;
 T — буровчи момент, Н·мм;

Вал кесимларининг қаршилик ҳамда қутбий қаршилик моментлари, мм³

2.7.1-жадвал

Валларнинг кесими	W	W_K
	$0,1 d^3$	$0,2 d^3$
	$0,1 d^3 - \frac{bf_1(d-t_1)^2}{2d}$	$0,2 d^3 - \frac{bf_1(d-t_1)^2}{2d}$
	$0,1 d^3 C$	$0,2 d^3 C$

2.7.1-жадвалнинг давоми


C-коэффициент қийматлари

$\frac{d}{D}$	0,4	0,42	0,45	0,48	0,5	0,53	0,55	0,6	0,63	0,67	0,71
C	0,974	0,969	0,959	0,947	0,938	0,921	0,901	0,870	0,842	0,8	0,747

2.7.2-жадвал

K_1, K_2 — коэффициентлар

Пулат материаллар учун σ_M нинг қийматлари МПа бўлгандаги K_1 нинг қийматлари				Пулат материаллар учун σ_M нинг қийматлари МПа бўлгандаги K_2 нинг қийматлари			
600	700	800	900	600	700	800	900
Шпонкали валлар учун							
1,6	1,75	1,80	1,90	1,50	1,60	1,70	1,90
Тўғри бурчакли шлицли валлар учун							
1,55	1,6	1,65	1,70	2,35	2,45	2,55	1,65
Эвольвентли шлицли валлар учун							
1,55	1,6	1,65	1,70	1,46	1,49	1,52	1,55
Галтелли валлар учун							



$\frac{t}{r}$	$\frac{r}{d}$	K_1				K_2			
		600	700	800	900	600	700	800	900
1	0,02	1,85	1,95	2,10	2,25	1,29	1,32	1,39	1,46
	0,04	1,80	1,85	2,0	2,10	1,27	1,30	1,37	1,43
	0,06	1,75	1,80	1,90	1,95	1,25	1,29	1,36	1,41
	0,08	1,70	1,75	1,80	1,90	1,21	1,25	1,32	1,39
	0,10	1,65	1,70	1,75	1,80	1,18	1,21	1,29	1,32

2.7.2-жадвалнинг давами

1.5	0,02	1,89	1,99	2,15	2,31	1,37	1,41	1,50	1,59
	0,04	1,84	1,89	2,05	2,15	1,35	1,37	1,47	1,56
	0,06	1,78	1,84	1,94	1,99	1,32	1,36	1,46	1,52
	0,08	1,73	1,78	1,84	1,94	1,27	1,32	1,41	1,50
	0,10	1,68	1,73	1,78	1,84	1,23	1,27	1,37	1,41
2	0,02	1,93	2,04	2,2	2,37	1,40	1,45	1,55	1,65
	0,04	1,87	1,93	2,09	2,2	1,33	1,42	1,52	1,60
	0,06	1,82	1,87	1,98	2,04	1,3	1,40	1,50	1,57
	0,08	1,76	1,82	1,87	1,93	1,30	1,35	1,45	1,55
	0,1	1,71	1,76	1,82	1,87	1,25	1,30	1,40	1,45

ψ_σ, ψ_τ — кучланиш цикли ўзгармас қисмининг хавфсизлик коэффициенти қийматига таъсирини ҳисобга олувчи коэффициенти, бу коэффициент қиймати мустақамлиги $\sigma_m = 650-750$ МПа бўлган углеродли пулат материаллар учун $\psi_\sigma = 0,1$, $\psi_\tau = 0,1$; легирланган пулат материаллар учун $\psi_\sigma = 0,25-0,30$; $\psi_\tau = 0,1$.

2.7.3-жадвал

		$\epsilon_\sigma, \epsilon_\tau$ нинг қийматлари						
		Валнинг диаметри d , мм						
Пулат		20	30	40	50	70	100	100
Углеродли	ϵ_σ	0,92	0,83	0,85	0,82	0,76	0,70	0,61
	ϵ_τ	0,83	0,77	0,73	0,70	0,65	0,59	0,52
Легирланган	ϵ_σ							
	ϵ_τ	0,83	0,77	0,73	0,70	0,65	0,59	0,52

2.8 § Валларнинг тузилиши (конструкциялари)

Цилиндрсимон, конуссимон, червякли узатма етакловчи ва етакланувчи валларнинг тузилиши 2.8.1—2.8.3-расмларда берилган.

Валларнинг тузилиши (конструкциялари) уларга ўтказилган деталларга ҳамда шу деталларнинг валга қандай маҳкамланишига боғлиқ бўлади. Чунки бу ўтказилган деталлар ўз-ўзидан ўқ атрофида айланиб кетмаслиги ҳамда ўқ бўйича силжимаслиги керак. Валларга деталларни енгил ўтказиб, керак бўлган ҳолларда енгил ажратиб олиш мумкин бўлиши керак. Шунинг билан бирга валлар иш жараёнида мустаҳкам, кам материал сарф қилиб тайёрланадиган технологик жиҳатдан енгил тайёрланиши керак.

Валларда бир поғонадан иккинчи поғонага ўтишда галтел, яъни радиус қилиб тайёрланади. Бу эса шу кесимда кучланишнинг тўпланишини камайтиради. Эгрилик радиусининг ўлчамлари 2.8.1-жадвалда берилган.


2.8.1-жадвал

t, z, f қийматлари				
d	17...24	28...30	32...40	42...50
t	2	2,2	2,5	2,8
r	1,6	2	2,5	3,0
f	1,0	1,0	1,2	1,6

Подшипник ўтказилган юзаларда юза нотекислигини камайтириш учун силлиқланади. Бунда силлиқлагичнинг чиқиши учун махсус ариқчалар қилинади. Бу ариқчаларнинг ўлчамлари 2.8.2-жадвалда берилган.

2.8.2-жадвал


	10 дан 50 гача	50 дан 100 гача	100 дан юқори
b	3	5	8
h	0,25	0,5	
r	1,0	1,6	2,0



Валларнинг учи цилиндрсимон (2.8.3-жадвал) ёки конуссимон (2.8.4-жадвал) бўлиши мумкин. Конуссимон учли валларга деталларни ўтказиш ёки ажратиш цилиндрсимон учли валларга нисбатан енгил.

2.8.3-жадвал

Цилиндрсимон учли валнинг ўлчамлари, мм



d	l	t	r	f	d	l	t	r	f
20	32	2,0	1,6	1,0	45	70	2,8	2	2,0
22	35				50	75			
25	40	2,2	1,6	1,0	55	82	3,0	2,5	2,0
28	45				60	90			
32	50	2,5	2,0	1,6	70	105	3,5		
36	55				80	120			
41	30				90	131	3,0	2,5	

Бўйлама кучларнинг қиймати катта бўлса ўтказилган детални (подшипник) гайка ёрдамида маҳкамлаш керак бўлади. Бунда резбанинг ўлчамини валнинг диаметрига нисбатан (2.8.4, 2.8.5-жадвалдан) олинади.

Цилиндрсимон, конуссимон ва червякли узатмаларда етакловчи тишли филдирак, валнинг ўзида кесилиши мумкин ёки алоҳида тайёрланиши мумкин. Бунда цилиндрсимон узатмалар учун тиш ости диаметридан шпонка учун ариқчагача бўлган масафо $S > 2,5 t$ (2.8.4-расм). Конуссимон филдираклар учун $S > 1,6 t$ бўлганда етакловчи тишли филдираклар алоҳида тайёрланиб валларга ўтказилади. Агарда юқоридаги шарт бажарилмаса, филдирак тишлари шу валнинг ўзида кесилади.

Етакланувчи валда етакланувчи филдирак ўтказилган қисмининг диаметри $d_3 = d_2 + 3,2 r$ олинади узунлиги филдирак губчагининг узунлигига боғлиқ. 2.8.1—2.8.3-расмларда етакланувчи валларнинг ҳар хил тузилиши (конструкцияси) берилган. Тишли филдираклар ўқ бўйича силжимаслиги учун икки томонидан халқалар ёрдамида сиқилади ёки бир томонидан халқа ёрдамида, иккинчи томонидан валнинг чиққигига тишли филдирак сиқилади.

Тишли филдиракларни валга ўтказиш ҳар хил бўлади. Масалан, шпонкали бирикма бўлганда қуйидагича олиш тавсия этилади:

Тўғри тишли цилиндрсимон узатмалар учун $H7/P6$, ($H7/Z6$); Қия тишли цилиндрсимон ҳамда червякли филдираклар учун $H7/Z6$, ($H7/S7$).

Конуссимон тишли филдираклар учун $H7/S6$, ($H7/t6$).

Тишли филдираклар икки томонлама ҳаракатланса (реверс) филдиракларни валга ўтказиш қовус ичидаги қийматлар бўйича

2.8.4-жадвал

d	t_1	t_2	d_{yp}	b	h	t_1	t_2	d_1	d_2	t_3	t_4								
20	36	22	18,9	4	4	2,5	1,8	M12X1,25	M6	6,5	8,8								
22			20,9																
24			23,8																
28	42	24	26,8	5	5	3,0	2,3	M16X1,5	M8	9,0	10,7								
32			30,2									M10	11,0	13,0					
36	58	36	34,2	6	6	3,5	2,8	M20X1,5	M12	14,0	16,3								
40			37,3									10	8	5,0	3,3	M24X2			
45	82	54	42,3	12	8	5,0	3,3	M30X2	M16	21,0	23,5								
50			47,3									12	8	5,0	3,3	M36X2	M20	21,0	23,5
56			53,3									14	9	5,5	3,8			23,5	26,5
63	105	70	59,5	16	10	6,0	4,3	M42X3	M20	23,5	26,5								
71			67,5									18	11	7,0	4,4	M48X3	M24	26,0	29,5
80			75,5									20	12	7,5	4,9	M56X4	M30	32,0	35,9
90	130	90	85,5	22	14	9,0	5,4	M64X4	M30	32,0	35,9								

олинади. Узатмани йиғиш даврида тишли филдиракларнинг ўзаро илашиш тўғри бўлиши учун созланиши керак.

Цилиндрсимон узатмаларда етакловчи филдирак эни нисбатан катта олинади, яъни $b_1 \approx b_2 + 5 - 8$ мм, натижада ўзаро илашиш яхши таъминланади (2.8.5а-расм).

Конуссимон ва червякли узатма филдиракларнинг илашишини нормал ҳолатга келтириш учун вални ўқ бўйича силжитиш керак бўлади. Бунда конуссимон узатмада ҳар икки вални ўқ бўйича силжитилса (2.8.5 б-расм), червякли узатмада червякли филдирак

вали силжиталади. (2.8.5в-расм). Бу созлашлар подшипник созлангандан кейин бажарилади.

Созлашни икки хил йўл билан бажарилади:

1. Подшипник қопқоқларининг тагига қалинлиги 0,1 мм да 0,8 мм гача бўлган прокладка қўйилади. Прокладканинг қалинлиги узатмани йиғиш даврида аниқланди.

2.8.5-жадвал

<i>d</i> -резьба	<i>b</i>	<i>h</i>	<i>a</i> ₂	<i>a</i> ₁	<i>d</i> ₂
M20×1,5	6	2	3,5	1,0	16,5
M22×1,5	6	2	3,5	1,0	18,5
M24×1,5	6	2	3,5	1,0	20,5
M27×1,5	6	3	4,0	1,5	23,5
M30×1,5	6	3	4,0	1,5	26,5
M33×1,5	6	3	4,0	1,5	29,5
M36×1,5	6	3	4,0	1,5	32,5
M39×1,5	6	3	4,0	1,5	35,5
M42×1,5	8	3	5,0	1,5	38,5
M45×1,5	8	3	5,0	1,5	41,5
M48×1,5	8	3	5,0	1,5	44,5
M52×1,5	8	3	5,0	1,5	48,0
M56×2,0	8	3	5,0	1,5	52,0
M60×2,0	8	3	6,0	1,5	56,0

2. Подшипник ташқи ҳалқасига винтли ҳалқалар билан таъсир қилиш йўли билан соланади.

Бу винтли ҳалқалар икки таянчларга қўйилади, натижада у иккала томонга ҳам силжитиш учун имкон беради.

Гилдирак тишларини ўзаро илашиши тўғри ёки нотўғри созланганлиги илашиш чизигида контакт чизиқларни жойлашувига қариб аниқланди. Бу чизиқлар тишнинг илашиш чизигининг ўртасида бўлиши керак (2.8.5-расм).

2.9 § Шпонкали ва шлицли бирикмалар

Шпонкали бирикмалар. Айланувчи деталларни айланадиган қилиб ўрнатиш учун турли шпонкалардан фойдаланилади. Шпонкали бирикмаларнинг тузилиши оддий бўлиб, уларни йиғиш ва қисмларга ажратиш нисбатан осон. Шунинг учун бундай бирикмалардан машинасозликда кенг қўламда фойдаланилади.

Вал сиртига шпонка учун мўлжалланган ўйиқ қилиниши шпонкали бирикмаларнинг асосий камчилигидир. Чунки бундай ўйиқча вал кўндаланг кесимини камайтириб, унинг мустаҳкамлигини пазайтиради.

Шпонкали бирикмалар зўриққан ва зўриқмаган бўлиши мумкин. Зўриққан бирикмаларда понасимон шпонкалар, зўриқмаган бирикмаларда эса призматик шпонкалар ишлатилади (2.9.1-жадвал).

Буровчи момент узатилишида шпонка ён ёқлари эзилиши мумкин. Бунда ҳосил бўладиган кучланиш қўйидагича аниқланади:

$$\sigma_{\text{оз}} = \frac{2T}{dl_x(h-t_1)} \leq [\sigma_{\text{оз}}]$$

бунда T — узатилаётган момент, Н мм;

d — валнинг диаметри, мм;

h — шпонканинг баландлиги;

t_1 — валдаги ўйиқчанинг чуқурлиги;

l_x — $(0,8-0,9) l_r$;

l_x — шпонканинг узунлиги;

l_r — гилдирак губчагининг узунлиги;

$[\sigma_{\text{оз}}] = 100$ МПа — эзилишдаги кучланишнинг жоиз қиймати;

агарда валга чўяндан тайёрланган деталлар ўтқазилса бу қиймат икки марта камайтирилиб олинади.

Ҳисоблаб топилган эзилишдаги кучланишнинг қиймати нисбатан кичик бўлса, бошқа кичик шпонка олиб ҳисобни қайтариш керак бўлади. Катта бўлса, иккита шпонка олинади. Бунда орасидаги бурчани 180° бўлиши керак ёки шлицли бирикма олиш керак бўлади.

2.9.1-жадвал

Призматик шпонкаларнинг ўлчамлари, мм (ГОСТ 23360—78)

Валнинг диаметри, <i>d</i> , мм	Шпонкаларнинг кўндаланг кесими <i>b</i> × <i>h</i>	Ўйиқчаларнинг чуқурлиги, мм		Валнинг диаметри, <i>d</i> , мм	Шпонканинг кўндаланг кесими, <i>b</i> × <i>h</i>	Ўйиқчаларнинг чуқурлиги, мм	
		валда <i>t</i> ₁ , мм	штулкада <i>t</i> ₂ , мм			валда <i>t</i> ₁ , мм	штулкада <i>t</i> ₂ , мм
10—12	4×4	2,5	1,8	50—58	16×10	6,0	4,3
12—17	5×5	3	2,3	58—65	18×11	7,0	4,4
17—22	6×6	3,5	2,8	65—75	20×12	7,5	4,9
22—30	8×7	4,0	3,3	75—85	22×14	9,0	5,4
30—38	10×8	5,0	3,3	85—95	25×14	9,0	5,4
38—44	12×8	5,0	3,3	95—110	28×16	10,0	6,4
44—50	14×9	5,5	3,8	110—130	32×18	11,0	7,4

Илова: 1. Шпонка материалнинг мустаҳкамлиги $\sigma_m = 990$ МПа

2. Жадвал ГОСТ 23360—78 дан қисқартирилиб олинган.

3. Шпонканинг шартли белгиси, масалан $b \times h = 12 \times 8$ узунлиги 50 мм; шпонка 12×8×50 ГОСТ 23360—78.

Сегментли шпонканинг ўлчамлари, мм (ГОСТ 24071—80)

Валнинг диаметри, d , мм	Шпонканинг ўлчамлари $b \times h \times d$, мм	Ўлиқчаларнинг чуқурлиги		Валнинг диаметри d , мм	Шпонканинг ўлчамлари $b \times h \times d$, мм	Ўлиқчаларнинг чуқурлиги	
		валда t_1 , мм	втулкада, t_2 , мм			валда t_1 , мм	втулкада t_2 , мм
10—12	3×6,5×16	5,3	1,4	20—22	5×9×22	7,0	2,3
12—14	4×6,5×16	5,0	1,8	22—25	6×9×22	6,5	2,8
14—16	4×7,5×19	6,0	1,8	25—28	6×10×25	7,5	2,8
16—18	5×6,5×16	4,5	2,3	28—32	8×11×28	8,0	3,3
18—20	6×7,5×19	5,0	2,3	32—38	10×13×32	10,0	3,3

- Илова: 1. Сегментли шпонканинг шартли белгиси, масалан $b \times h = 5 \times 6,5$ мм. Шпонка 5х6,5 ГОСТ 24071—80
 2. Шпонка материалнинг мустаҳкамлиги $\sigma_m \geq 590$ МПа.
 3. Жадвал ГОСТ 24071—80 дан қисқартирилиб олинган.

Диаметри нисбатан кичик, $d < 44$ мм гача бўлган валларда сегментли шпонка ишлатиш мумкин (2.9.2 жадвал). Бунда шпонка эзилишга ва кесилишга текширилади.

$$\sigma_{\text{оз}} = \frac{2T}{dl(h-t_1)} \leq [\sigma_{\text{оз}}], \quad \tau_{\text{нec}} = \frac{2T}{dlb} \leq [\tau_{\text{нec}}]$$

бунда: $[\tau_{\text{нec}}] = 0,6 [\sigma_{\text{оз}}]$. $[\sigma_{\text{оз}}] = 100$ МПа,

Шлицли бирикмалар: Агар валнинг сиртида ва унга ўрнатилган деталь гупчаги тешигининг ички сиртида унча чуқур бўлмаган ариқчалар ўйилиб, деталлардан бирининг чиқиғи иккинчисининг ботиғига тушадиган қилиб ўрнатилса, шлицли бирикма ҳосил бўлади. Бундай бирикма шпонкали бирикмага нисбатан қуйидагича афзалликларга эга:

деталлар валда яхши марказланади, лозим бўлган тақдирда уларни вал бўйлаб силжийдиган қилиб ўрнатиш мумкин;

шлицли бирикманинг ўзгарувчан зарбли юкланиш таъсир этгандаги мустаҳкамлиги шпонкали бирикманикига нисбатан бир-мунча юқори;

шлицли бирикмалар шпонкали бирикмаларга қараганда бир неча марта ортиқ юкланишга чидайди.

Шлицлар тўғри тўртбурчак, эвольвента ва учбурчак профилли бўлиши мумкин. Булардан энг кўп тарқалгани тўғри тўртбурчак профилли шлицлардир. Мазкур шлицли бирикмаларда деталлар цилиндрларнинг ён ёқлари, ташқи ва ички диаметрлари бўйича марказлаштирилади.

Тўғри тўртбурчакли шлиц ўлчамлари, мм (ГОСТ 1139—80)

Шлицлар сони, Z	d	D	b	f	r ning энг катта диаметри
Енгил серия					
6	23	26	6	0,3	0,2
	26	30	6		
	28	32	7		
8	32	36	6	0,4	0,3
	36	40	7		
	42	46	8		
	46	50	9		
	52	58	10		
8	56	62	10	0,5	0,5
	62	68	12		
	72	78	12		
	82	88	12		
	88	98	14		
	92	98	14		
Урта серия					
6	16	20	4	0,3	0,2
	18	22	5		
	21	25	5		
	23	28	6		
6	26	32	6	0,4	0,3
	28	34	7		
	32	38	6		
8	36	42	7	0,4	0,3
	42	48	8		
	46	54	9		
8	52	60	10	0,5	0,5
	56	65	10		
	62	72	12		
10	72	82	12	0,5	0,5
	82	92	12		
	92	102	14		
Оғир серия					
10	16	20	2,5	0,3	0,2
	18	23	3,0		
	21	26	3,0		
	23	29	4,0		
10	26	32	4,0	0,4	0,3
	28	35	4,0		
	32	40	5,0		
	36	45	5,0		
	42	52	6,0		

2.9.3-жадвалнинг давоми

10	46	56	7,0		
16	52	60	5,0	0,5	0,5
	56	65	5,0		
	62	72	6,0		
20	72	82	7,0		
	82	92	6,0		
20	92	102	7,0		

Шлицнинг ўлчамлари шпонканики каби валнинг диаметрига нисбатан 2.9.3-жадвалдан танлаб олинади. Илашиш жараёнида шлицларнинг ён ёқлари эзувчи, асоси эса кесувчи ва эгувчи кучланиш бўйича ҳисобланади. Эзувчи кучланиш ҳисобий қиймати қуйидагича ҳисобланади:

$$\sigma_{\text{эз}} = \frac{T}{0,1875 Z \cdot A_{\text{эз}}(D + d)} \leq [\sigma_{\text{эз}}]$$

бунда: T — буровчи момент, Н мм;

Z — тишлар сони;

D — ташқи диаметр;

d — ички диаметр;

$A_{\text{эз}}$ — эзилган юза; эвольвента шаклидаги шлицлар учун $A_{\text{эз}} = 0,8 ml$, тўғри туртбурчак шаклидаги шлицлар учун $A_{\text{эз}} = [0,5(D-d) - 2f] l$;

l — губчакнинг узунлиги;

m — модуль;

$[\sigma_{\text{эз}}] = 100 \text{ МПа}$ — рухсат этилган жоиз кучланиш.

Агарда бирикмага куч таъсири бир текис бўлса $[\sigma_{\text{эз}}] = 40 \text{ МПа}$; юкланиш зарб билан бўлиб, ўзгарувчан бўлса $[\sigma_{\text{эз}}]$ нинг қиймати 30—50 фоиз камайтирилади; агарда шлицнинг юзаси термик қайта ишланган бўлса $[\sigma_{\text{эз}}]$ нинг қиймати 40—50 фоиз оширилади.

3-6 о б. УЗАТМА ДЕТАЛЛАРИ

3.1 § Цилиндрсимон, конуссимон тишли гилдираклар ҳамда червяк ва червякли гилдиракларнинг эскиз чизмалари

Тишли гилдираклар бу тишли гардиш, губчак ва уларни бириктириб турадиган дискдан (3.1.1-расм) иборат бўлиб бу элементларнинг ўлчамларини 3.1.1-жадвалда берилган формулалар ёрдамида аниқлаш мумкин.

Цилиндрсимон ва конуссимон тишли гилдиракларнинг эскиз чизмалари 3.1.2, 3.1.3-расмларда берилган.

Гилдиракнинг тишли гардиш ташқи кучга чидамли, яъни мустаҳкам, бикрлиги юқори бўлиши керак, бунинг учун гардишнинг

3.1.1-жадвал

Тишли гилдираклар элемент ўлчамлари

Тишли гилдирак элемент ўлчамлари	цилиндрсимон тишли гилдирак	Конуссимон тишли гилдирак
Губчак	Пўлат материалдан тайёрланса	$d_2 = 1,6 d_b$ D
	Чўян материалдан тайёрланса	$d_2 = 1,8 d_b$
Губчакнинг узунлиги	$l_2 = (1,2 \div 1,5) d_b$ D	
Гардишнинг қалинлиги	$S > 2,5 m$ D $S > 1,6 m_e$	
Дискнинг қалинлиги	Боғлаш йўли билан тайёрланса	$C \geq 0,25 b_2$ D
	Штамп йўли билан тайёрланса	
	Қуйма йўли билан тайёрланса	
Тешикчалар	$d_0 \geq 25 \text{ мм}$ $\Pi_0 = 4-6$	
Эгрилик радиуслар	$d_a < 100 \text{ мм}$ гача бўлганда $R \geq 1 \text{ мм}$ $d_a = 100-500 \text{ мм}$ гача бўлганда $R \geq 6 \text{ мм}$ $d_a > 500 \text{ мм}$ дан катта бўлса $R \geq 10 \text{ мм}$ $Y \geq 7^\circ$	

қалинлиги цилиндрсимон тишли гилдираклар учун $S > 2,5 m$ конуссимон тишли гилдираклар учун $S > 1,6 m_e$ олинади (2.8.4-расм).

Тишли гилдиракларнинг губчаги гилдиракнинг валига ўтказилиб кўриниши симметрик ёки носимметрик бўлиши мумкин (3.12, 3.13-расмлар). Губчакнинг узунлиги валнинг диаметрига ҳамда гилдиракнинг материалига боғлиқ бўлиб, ўлчами 3.1.1-жадвалда кўрсатилгандек аниқланади.

Гилдиракнинг диски губчакни гардиш билан бириктиради, қалинлиги гилдиракни қандай йўл билан тайёрлашига боғлиқ.

Червяк асосан вал билан бирга тайёрланади (3.1.4-расм) червякли гилдиракларда эса тишли гардиш антифрикцион материаллардан марказий қисми эса пўлат ёки чўян материаллардан тайёрланади. Червякли гилдирак элементларининг ўлчами 3.1.2-жадвалда, эскиз чизмаси 3.1.5-расмда ишчи чизмаси эса 3.9.7-расмларда берилган.

3.1.2-жадвал

Червякли гилдирак ўлчамлари

Червякли гилдирак элемент ўлчамлари	Червякли гилдирак
Тиш бўлувчи айланасининг диаметри	$d_2 = mZ_2$
Ташқи диаметр	$d_{a2} = d_2 + 2m$
Тиш ости диаметри	$d_{f2} = d_2 - 2,4m$
Гилдиракнинг энг катта ташқи диаметри	$d_{aT2} = d_{a2} + \frac{6m}{Z_1 + 2}$
Губчакнинг диаметри	$d_r = (1,5 \div 1,6) d_b$
Губчакнинг узунлиги	$l_r = (1 \div 1,5) d_b$
Дискнинг қалинлиги	$C \geq 0,25 b_2$
Гардишнинг элемент ўлчамлари	$S = 0,15 d_2$ $S_0 = 1,2 S$ $h = 0,15 b_2$ $t = 0,8 h$
Тешикнинг диаметри	$d_0 \geq 25 \text{ мм}, P_0 = 4 \dots 6$
Эгрилик радиус	$R \geq 10$
Гилдирак тишли қисмининг эни	$Z_1 = 1; 2$ бўлганда $b_2 \leq 0,75 d_{a1}$ $Z_1 = 4$ бўлганда $b_2 \leq 0,67 d_{a1}$

3.2 § Шкив ва юлдузчалар

Тасмали узатмаларнинг шкиви ва занжирли узатмаларнинг юлдузчалари гардиш губчак ва уларни бирлаштирадиган дискдан иборат бўлади. Тасмали узатмаларда $V \leq 30 \text{ м/с}$ гача бўлса шкив СЧ15 маркали чўян материалдан, тезлиги 30—50 м/с гача бўлганда 25Л маркали пўлат материалдан, $V > 50 \text{ м/с}$ бўлганда эса алюминий қоришмаларидан тайёрланади.

Ясси тасмали узатмалар учун шкивларнинг диаметри аниқланиб, 1.6 § да берилган стандарт қиймат бўйича яхлитланади, шкивнинг эни эса тасма энига нисбатан 3.2.1-жадвалдан олинади.

3.2.1-жадвал

Тасмани эни	40	50	63	71	80	90	100	112	125	140	160	180
Шкивнинг эни	50	63	71	80	90	100	112	125	140	160	180	200
Тасмани эни	210	224	250	280	315	355	400	450	500	560		
Шкивнинг эни	224	250	280	315	355	400	450	500	560	630		

Ясси тасмали узатмалар катта тезлик билан ҳаракатланганда тасма сирпаниб илашишдан чиқиб кетмаслиги учун, шкивнинг гардишда қовурга қилинади 3.2.1а-расм. Бу қовургани қийматни 3.2.2-жадвалдан шкив диаметрларга нисбатан танлаш мумкин.

3.2.2-жадвал

D	40...112	125...140	160...180	200...224	250...280	315...355
e	0,3	0,4	0,5	0,6	0,8	1,0

Понасимон тасмали узатмалар учун шкивнинг диаметри узатилаётган қувват ҳамда етакловчи шкивнинг айланиш сонига нисбатан 1.6.3-расмдаги номограмма бўйича олинади. Шкивдан понасимон тасмалар учун мўлжалланган ариқчаларнинг ўлчамлари 1.6.3-жадвалда берилган. Шкивларнинг тузилиши эса 3.2.2-расмда кўрсатилган.

Ясси ҳамда понасимон шкив элементларининг ўлчамлари 3.2.3-жадвалда берилган.

Шкив элементларнинг ўлчами

Шкивнинг элементлари		Ясси тасмали учун	Полиасимон тасмали учун
Шкивнинг эни		Шкивнинг энини тасма энига nisbatan 3.2.1-жад. олилади.	Тасмаларни сонига bog'liq.
Гардишнинг қалинлиги	Пўлат материалдан тайёрланса	$\delta = 0,8 \delta$ чўян	
	Чўян материалдан тайёрланса	$\delta = 0,02(D + 2B)$	$\delta = (1,1 - 1,3) h$
Дискнинг қалинлиги		$C = (1,2 - 1,3) \delta$	
Губчакнинг диаметри	Пўлат материалдан тайёрланса	$d_2 = 1,55 d_b$	
	Чўян материалдан тайёрланса	$d_2 = 1,60 d_b$	
Губчакнинг узунлиги		$l_2 = (1,2 - 1,5) d_b$	

Юлдузчаларнинг тузилиши тўғри тишли цилиндрсимон каби бўлиб, фақат гардиши билан фарқ қилади. Шунинг учун юлдузча губчагининг узунлиги ва диаметрлари тишли гилдирак каби аниқланади. Юлдузча гардиш элементларининг қиймати 3.2.4., 3.2.5-жадвалларда берилган.

Роликли, втулка-роликли занжирлар учун ишлатиладиган юлдузча гардиши (3.2.3-расм) ўлчамлари, мм

3.2.4-жадвал

Юлдузчанинг геометрик ўлчамлари	Формулалар
Тиш бўлувчисининг айланасининг диаметри	$d_e = \frac{t}{\sin \frac{180}{Z}}$
Ташқи диаметр	$D_{ae} = t \cdot \left(0,5 + \operatorname{ctg} \frac{180}{Z} \right)$
Тиш ости диаметри	$D_i = d_e - 2r$
Тиш асоси диаметри	$D_a = t \cdot \operatorname{ctg} \left(\frac{180}{Z} \right) - 1,3 h$

Бир қаторли занжирда юлдузча тишининг эни	$b = 0,93 B_u - 0,15$
Икки ва уч қаторли занжирда юлдузча тишининг эни	$b = 0,9 B_u - 0,15$
Юлдузча тишининг эни	$B = (n - 1) A + b$
Тиш каллагининг эгрилик радиуси	$R = 1,7 d_1$
Гардишнинг қалинлиги	$\delta = 1,5 (D_{ae} - d_e)$
Дискнинг қалинлиги	$C = (1,2 - 1,3) \delta$
Фаска	$f = 0,2 b$

Бу ерда: t — занжир қадами; Z — юлдузча тишлар сони; $r = 0,5025 d_1 + 0,05$ мм — тиш асосининг эгрилиги; d_1 — занжир роликнинг диаметри; B_u — занжир пластинкаларини ички юзалари орасидаги масофа; A — кўп қаторли роликли занжирларда тишлар ўртасидаги масофа; h — занжир пластинасининг эни.

3.2.4-жадвалнинг давоми

t	B_u	A	d_1	h
12,7	5,4	13,92	8,51	11,8
15,875	9,65	16,51	10,16	14,8
19,05	12,7	25,51	11,91	18,2
25,4	15,83	21,21	15,88	24,2
31,75	19,15	35,76	19,05	30,2

Тишли занжирлар учун ишлатиладиган юлдузча гардишнинг (3.2.4-расм) ўлчамлари, мм

3.2.5-жадвал

Юлдузчанинг геометрик ўлчамлари	Формулалар
Тиш бўлувчисининг айланасининг диаметри	$d_e = \frac{t}{\sin \frac{180}{Z}}$
Ташқи диаметр	$D_{ae} = d_e + \frac{2h}{\operatorname{c} \cdot \sin \frac{180}{Z}}$

3.2.5-жадвалнинг давоми

Юлдузчанинг геометрик ўлчамлари	Формулалар
Тиш асосининг диаметри	$D_c = d_e - 1,5 t$
Тишнинг баландлиги	$h = h_1 + e$
Тишнинг эни	$b = B + 2s$
Тишнинг эгрилик радиуси	$R = t$
Фаска	$f = 0,2 b$
Тишлар ўртасидаги ариқчанинг эни	$a = 2 S$
Гардишнинг қалинлиги	$\delta = 0,6(D_e - D_t)$
Дискнинг қалинлиги	$C = (1,1 - 1,2) \delta$

Бу ерда: h_1 — шарнир ўқидан тишнинг учигача бўлган масофа;
 e — радиус бўйича бўшлиқ; B — занжирнинг эни;
 S — занжир пластинасининг қалинлиги;
 b — юлдузча тишининг эни.

3.2.5-жадвалнинг давоми

t	h_1	s	e	B					
12,7	7	1,5	1,3	22,5	28,5	34,5	40,5	46,5	52,5
15,875	8,7	2	1,6	30	38	46	54	62	70
19,05	10,5	3	1,9	45	57	69	81	93	
23,4	14	3	2,5	57	69	81	93	105	
31,75	17,5	3	3,0	69	81	93	105	117	

3.3 § Стакан ва подшипник қопқоқлари

Узатмаларда таянчга бўлган таъсир кучларни қиймати нисбатан катта бўлганда таянчларга иккита подшипник ўрнатилади. Бундай подшипник узелларини йиғиш ҳамда деталларга ажратишни осонлаштириш учун ҳамда узатмаларда стакловчи валга ўрнатилган тишли филдиракнинг ташқи диаметри подшипник ташқи диаметрларидан катта, яъни $d_a > D_n$ бўлганда стаканлар ишлатилади (3.3.1-расм).

Стакан подшипник ҳалқаларини таянчларга ўрнатилиб СЧ15 маркали чўян материаллардан тайёрланади. Деворининг қалинлиги δ , унга ўтқазилган подшипникнинг ташқи диаметрига боғлиқ бўлиб, қийматлари 3.3.1-жадвалдан олинади. Маҳкамлаш учун ишлатиладиган винтнинг диаметри ва сони 3.3.2-жадвалдан оли-

нади. Стаканнинг қолган ўлчамларини қуйидагича олиш тавсия этилади: $\delta_1 = \delta$, $\delta_2 = 1,2 \delta$ $C = (2,2 + 2,4) d_1$, $D_\phi = D_a + (4 + 4,4) d$, $C_1 = C_2 = (1,1 + 1,2) d_1$

3.3.1-жадвал

D , мм ҳисобида	52 гача	52 дан 80 гача	80 дан 120 гача	120 дан 170 гача
δ , мм ҳисобида	4 ... 5	6 ... 8	8 ... 10	10 ... 12,5

3.3.2-жадвал

D , мм ҳисобида	40 ... 62	63 ... 90	100 ... 145	150 ... 220
d , мм ҳисобида	6	8	10	12
Z винтлар сони	4			6

Тишли филдиракларининг илашишдан ҳосил бўлган бўйлама кучлар подшипник орқали унинг қопқоғига таъсир этади. Подшипник узеллар герметик равишда қопқоқ билан беркитилиши керак бунда узелдан мойлар тўкилмасдан сақланади, ташқи муҳитдан майда заррачалар узелдаги мойга аралашмайди. Подшипник қопқоқлари СЧ15 маркали чўян материаллардан тайёрланиб тешикли ёки тешиксиз (3.3.2-расмлар) бўлиши мумкин. Ҳар иккала хил қопқоқларнинг ўлчамлари подшипник ташқи диаметрига боғлиқ.

Уқлар аро масофо кичик бўлган узатмаларда подшипник қопқоқлари ўзаро тегиб қолмаслиги учун 3.3.3-расмда кўрсатилгандек кесилиши керак.

Узатмаларда ўқлар аро масофо $a_0 < 250$ мм гача бўлганда узатманинг асоси ва қопқоғидаги подшипник уясида маҳсус ариқчалар очилиб подшипник қопқоқлари ўрнатилади, 3.3.2а-расм. Бундай қопқоқларни маҳкамлаш учун болт ёки винт ишлатилмайди. Бу хил қопқоқлар ҳам тешикли, тешиксиз қилиб тайёрланади.

3.4 § Қутиларни лойиҳалаш ва эскиз чизмалари

Қутилар асосан қуйма шаклда, доналаб тайёрланганда пайвандлаш йўли билан тайёрлаш мумкин. Материал сифатида СЧ15 маркали чўян ишлатилади, агарда оғирлигини камайтириш керак

бўлса солиштирма оғирлиги кам бўлган (силумин) материалдан тайёрланади.

Узагма деворнинг қалинлигини узатилаётган буровчи моментнинг энг катта қийматига нисбатан қўйидаги формула, яъни $\delta = 1,8 \sqrt[4]{T_{\max}} \geq 6$ мм ёрдамида аниқлаш мумкин ёки 3.4.1-жадвалдан буровчи моментга нисбатан танлаш мумкин.

3.4.1-жадвал

T_{\max} , Н·м	130	225	375	600	950	1400	2000	2700	3500	4600
δ , мм	6	7	8	9	10	11	12	13	14	15

Ҳозирги замон қутилариининг ташқи юзаси бир текисда бўлиб, бикрлигини ошириш учун ишлатиладиган қовурғалар, болтларни ўрнатиш учун ишлатиладиган ўйиқчалар (лапа), узатмани кўтариш учун ишлатиладиган махсус тешикчалар (мосламалар) шу қути билан бирга қўйма шаклида ҳосил қилиниб деворнинг ташқи юзаси билан бир текис қилиб тайёрланади.

Бир поғонали цилиндрсимон, конуссимон ҳамда червякли узатмаларнинг қутиси 3.4.1–3.4.3-расмларда кўрсатилган. Қути икки бўлақдан, яъни қутининг асоси ва унинг қопқоғидан иборат бўлиб, йиғишни осонлаштириш учун асосан вал ўқи бўйича ажраладиган қилиб тайёрланади.

Қутини йиғиш учун ҳар хил диаметрли болтлар ишлатилади. Бу болтларни ҳамда шу болт боғлиқ бўлган ўлчамларни бир-биридан ажратиш учун I, 2, 3, 4, 5 индекслар билан белгиланади, масалан $d_1, d_2 \dots C_1, C_2 \dots K_1, K_2 \dots$

1. Ёпиқ узатмаларни фундаментга маҳкамлаш учун ишлатиладиган фундамент болтлар диаметри d_1 ни 3.4.2-жадвалдан a_w, d_{e2} қийматларига нисбатан танланади.

3.4.2-жадвал

	d_1	d_2	d_3	d_4	d_5
$100 \geq a_w (d_e) < 160$	M 14	M 12	M 10	3.4.5.-жадвалдан олинади	M 6
$160 \geq a_w (d_{e2}) \leq 250$	M 16	M 14	M 12		M 6

Шу болтлар ўрнатилган ўйиқча ўлчамларни, болт учун қабул қилинган индекслар билан белгиланган масалан d_1 учун K_1, C_1 ва хоҳазо.

Фундамент болт ўрнатилган ўйиқчанинг ўлчамлари d_1 га боғлиқ бўлиб; болт билан маҳкамланса $h_{01} = 2,5(d_1 + \delta)$, винт билан маҳкамланса $h_{01} = (2,0 - 2,5)d_1$ олинади. Болт ўрнатилган тешикчанинг баландлиги $h_1 = 2,5\delta$ олинади (3.4.4-расмлар). Ўйиқчанинг бошқа ўлчамларини болтнинг диаметрига нисбатан 3.4.3-жадвалдан олиш мумкин.

3.4.3-жадвал

Ўйиқчанинг ўлчамлари	болт (винт) ларнинг диаметри											
	№ 6		M 8		M 10		M 12		M 14		M 16	
	винт	болт	винт	болт	винт	болт	винт	болт	винт	болт	винт	болт
K	13	16	18	22	22	27	26	32	31	38	35	43
C	6	7	9	10	11	12	13	14	16	17	18	19
D_0	11	—	15	18	18	20	20	24	24	26	26	30
b_0	8	—	11	—	13	—	16	—	18	—	21	—
d_0	7	9	9	11	11	14	14	16	16	18	18	18

2. Таянчларга ўрнатилган подшипникларни маҳкамлаш учун диаметри d_2 бўлган болт ишлатилади, ўлчами 3.4.2-жадвалдан, ўйиқчанинг ўлчами 3.4.3-жадвалдан олинади. Ўрнатилган болт-ўйиқчанинг ўлчами $L_2 \geq (D_n + 2d_2) + 6 \dots 10$ мм, олинади (3.4.1-расм) бунда d_2 болт билан подшипник қопқоғини маҳкамлаш учун ишлатиладиган болт орасидаги масофа 3...5 мм бўлиши керак (3.4.1б-расм). Болт d_2 ўтқазилган тешикчанинг баландлиги h_2 график равишда аниқланди, бунда болт каллаги жойланиши учун h_2 масофада 3.4.3-жадвалдан K_2 ўлчам олинади (3.4.5-расм).

Подшипник уясининг ўлчамлари уяга ҳамма деталлар ўрнатилгандан кейин график равишда аниқланади. Бунда ҳар хил таянчларда уянинг узунлиги ҳар хил бўлиши мумкин (3.4.1б-расм).

3. Ёпиқ узатма қопқоғининг асоси билан маҳкамлаш учун диаметри d_3 бўлган болт ишлатилади, ўлчами 3.4.3-жадвалдан олинади. Болтлар орасидаги масофа $L_3 = (8 \div 10)d_3$ олинади, болт ўрнатилган тешикчанинг баландлиги $h_3 = 1,5\delta$, бошқа ўлчамлари 3.4.3-жадвалда берилган, 3.4.6-расм.

4. Подшипник қопқоғларни маҳкамлаш учун диаметри d_4 бўлган болт ишлатилади. Болтнинг диаметри ва сони подшипник ташқи диаметрига нисбатан 3.4.5-жадвалдан танлаш мумкин.

3.4.5-жадвал

	Подшипник ташқи диаметри.			
	47 ... 52	62 ... 80	85 ... 100	100 ... 120
d_4	N 8	M 10	M 10	M 12
n_4	4	4	6	8

5. Қути қопқоғидан мой қуйиш учун ҳамда узатмани ишлаш жараёнида кузатиш учун махсус дарча очилади (3.4.7-расм). Бу дарчани қопқоқ ёрдамида беркитиб диаметри d_5 бўлган болт ёрдамида маҳкамланади. Қопқоқнинг ўлчамлари узатманинг ўлчамларига боғлиқ бўлиб, бу ўлчам нисбатан кичик бўлганда қопқоқни қалинлиги $\delta \geq 2$ мм бўлган пўлат листлардан тайёрлаш мумкин, 3.4.7а-расм.

Узатманинг ичидаги босимни бир текда сақлаш учун махсус мослама ишлатилади, қопқоқда резьбали тешик очилади. Қопқоқчага ўрнатилган мосламанинг ўлчамлари 3.4.8-расмда берилган.

3.5 § Қутининг детал ва элементлари

а) Қутида подшипник учун мўлжалланган уяларни очишда ўқдошлигини таъминлаш учун қутининг асоси билан қутининг қопқоғи ўзаро конуссимон ёки цилиндрсимон штиф билан бириктирилади, уялар қайта ишланади (3.5.1-расм). Штифларда ички резьба бўлиши мумкин, бу эса керак пайтида штифни олиб ташлашни осонлаштиради. Штифнинг ўлчамлар 3.5.1-жадвалда берилган.

б) Узатмалар ишлаш жараёнида гилдиракларни ёглаш учун ишлатилган мойлар аста-секин ифлосаниб, ўзининг мойлаш хусусиятини йўқотади. Шунинг учун бу мойларни вақти-вақти билан алмаштириб турилиши керак. Қутининг қопқоғидаги дарчадан (тешикчада) мой қуйилади. Мой ҳажмини текшириш учун ҳамда ишлатилган мойни тўкиш учун қути асосининг ён томонида тешик очилади (3.5.2-расм). Мойни тўкиш учун очилган тешик цилиндрсимон ёки конуссимон бўлиши мумкин. Цилиндрсимон пробка ишлатилса (3.5.3-расм) мойлар тирқишдан чиқиб кетмаслиги учун резинали маслама ишлатилади, конуссимон пробкаларда (3.5.4-расм) бу мосламалар ишлатилмайди.

Мойни тўкишни тезлаштириш учун тешиклар қути асосининг юзига нисбатан $1-2^\circ$ қиялик билан очилади (3.5.2-расм).

Мой ҳажмини ўлчагич мосламалар ҳар хил кўринишда бўлиб, унинг ўлчамлари 3.5.5—3.5.6-расмларда берилган.

г) Қутини кўтариш учун унинг қопқоғида ёки асосида махсус тешиклар очилади, ўлчамлари 3.5.8-расмда берилган.

3.6 § Узатмаларни мойлаш

Ишқаланишга сарф бўлаётган қувватни ҳамда деталларни ейилишини камайтириш учун узатма деталлари етарли даражада мойланиши керак. Натижада деталлар зангламайди тезда ишдан чиқмайди.

Машинасозлик саноатида асосан суюқ ёғлар ёрдамида деталларни мойлаш кўп қўлланади. Бунда ёғ қутига тиш баландлиги кўмилгунча қуйилади ва махсус мослама ёрдамида унинг ҳажми кўширилади. Гилдирак айланганда тишлар ёрдамида ёғ сачратилади ва қолган деталлар ҳам ёғланади. Тишли гилдиракларнинг тезлиги $V=0,3-12,5$ м/с бўлганда суюқ ёғлар ишлатилади. Агарда узатманинг тезлиги $V>12,5$ м/с бўлса, марказдан қочма куч таъсири катта бўлганлиги учун бу йўл билан мойлаш яхши натижа бермайди.

Ёғнинг турини танлаш, тишли гилдиракларнинг тезлиги ва ишлашида тишлар ўртасидаги хосил бўлган контакт босим қийматига боғлиқ бўлади. Бу босим қанчалик катта бўлса ёғнинг суюқлиги шунчалик кам, тезлиги катта бўлганда суюқлиги катта бўлиши керак.

Ёпик цилиндрсимон узатмаларда етакланувчи гилдирак тишнинг мойга қанчалик ботирилиши 3.6.1-расмда берилган. Бу ботирилиш энг камида $m>h_m \leq 0,25 d_2$ бўлиши керак, бунда m узатма гилдиракларнинг модули. Узатма гилдираклари қанчалик секин ҳаракатланса у шунчалик кўп мойга ботирилиши керак. Макин ҳаракатланса у шунчалик кўп мойга ботирилиши керак. Макин салан, икки погонали уч ўқли цилиндрсимон узатмаларида $V>1$ м/с бўлса, фақат секин юрар погонаси мойга ботирилиб $V<1$ м/с бўлганда узатмада иккала гилдирак ҳам мойга ботирилиши керак.

Червякли узатмаларда червяк ва червякли гилдиракларни мойга ботирилишини қуйдагича олиш тавсия этилади: агар червяк, червякли гилдирак тагида жойлашган бўлса, $h_m = (0,1-0,5) d_a$, $h_{m \min} = 2,0 m$ червякли гилдирак мойга ботирилса $m \leq h_m \leq 0,25 d_2$ (3.6.2 а, б расмлар).

3.7 § Подшипник узелларини мойлаш

Подшипник узелларини мойлаш учун суюқ ёки қуюқ мойлар ишлатилади. Узатманинг тезлиги $V>3$ м/с бўлганда суюқ мой ишлатиш тавсия этилади, бунда сачраган мойлар подшипник узелига тушиши учун ён томонига мойларни қайтарадиган мослама қуйилмайди. Бу мосламаларни қия, шеврон тишли цилиндрси-

мон ҳамда конуссимон узатмаларда ўрнатиш тавсия этилади, чунки филдираклар айланганда мойни подшипник томонга хайдайди ҳамда филдиракларнинг ейилган кукунларини подшипник узелига тушишидан сақлайди.

Узатма тезлиги $V < 2$ м/с бўлганда подшипник узеллари қуюқ мой ёрдамида мойланади. Қуюқ мой учун подшипникни ён томонларида бўшлиқ бўлиши керак, бу бўшлиқнинг эни подшипник энини $1/4$ қисмигача олиш тавсия этилади. Подшипник мойлари оқиб кетмаслиги ҳамда узатма филдирак тишларини ёғлаш учун қуйилган мой подшипник узелига ўтмаслиги учун подшипник ён томонидан махсус мосламалар билан беркитилади.

3.8 § Зичлагич мосламалари

Юқорида айтилганидек, подшипник мойларни тирқишларидан оқиб чиқиб кетмаслиги ҳамда ташқи муҳитдан ҳар хил ифлосликлар тушмаслиги учун подшипник узелида махсус мосламалар ишлатилади. Бу мосламалар икки хил бўлиб подшипник қопқоқларида ёки қопқоқни ташқи томонга жойлаштирилади, иккинчиси эса подшипник ён томонга ички томонидан жойлаштирилади.

Тезлиги $V \leq 10$ с⁻¹ бўлган узатмаларда, подшипник узеллари қуюқ ёки суяқ мойлар ёрдамида ёғланса қопқоқларда манжетли зичлагичлар ишлатилади. Манжетли зичлагичлар (3.8.1-расм) тузилиши бу мойга чидамли резинадан тайёрланган корпус 2, шу корпусга ўрнатилган Г шаклидаги пўлат каркас 3 ҳамда пружина 1 дан ибрат бўлади. Зичлагичларнинг ўлчами валнинг диаметрига нисбатан 3.8.1-жадвалдан олинади. Қопқоқга манжетлар 3.8.2-расмда кўрсатилгандек ўрнатилади.

б) Подшипник узеллари суяқ мойлар ёрдамида ёғланса, бу мойларнинг оқиб чиқиб кетмаслиги учун қалинлиги $S=0,3...0,6$ мм бўлган пўлат материаллардан тайёрланган мосламалар ишлатилади (3.8.3-расм). Ўлчамлари 3.8.2-жадвалда берилган.

в) Подшипник узеллари қуюқ ёки суяқ мойлар билан мойланиб, тезлиги ҳар қандай бўлганда ҳам, мойнинг оқиб чиқиб кетмаслиги, ифлосликлар тушмаслиги учун подшипник қопқоқларида махсус ариқчалар бўлиб, (3.8.4-расм) мой билан тўлдирилади.

г) Узатма филдиракларининг ишлашида тишли филдиракларнинг ейилиши натижасида хосил бўлган кукунлар, мойлар билан бирга подшипник узелига тушмаслиги учун махсус мой қайтаргич, мосламалар билан беркитилади. Бу мосламалар ҳар хил кўринишда бўлиши мумкин. Масалан, қалинлиги 1,2...2 мм бўлган пўлат материаллардан тайёрланган шайбалар (3.8.5-расм) ёки ташқи диаметрида ариқчалар бўлган мосламалар, (3.8.6-расм). Бунда ариқчалар узатма ички деворининг юзасидан $C=1...2$ мм чиқиб


туради, чизмада кўрсатилмайди, натижада ариқчага тушган мойлар марказдан қочма куч таъсирида узатма ичкарисига қайтирилади.

3.8.1-жадвал

Резинали манжетнинг ўлчамлари, мм (ГОСТ 8752—79)

Вал диаметри, d	Ташқи диаметри, D	Эни, h	Вал диаметри, d	Ташқи диаметри, D	Эни, h	
20	40	8÷10	48	70	10	
21		8÷10	50 ✓		✓	✓
22		8÷10	52		75	10÷12
24		10	55			10÷12
25	42	8÷10	56	80	10	
26	45	8÷10	58		12	
28	52	10	60	85	10	
30			62		10÷12	
32			63	90	10	
35			65			
36	58	10	67	—	12	
38			68			
40	60	10	70	95	12	
42	62		71	95	10	
44	65	10	75	100	10÷12	
45			10			

Мой қайтаргич мосламаларининг ўлчамлари, мм.



3.8.2-жадвал

Подшипник диаметрлари		Умумий ўлчамлари		I вариант			II вариант					
d	D	s	h	D ₁	d	d ₁	d ₂	D	D ₂			
20	47	0,3	2	41,2	20	29	25,7	47	37			
	52			44,8			33			27,2	52	40
25	52		2,5		47	25	36	31,5	52	42		
	62				54,8			40			32,2	62
30	62			72		56,2	30	44	35,3	62	47	
	72					64,8			43			37,2
35	72			0,3		64,8	35	48	43	72	56	
	80					70,7			54			45
40	80				90		72,7	40	57	48	80	62
	90						80,5			60		
45	85	100			77,8	45	61	53	85	68		
	100				96,8			75			56	100
50	90	3	3		82,8	50	67	57,5	90	73		
	110				9,9			80			62	110
55	100		120			90,8	55	75	64,5	100	80	
	120					108			89			67
60	110		120		100,8	60	85	70	110	85		
	120				117,5			95			73	130
65	120		140	0,5	3,5	65	90	74,5	120	95		
	140							127,5			100	72,5

3.9 § Узатма деталларининг ишчи чизмаси

Саноат тармоқларида ишлаб чиқариладиган ҳар бир детал учун алоҳида ишчи чизмалари ГОСТ асосида тузилади. Деталларнинг ишчи чизмалари уларнинг аслига қараб тузилган эскизга ёки йиғма чизмалар асосида бажарилади. Бу чизмалар асосида детал тайёрланади, йиғиш йўли билан узел, механизм ва машиналар йиғилади.

Ишчи чизмалари ГОСТларда белгиланган барча қондалар, шартли белгилар ва кўрсатмаларга мувофиқ бажарилади. Бу чизмалар эскиздан фарқ қилиб, чизма асбоблар ёрдамида, белгиланган масштабларда катталаштириб ҳақиқий ўлчамда ёки кичиклаштирилиб чизилган бўлиб, ўлчамлар жадвали, техник талаблар ва асосий ёзув бўлиш шарт. Ўлчамлар жадвали чизманинг юқорига ўнг бурчаги жойлашган бўлиб (3.9.1-расм), ул уч қисмдан иборат бўлади.

Биринчи қисм — детални ясаш учун берилган асосий маълумотлар.

Иккинчи қисм — назорат қилиш учун зарур бўлган маълумотлар.

Учинчи қисм — справка маълумотлари.

Ўқув чизмаларини бажаришда ўлчамлар жадвалининг биринчи қисми тўлдирилади.

Техник талаблар ўлчамлар тагига ёзилган маълумотлардан иборат бўлади.

СТ С2В—302—76 асосида ўртача аниқлик бўйича ўлчамларнинг кўрсатилмаган четли четга чиқишлари (қоплайдиган юза учун +; копланадиган юза учун —, бошқа ўлчамлар учун ±).

Узатма деталлари бутун ҳажми билан ёки алоҳида қисмлари термик қайта ишланса, чизмада чизик тоқчаларида термик қайта ишланган жойларнинг қаттиқлиги ҳамда унинг h чуқурлиги кўрсатилади, масалан, h 0,5...0,8; 45...50 HRC. Агарда деталнинг бутун ҳажми термик қайта ишланса, техник талабларда қуйидагича ёзилади: 235...262 HB, 56...63 HRC. Агарда деталнинг айрим жойлари термик қайта ишланиши бошқача бўлса чизмада шу термик қайта ишланган жой штрих чизик билан белгиланади. Чизмада чизикларнинг тепасига h , HRC нинг қийматлари қўйилади.

Цилиндрсимон тишли ғилдирак

Ўлчамлар жадвали ГОСТ-3.403—75 асосида тўлдирилади (3.9.2—3.9.3-расмлар).

Биринчи қисмда модуль — m ; тишлар сони — Z ; киялик бурчаги — β ; тишнинг йўналиши чап; ўнг; ГОСТ 13755-81 асосида бош-

лонгич контур; силжиш коэффициенти — X ; туташ тури ҳамда ГОСТ 1643—81 бўйича аниқлик даражаси.

Жадвалнинг учинчи қисмида, тиш бўлувчи айланасининг диаметри, ҳамда туташ тишли филдиракнинг шартли белгиси.

Конуссимон тишли филдирак

Ўлчамлар жадвали ГОСТ 2.405—75 асосида тўлдирилади (3.9.4; 3.9.5-расмлар).

Биринчи қисмда тўғри тишли конуссимон филдираклар учун ташқи ён модул — m_e ; тишлар сони — Z ; тишларнинг тури — тўғри, айланасимон; тишнинг йўналиши — чап, ўнг; бошланғич контур тўғри тишли конуссимон филдираклари учун ГОСТ 13754—81 асосида, ГОСТ 15202—81 асосида айланасимон тишли конуссимон филдираклар учун; силжиш коэффициенти, ўз ишоралари билан тўғри тишли конуссимон филдираклар учун X_e ; айланасимон тишли конуссимон филдираклар учун X_n ; бўлувчи диаметр бўйича илашиш бурчаги ϕ ; туташ тури ҳамда ГОСТ 1758—81 бўйича аниқлик даражаси.

Учинчи қисмида, ўқлар орасида бурчак ϕ ; тўғри тишли конуссимон филдираклар учун ўртача модул — m_m , айланасимон тишли конуссимон филдираклар учун ташқи ён модул — m_{te} , R_e — конус узунлиги; ўртача тиш бўлувчи айланасининг диаметри — d_e ; туташ тишли филдиракнинг шартли белгиси.

Червяк. Ўлчамлар жадвали ГОСТ 2.406—76 асосида тўлдирилади (3.9.6-расм).

Биринчи қисмда: модул — m ; Z_1 — киримлар сони; червякнинг тури, ZA — Архимед червяк; $Z1$ — эвольвента червяк; γ — ўрамнинг кўтарилиш бурчаги; ўрамнинг йўналиши (лойиҳаланаётган узатмаларда ўнг); бошланғич контур ГОСТ 19036—81 асосида; аниқлик даражаси ҳамда ГОСТ 3675—81 асосида туташ тури.

Учинчи қисми: d_1 червяк ўрам бўлувчисининг диаметри, туташ тишли филдиракларнинг шартли белгиси.

Червякли филдирак. Параметр жадвали ГОСТ 2.406—76 асосида тўлдирилади (3.9.7-расм).

Биринчи қисмда: модул m ; Z_2 — тишлар сони; тишнинг йўналиши (лойиҳаланаётган узатмаларда — ўнг); червякнинг силжиш коэффициенти X ; червякнинг бошланғич контури ГОСТ 19036—81 асосида; аниқлик даражаси ҳамда ГОСТ 3675—81 асосида туташ тури.

Учинчи қисмида; a_w — ўқлараро масофа; тиш бўлувчи айланасининг диаметри d_2 ; червякнинг тури; червякнинг кирим сони Z_1 ; червякли филдиракнинг шартли белгиси.

3. 10 § Узатма чизмаларини расмийлаштириш

3.10.1. Чизма ўлчамларини қўйиш

Ишчи чизмаларда ўлчамлар деталларини тайёрлаш жараёнида ва тайёрланганда кейин уларни қулай бўладиган қилиб қўйилади. Шунинг учун ўлчам қўйишда деталларни ўлчаш усуллари ва уларни тайёрлашдаги технологик жараён назарда тутилади.

Чизмаларда справка ўлчамларидан ҳам фойдаланилади, бу ўлчам чизма бўйича бажариладиган ва чизмадан фойдаланиш қулай бўлиши учун қўйиладиган ўлчамларга айтилади. Чизмаларда справка ўлчами юлдузча кўринишида белги билан белгиланади на ўнг томонга қўйилади, техник талабларда эса бу белги такрорланади ва «Справка ўлчами» деб ёзилади.

Узатманинг асосий деталлари вал, тишли филдиракларни, червяк, шкивларининг ишчи чизмаларига ўлчамлар қўйишни 3.9.2—3.9.9-расмларда кўрсатилган.

3.10.2. Чизмаларда шакллар ва сиртларни чекли четга чиқишни белгилаш

Чизмаларда шаклнинг четга чиқиш (цилиндр эмаслиги, юмалоқ эмаслиги) ва сиртлар жойлашишининг чекли четга чиқиши (нопараллеллик, носимметриклик) детал чизмаларида шартли белгилар билан қўйилиши ёки техник талабларда ёзилиши мумкин.

Шартли белгилар СТ СЭВ 301—76 асосида қабул қилинган бўлиб, белгилардан ва четга чиқиш миллиметрда ифодаловчи рақамлардан иборат бўлади (3.10.1 жадвал).

Белгилар ва сонли маълумотлар тўғри бурчакли рамкага жойлаштирилади ва уч қисмга ажратилади: биринчиси белги учун, иккинчиси чекли четга чиқишнинг миллиметрда ифодаланган катталиги учун, учинчиси база учун.

Рамкага ёзиладиган белгилар, рақамлар ва ҳарфларнинг баландлиги чизмадаги ўлчам сонлар баландлигига тенг бўлиши лозим. Рамканинг баландлиги шрифт баландлигидан 2—3 мм катта бўлиши керак.

ГОСТ 2308—79 га асосан чизмага чекли четга чиқиш ва базалар қўйидагича қўйилади.

а) агарда база деталнинг ўқи эмас, балки сирти бўлса қорага буялган учбурак четдан узоқроқ жойланиши керак (3.10.1а-расм);

б) агарда база деталнинг ўқи бўлса қорага буялган учбурак чиқариш чизмаларига қўйилади (3.10.1б-расм);

в) агарда деталда база бўлмаса, керакли юзани стрелка билан кўрсатилади (3.10.1в-расм).

3.10.3. Детал сиртининг нотекислигини белгилаш

Деталларнинг сирти силлиқ бўлмайди. Бу сиртларга ишлов берилгандан кейин яъни болғалаш, прокатлаш ва шунга ўхшаш қайта ишлаш натижасида нотекисликлар қолади. Сирт-

3.10.1-жадвал

Қисқа номи	Тула номи	Белгиси
1. Ноюмолоқлик	Юмалоқликдан четга чиқиш	
2. Ноцилиндрик	Цилиндрикдан четга чиқиш	
3. Нопараллеллик	Параллелликдан четга чиқиш	
4. Ноперпендикулярлик	Перпендикулярликдан четга чиқиш	
5. Радиал ва ён томони тебраниши	Радиал ва ён томони тебраниши	
6. Носимметриклик	Симметрикликдан четга чиқиш	

лар махсус асбобларда текширилганда унда турли ўлчамдаги бо-тиқликлар қавариқ кўринишдаги нотекисликлар борлиги аниқ-нади.


Сиртнинг нотекислигини шу мақсад учун мўлжалланган асбоб-лардан фойдаланиб аниқлаш мумкин. Сирт нотекислигини ўлчаш учун белгиланган участканинг узунлиги база узунлиги дейилади. ГОСТ 2789—73 асосида нотекисликлар R_a , R_z ҳарфлар билан белгиланади. Нотекислигини аниқлаш учун профилнинг ўрта чи-зигига параллель тўғри чизик ўтказилади. Энди шу тўғри чизик ва база узунлиги чегарасида жойлашган профил чизиқларидан бештасининг энг юқори нуқталари орасидаги масофалар ўлчаниб йиғиндиси аниқланди, худди шунингдек энг қўйи нуқталарининг бештаси орасидаги масофалар ўлчаниб, йиғиндиси аниқланади. Энди биринчи йиғиндидан иккинчи йиғиндини айириб ташлаб, бу айрма бешга бўлинади. Бу усул бўйича ҳисоблаб олинган миқдор ўн нуқта бўйича нотекисликлар баландлиги дейилади ва R_z ҳарф билан белгиланади.

Қўйма, болғалаш йўли билан олинган детал ишчи юзала-рининг нотекислиги R_z ҳарф билан белгиланади.

Агар ўрта чизик ва профилнинг барча нуқталари орасидаги масофани ўлчаб, бу масофаларнинг йиғиндисини ҳисоблаб ва шу масофаларнинг умумий сонига бўлинса, у ҳолда профилнинг ўр-нига чизикдан ўртача арифметик четга чиқиши ҳосил бўлади. Бу ҳисоблашлар база узунлиги билан чегараланса профил участкаси учун қабул қилинади, ҳосил бўлган миқдор R_a билан белгилан-ди ва у микрометрда ифодаланади.

Детал сиртнинг нотекислиги кўрсатилганда R_a шартли белги ёзилмайди, (масалан 0,8), R_z бўлганда эса ёзилади, R_z 20.

Чизмада детал сиртнинг нотекислигини кўрсатиш учун қўйи-даги шартли белгилар қабул қилинган:



Белгиларни ясашда h ўлчам, тахминан шу чизмадаги ўлчам сонлари рақамларининг баландлигига тенг бўлиши керак. Бунда $H=(1,5 \div 3,0)h$ қилиб олинади.

Конструктор детални қайта ишлаш жараёнида нотексликни қайд қилмаган бўлса 3.10.2а-расмдаги шартли белгиси қўйилади.

Детал сиртининг нотекслиги йўниш йўли билан ҳосил қилинса 3.10.2б-расмдаги шартли белги қўйилади. Агарда детал сиртининг нотекслигини йўнилмасдан ролик ёки бошқа усул билан ҳосил қилинса 3.10.2в-расмдаги шартли белги қўйилади. Бунда шартли белги \square ўрнига R_a, R_z нинг сонли қийматлари, \square ўрнига эса юзанинг йўниш усули кўрсатилади.

Нотекслик белгилари чизмада деталларнинг кўринадиган контур чизиқларига, чиқариш чизиқларига ёки четга чиқариш чизиқларининг токчаларига қўйилади. Бундай ҳолларда нотекслик белгисининг учи шу нотексликни белгиловчи сиртни инфодаловчи чизиққа (белги шу сиртни кўрсатиши керак) йўналадиган қилиб жойлаштириш керак. Белгининг учи контур чиқариш чизигига ёки четга чиқариш чизигининг токчасига тегиб туриши керак (3.10.3-расм).

Агар бир тексликда жойлашган детал сиртининг нотекслиги бир хил бўлмаса, бу юзалар бир-биридан ингичка чизиқ билан ажратилади (3.10.3-расм).

Агар деталнинг барча элементлари сиртларининг нотекслиги бир хил бўлса, бу ҳолда чизмага шартли белги қўйилмайди, умумий белги 3.10.4а-расмда кўрсатилганидек чизманинг юқориги ўнг бурчагига жойлаштирилади. Бунда нотекслик белгиси тахминан 1,5 марта катталаштирилади ва чизма рамкасининг устки ўнг томонига жойлаштирилади. Агарда детал сиртлари асосан нотекис бўлса, нотекслик белгиси юқорига ўнг бурчакка қўйилади ва қавсдаги белгининг чап томонига жойлаштирилади (3.10.4б-расм). Қолган сиртларнинг нотекслиги чизманинг ўзида белгиланади. Нотексликнинг баъзи сонли қийматлари 3.10.1-жадвалда берилган.

3.10.1-жадвал

Ўлчамлари	Тешик учун			Вал учун		
	Квалитетлар					
	6,7	8	9	6,7	8	9
	$R_a, \text{мкм}$					
18 дан 50 гача	0,8	1,6	3,2	0,8	0,8	1,6
50 дан 120 гача	1,6		3,2	0,8	1,6	
120 дан 500 гача	1,6	3,2		1,6	3,2	

3.10.2-жадвал

Юзаларнинг нотекслиги	$R_a, \text{мкм}$
Валларда подшипник ён томони тегиб турадиган чиққининг юзаси	1,6
Валларда тишли ва червякли гилдирак ён томонлари тегиб турадиган юза	1,6 3,2
$l_1/d \leq 0,8$ бўлганда } l_1 — губчакнинг узунлиги $l_1/d > 0,8$ бўлганда }	6,3
Валдаги ўйиқалар, участкалар, галтельнинг радиуси	3,2
Валдаги шпонка учун мўлжалланган ўйиқанинг ишчи юзаси (иш бажарадиган юза)	6,3
қолган юзалари (иш бажармайдиган юза)	
Тишли гилдирак тешикчасида шпонка учун мўлжалланган ўйиқанинг ишчи юзаси (иш бажарадиган юза)	1,6 3,2
қолган юзалари (иш бажармайдиган юза)	
Тишли ва червякли гилдиракларнинг ён томонларининг юзаси	6,3
Тишли ва червякли гилдирак тиш юзаси	0,2
аниқлик класс	6 7 8 9 бўлганда
Тишли, червякли гилдирак тишларининг ҳамда юлдузчанинг ташқи диаметри бўйича юзаси	6,3
Шкив, юлдузчаларнинг ишчи юзаси	3,2
Болт, винт учун мўлжалланган тешикчалар юзаси	12,5
Болт, гайка, винт каллагининг юзаси	6,3

3.10.4. Лойиҳанинг чизма қисмини тахт қилиш

Лойиҳанинг чизма қисми ЕСКД га асосланиб чизма қоғозга қаламда чизилади, бунда ҳар бир чизма стандарт форматга чизилади (жадвал).

Чизма қоғознинг ўлчамлари, мм (ГОСТ 2.301.68).

3.10.3-жадвал

Шартли белги	Формат қоғозининг ўлчами	Шартли белги	Формат чизма қоғозининг ўлчами
А0	841×1189	А3	297×420
А1	594×841	А4	210×297
А2	420×594		

Чизмани чизишга киришишдан олдин вароқ юзасини режалаштириш керак. Формат чизма қоғознинг ўлчамлари шу қоғознинг уч томонидан 5 мм дан, чап томонидан 20 мм қолдирилиб чизилганда ҳосил бўлади (3.10.5-расм). Чизма қоғознинг пастки ўнг бурчагида чизманинг асосий ёзуви учун жой ажратилади (3.10.6-расм), у қуйидагича тўлдирилади:

1. Узел ёки деталнинг номи (ёпиқ конуссимон узатма; стакланувчи тишли гилдирак);
2. Чизманинг шартли белгиси, масалан А В В Г Д;
3. Узатма деталлари чизилганда тўлдирилади, бунда ишлатилган материалнинг шартли белгиси ва стандарти кўрсатилади;
4. Курс лойиҳасида «Т» ҳарф билан белгиланади;
5. Узатма деталнинг оғирлиги, кг;
6. Чизманинг масштаби қўйилади, бу масштаб қуйидагича ГОСТ 2.302—68 бўйича олинishi керак:

Тасвири кичрайтириб чизилган учун ишлатиладиган масштаб	1:2	1:2.5	1:4	1:5	1:10
Тасвири катталаштириб чизилган учун ишлатиладиган масштаб	2:1	2.5:1	4:1	5:1	10:1

7. Чизманинг тартиб сони;
 8. Чизманинг умимий сони;
 9. Уқув юртининг қисқартирилган номи, гуруҳнинг шартли белгиси;
 10. Чизмага имзо чеккан шахслар бажарган ишнинг характери, масалан чизди, текширди, қабул қилди;
 11. Чизмага имзо чеккан шахсларнинг исм-шарифлари;
 12. Исм-шарифлари 11 графада кўрсатилган шахсларнинг имзолари;
 13. Чизмага имзо қўйилган сана (кун, ой, йил).
- Ҳар бир узел учун алоҳида чизма қоғозда спецификация деб аталувчи текстли ҳужжат тузилади.
- Спецификация формаси ГОСТ 2.108—68 бўйича белгиланади А4 форматда бажарилади (3.10.7-расм). Керак бўлган ҳолларда А4 формат, 3.10.8-расмда, кўрсатилган формада давом эттирилади бунда биринчи устунга чизма қоғоз форматининг шартли белгиси иккинчи устун зоналарга бўлинган бўлса, шу деталь жойлашган зонанинг белгиси, учинчи устунга эса позицияларнинг тартиб номери юқоридан пастга қараб ёзилади. Белги устунига узатма деталнинг шартли белгиси, кейинги устунга номи, сўнгра деталларнинг сони ва охириги устунга зарур бўлган

ҳолларда ёзилган деталлар материали ёки ҳужжатлари бўйича қўшимча маълумот ёзилади.

Спецификация бўлимларга ажратиб тузилади ва қуйидаги тартибда жойлаштирилади: техник ҳужжатлар, узеллар, деталлар, стандарт деталлар, материал ва бошқа деталлар ёзилади.

Ҳар бир бўлимга сарлавҳа қўйилади, бу сарлавҳа номи устунига жойлаштирилади ва унинг остига ингичка чизиқ чизиб қўйилади.

Техник ҳужжатлар бўлимига ёпиқ узатмаларнинг чизмалари, лойиҳанинг қисмлари киритилади.

Узеллар бўлимига пайванд деталлар, червякли гилдирак, мойлаш усуллари ва бошқа икки ва ундан кўп деталлардан ташкил топган узеллар киради.

Деталлар бўлимига стандарт бўлмаган деталлар, яъни вал, стакан, ҳалқа, червякли тишли гилдирак ва бошқа деталлар киритилади.

Стандарт деталлар бўлимига болт, гайка, шайба, подшипник ва шунга ўхшаш деталлар киради, бунда ГОСТ кўрсатилади.

Материаллар бўлимига, узатмада ишлатиладиган мойлар, прокладкалар, текстил материаллари киритилади.

4-б о б. ДУМАЛАШ ПОДШИПНИКЛАРИ

Подшипниклар вал ҳамда ўқларнинг шицларга ўрнатилиб, таянч вазифасини ўтайди. Уқ ёки вал орқали таянчга тушадиган кучни бевосита подшипник қабул қилади.

Машинанинг ишлаш сифати подшипникларга кўп жиҳатдан боғлиқ. Шунинг учун подшипникларни танлаш, лойиҳалаш ва иш жараёнида уларни кузатиб туриш масалаларига алоҳида эътибор бериш лозим.

Подшипниклар ишқаланиш турига қараб сирпаниш ва думалаш подшипникларига бўлинади. Сирпаниш подшипникларида сирпаниб ишқаланиш, думалаш подшипникларида эса думалаб ишқаланиш содир бўлади. Биз асосан думалаш подшипникларини танлаш ва ҳисоблаш узелларини лойиҳалашни кўрамиз. Думалаш подшипниклари тузилиш жиҳатидан радиал, радиал-тирак ҳамда тирак подшипникларга бўлиниб радиал ва бўйлама кучларни қабул қилишга мўлжалланган.

4.1 § Думалаш подшипникларининг асосий характеристикалари

Бир қаторли золдирли радиал подшипниклар (2.2.1а-расм), асосан радиал кучларни ва чегараланган даражада бўйлама кучларни қабул қилади. Бошқа подшипникларга нисбатан ишқаланиши кам, катта тезлик билан айлантириш мумкин. Подшипникнинг ташқи ҳалқаси, ички ҳалқасига нисбатан 10' гача силжиши мумкин.

Бир қаторли золдирли радиал-тирак подшипниклар 2.2.1б-расм, радиал ва бўйлама кучлар таъсирида ишлаш мумкин. Рухсат этилган бўйлама кучларнинг қиймати контакт бурчаги α қийматига боғлиқ. Бу қиймат ошиши билан бўйлама кучлар қиймати радиал кучлар қиймати ҳисобига ошади. Бу контакт бурчагининг қиймати $\alpha=12^\circ$, $\alpha=26^\circ$, $\alpha=36^\circ$ бўлиши мумкин.

Конуссимон роликни радиал-тирак подшипниклар 2.2.1в-расм, радиал ва бўйлама кучлар таъсирида ишлаш мумкин. Бу подшипниклар тезлиги нисбатан кам бўлган валларида ишлатилади.

Подшипникда конус бурчаги қанчалик катта бўлса, шунчалик катта бўйлама кучлар таъсирида ишлаши мумкин.

4.2 § Подшипникларнинг шартли белгиси

Ҳар бир подшипникларнинг ташқи ҳалқасининг ён томонидан ҳарф ва рақамлардан иборат шартли белгиси бўлади. Бу белги орқали подшипникнинг ички диаметри, серияси, аниқлик даражаси, тузилиши тўғрисида маълумот олиш мумкин. Масалан, бу белгининг ўнг томонидаги биринчи икки рақам подшипникнинг ички диаметрининг шартли белгиси. Бунда подшипникларнинг ички диаметрлари 3 мм дан 10 мм гача 1 мм дан, 10 мм дан 20 мм гача; $2\div 3$ мм дан, 20 мм дан 110 мм гача; 5 мм дан, 110 мм дан 200 мм гача; 10 мм дан, 200 мм дан 500 мм гача 20 мм дан фарқ қилади.

Ўнг томондан учинчи рақам подшипникларнинг қайси серияли эканлигини билдиради. Бунда жуда енгил серия 1, енгил серия 2, ўртача серия 3, оғир серия эса 4 билан белгиланади. Масалан, ички диаметри 40 мм бўлган золдирли подшипник-108 билан белгиланган бўлса, жуда енгил серия, 208-енгил серия, 308-ўрта серия 408-оғир серияли эканлигини билдиради.

Шартли белгининг ўнг томонидан тўртинчи рақам подшипникнинг турини билдиради, масалан:

- 0 — бир қаторли золдирли радиал подшипниклар;
- 1 — икки қаторли золдирли сферик радиал подшипниклар;
- 2 — калта цилиндрсимон роликли радиал подшипниклар;
- 3 — икки қаторли цилиндрсимон роликли сферик радиал подшипниклар;
- 4 — игнасимон роликли радиал подшипниклар;
- 5 — цилиндрсимон роликли радиал подшипниклар бўлиб, роликларда махсус ариқчалар бўлади;
- 6 — золдирли радиал-тирак подшипниклар;
- 7 — конуссимон роликли радиал-тирак подшипниклар;
- 8 — золдирли тирак подшипниклар;
- 9 — роликли тирак подшипниклар.

Шартли белгининг ўнг томонидан бешинчи ва олтинчи рақамлар эса подшипникнинг тузилишидаги алоҳида хусусиятларни ифода қилади. Масалан подшипникнинг ташқи ҳалқасида махсус ариқча бор ёки ён томонида махсус шайба ўрнатилган ва шунга ўхшаш ўзгаришлар.

Подшипник аниқлик даражаси бўйича 0, 6, 5, 4, 2-классга бўлинади ва бу сонлар шу шартли белгидан олдинда қўйилади. Агарда шартли белгидан олдин сон қўйилмаган бўлса, демак бу подшипникнинг аниқлик даражаси 0 бўлади.

Шартли белгининг ўнг томонидаги ҳарфлар қуйидагиларни билдиради.

Б — сепаратор қалайсиз бронзадан тайёрланган;

Е — сепаратор пластик материаллардан;

Ш — шовқинга (шум) чидамли;

Ю — ҳамма ёки айрим деталлар зангламайдиган пўлатдан тайёрланган.

Думалаш подшипникларининг думалаш элементлари ШХ6, ШХ9, ШХ15, ҳалқалари ШХ15, ШХ9, ШХ15СГ маркали пўлат материаллардан тайёрланади, бу элементларнинг ўлчамлари ўртасидаги ўзаро нисбат 4.1-жадвалда берилган.

4.3 § Подшипникларни вал ва корпусга ўтқазиш

Подшипник ҳалқаларнинг юкланишига нисбатан уларни вал ёки корпусга ўтқазиш ҳам ҳар хил бўлади. Бу ўтқазиш СТ СЭВ 773—77 асосида А (тешик) системаси, В (вал) системасига асосланган. Подшипникнинг ташқи ҳалқаси корпусга В — система билан ўтқазилса, ички ҳалқаси эса А — система билан ўтқазилади. Бу ўтқазиш жараёнида подшипник ҳалқалари қайта ишланмайди, керак бўлса вал ёки корпуснинг ўлчамлари ўзгартирилади.

Подшипникларни вал ёки корпусга ўтқазишда ҳалқаларнинг юкланиш характери ҳисобга олинади. Юкланишни эса қуйидагиларга бўлиш мумкин.

а) радиал кучга нисбатан ҳалқа ҳаракатланмайди ёки таъсир қилувчи куч ҳам ҳалқа билан бирга ҳаракатланиди, бунда подшипник ҳалқалари жойли кучланиш бўлади (4.3.1а-расм).

б) подшипник ҳалқаси радиал кучга нисбатан айлайма ҳаракат қилади натижада ҳалқаларнинг бутун юзаси бирин-кетин юкланади бундай юкланиш циркуляция юкланиш дейилади (4.3.1б-расм).

в) ҳалқа радиал кучга нисбатан тебранма ҳаракат қилади, натижада тебранма юкланиш бўлади (4.3.1в-расм).

Қўп йиллик кузатишлар шуни кўрсатдики, подшипник валга ўтқазилганда ташқи ҳалқаси айланганда корпусга тигизлик (натяг) билан ўтқазилиш керак, натижада ҳалқа ўтқазилган жойдан силжимади. Айланмайдиган ҳалқа эса муайян ҳолатда маҳкамланмасдан ўрнатилади. Бунда ҳалқа ўз ўқи атрофида ёки ўқ бўйича силжиши мумкин. Бу эса ҳалқаларнинг бир текисда юкланишига ёрдам беради.

Думалаш подшипникларнинг ҳалқасини ўлчамларини чекли чегараси СТ СЭВ 77—77 асосида олинади.

Машинасозлик саноатида кўп ишлатиладиган «0» класе подшипник ҳалқаларини вал ва корпусга уларнинг юкланишига нис-

батан қандай ўтқазиш кераклиги 4.3.1—4.3.4-жадвалларда берилган.

4.3.1-жадвал

Ички ҳалқанинг юкланиши	Подшипникнинг ишлаш режими	Подшипник урнатилган вал ўлчамларининг чекли чегараланиши	
		золдирли	ролли
Жойли юкланиш	$R_s \leq 0,07 C_r$, ички ҳалқа валга муайян ҳолатда маҳкамланмаган	g6	
	$0,07 C_r < R_s \leq 0,15 C_r$, ички ҳалқа муайян ҳолатда маҳкамланган	h6	
Циркуляцияли юкланиш	$R_s < 0,07 C_r$	j_5	K5
	$0,07 C_r < R_s < 0,15 C_r$	j_5	K6
	$R_s > 0,15 C_r$, бўлиб, юкланиш зарб билан бўлганда	—	h6
Тебранма юкланиш	$0,07 C_r < R_s < 0,15 C_r$	K6	m6
	$R_s > 0,15 C_r$, бўлиб, юкланиш зарб билан бўлганда	—	h6

4.3.2-жадвал

Ташқи ҳалқанинг юкланиши	Подшипникнинг ишлаш режими	Ташқи ҳалқа урнатилган жойнинг ўлчамларини чекли чегараланиши	
		золдирли	ролли
Жойли юкланиш	$0,07 C_r \leq R_s \leq 0,15 C_r$, ташқи ҳалқа муайян ҳолатда валга маҳкамланмаган	H7	
	$0,07 C_r < R_s < 0,15 C_r$, ташқи ҳалқа муайян ҳолатда маҳкамланган	N7	
Тебранма юкланиш	$R_s < 0,07 C_r$, ташқи ҳалқа муайян ҳолатда маҳкамланмаган	H6	
	$0,07 C_r < R_s < 0,15 C_r$, ташқи ҳалқа муайян ҳолатда маҳкамланган	K7	

«0», «6»-класс подшипникларнинг ташқи ҳалқаси ўрнатилган
(тешикча) ўлчамларининг чекланган чегараси, мкм (ГОСТ 25347—82)

4.3.3-жадвал

Айлана ўлчамлар,	Ўлчамларининг чекланган чегараси								
	N7	M7	K7	J _s 7	H7	G7	H8	H9	P7
18 дан катта 30 гача	-7 -28	0 -21	+6 -15	+10 -10	+21 0	+28 +7	+33 0	+52 0	-14 -35
30 дан катта 50 гача	-8 -33	0 -25	+7 -17	+12 -12	+25 0	+34 +9	+39 0	+62 0	-17 -42
50 дан катта 8) гача	-9 -39	0 -30	+9 -21	+15 -15	+30 0	+40 +10	+46 0	+74 0	-21 -51

«0», «6»-класс подшипникларнинг ички ҳалқаси ўрнатилган вал
ўлчамларининг чекланган чегараси, мкм (ГОСТ 25347—82)

4.3.4-жадвал

Валинг диаметри, мм	Ўлчамларининг чегараси						
	n6	m6	K6	f _s 6	h6	g6	f7
18 дан катта 30 гача	+28 +15	+21 +8	+15 +2	+6,5 -6,5	0 -13	-7 -20	-20 -41
30 дан катта 50 гача	+33 +17	+25 +9	+18 +2	+8,0 -8,0	0 -16	-9 -25	-25 -50
50 дан катта 80 гача	+39 +20	+30 +11	+9,5 -9,5	0 -19	-10 -29	-30 -60	

Узатма деталлари иш жараёнида қизиш натижасида валда чўзилиш деформацияси содир бўлади. Натижада подшипник думалаш элементлари ҳалқалар ўртасида сиқилиш мумкин. Бундай ҳол рўй бермаслиги учун подшипник ҳалқаларини вал таянчларига муайян ҳолатда маҳкамлаб ёки маҳкамламасдан ўрнатилади. Таянчга муайян ҳолатда маҳкамланмаган подшипник 4.3.2-расм, ҳалқалари икки томонлама силжиши мумкин, бундай таянчлар фақат радиал кучлар таъсирида ишлайди.

Подшипник узелларни маҳкамлашда вал таянчларга подшипниклар муайян ҳолатда маҳкамланиб ўрнатилиши ёки бир таянчга маҳкамланиб, иккинчисига маҳкамланмасдан ўрнатилиши мумкин. Масалан:

а) Узатмада таянчлар орасидаги масофа чегараланмаса, подшипник бир таянчга муайян ҳолатда маҳкамланиб, иккинчи таянчга маҳкамланмасдан ўрнатилади (4.3.3-расм).

б) Таянчлар орасидаги масофа нисбатан кичик бўлганда подшипник ҳалқалари муайян ҳолатда маҳкамламасдан ўрнатилади. Бунда подшипник ҳалқаларини фақат бир томонлама силжийдиган қилиб ўрнатиш тавсия этилади (4.3.4-расм).

Узатмаларни лойиҳалаш тажрибаси шуни кўрсатдики, конуссимон узатманинг етакловчи вал таянчларига айланиш сони $n=3000$ мин⁻¹ бўлганда золдирли радиал-тирак подшипник ўтқазил тавсия этилади. Лекин кўпинча валнинг бикрлигини ошириш учун конуссимон роликли радиал-тирак подшипниклар ўрнатилади. Подшипниклар валга, асосан энли томонлари бир-бирига қаратиб ўрнатилади (4.3.5-расм). Энсиз томонларини бир-бирига қаратиб ўрнатиш тавсия этилмайди. Червякли узатма валнинг таянчларига, таянчлар орасидаги масофа $e/d < 8$ бўлганда золдирли, $e/d < 6$ бўлганда конуссимон роликли подшипниклар ўрнатиш тавсия этилади.

4.4 § Подшипникни вал ва корпусга маҳкамлаш усуллари

Подшипникни валга маҳкамлашда подшипникка таъсир қилаётган кучнинг қиймати ва йўналиши унинг айланиш сони ҳисобга олинади. Подшипникнинг айланадиган ҳалқаси ўз ўқи атрофида силжимаслиги учун валга тифизлик билан ўтқазилиши керак.

Подшипникни ички ҳалқаси бўйича валга маҳкамлаш усуллари 4.4.1а, б-расмларда кўрсатилган. Бўйлама кучларнинг қиймати нисбатан катта бўлмаганда ички ҳалқани тўғри бурчакли муружинали ҳалқа ёрдамида 4.4.1а-расм маҳкамлаш мумкин. Ўлчамлари 4.4.1-жадвалда берилган. Бўйлама кучларнинг қиймати нисбатан катта бўлганда гайка ёрдамида маҳкамлаш мумкин. Бунда гайка ўз-ўзидан бурилиб бўшашмаслиги учун қўшимча бармоқли шайба ишлатилади. Яъни валнинг махсус ариқчаси билан шайбанинг ариқча қисмига шайбанинг бармоқли қисми киргизилади; натижада гайка ўз-ўзидан буралиб бўшашига чек қўйилади. Шлицли гайка ва бармоқли шайба ўлчамлари 4.4.2—4.4.3-жадвалларда берилган.

Подшипник ички ҳалқасини шайба ёрдамида маҳкамлаш 4.4.1б-расмда кўрсатилган, бунда шайба бўшаб кетмаслиги учун винт билан маҳкамланади. Агарда валнинг диаметри катта бўлса, иккита винт ишлатиш мумкин.

Подшипник ташқи ҳалқасини корпусга маҳкамлаш усуллари 4.4.2-расмларда кўрсатилган. Бунда муаян ҳолатда маҳкамланмаган подшипникларнинг ташқи ҳалқаси маҳкамланмайди. Таш-

қи ҳалқани подшипник қопқоқ ёрдамида маҳкамлаш 4.4.2а-расм-да кўрсатилган. 4.4.2в-расмда эса корпусдаги чиқиқ билан пружинали ҳалқа ёрдамида маҳкамланган. Пружинанинг ўлчамлари 4.4.4-жадвалларда берилган.

4.4.1-жадвал

Пружинали ҳалқа ва ариқча ўлчамлари, мм (ГОСТ—13942—68)

Валнинг диаметри, d	Валдаги чуқурчанинг ўлчамлари				Ҳалқа		
	d_1	рухсат этилган бўйлама куч, кН	B	r	S	b	l
20	18,6	10	1,4	0,1	1,2	3,2	3,0
22	20,6	11					
23	21,5	12					
24	22,5	13					
25	23,5	14					
26	24,5	14					
28	26,5	16					
29	27,5	16					
30	28,5	17					
32	30,2	21					
34	32,2	22					
35	33,0	26	1,9	0,2	2,0	4,9	6,0
36	34,0	27					
37	35,0	28					
38	36,0	29					
40	37,5	38					
42	39,5	39					
45	42,5	42					
46	43,5	43					
48	45,5	45					
50	47,0	57					
52	49,0	59					
54	51,0	61	2,2	0,2	2,0	6,0	6,0
55	52,0	62					
56	53,0	64					
58	55,0	66					
60	57,0	68					
62	59,0	71					
65	62,0	74					
68	65,0	78					
70	67,0	80					
68	65,0	78					
72	68,0	82					
76	72,0	86					
80	76,0	90					
85	81,0	95					
90	86,0	100					
96	92,0	106					
100	98,0	112					

Ўтқазилган подшипниклар ўз ўқи атрофида енгил айланиши учун думалаш элементлари золдир ёки роликлар билан ҳалқалар ўртасида маълум даражада бўшлиқ бўлиши керак. Агарда бу бўшлиқ нисбатан катта ёки кичик бўлса, думалаш элементлари-

да ташқи кучлар нотекис тақсимланади, натижада подшипник деталлари, яъни ҳалқалар, сепаратор, думалаш элементлари тез-да ейилиб ишдан чиқиши мумкин. Подшипниклар яхши ишлаши учун бу бўшлиқларни (зазор) ҳар хил усуллар билан нормал ҳолатга келтиради.

4.4.2-жадвал

Шлицли гайка ўлчамлари, мм (ГОСТ 11871—80)

d -валнинг диаметри	резьба қадами	D	D_1	C	H	b	h				
10	1,25	22	15	0,6	8	4	2,0				
12	1,25	26	18								
14	1,5	28	20	0,6		10	5	2,5			
16		30	22								
18		32	24	1,0			12	6	3		
20		34	27								
22		38	30	1,0				12	8	4	
24		42	34								
27		45	34	1,6					18	8	4
30		48	39								
33		52	42	1,6	15					10	5
36		55	48								
39	60	48	1,0	18		12				6	
42	65	56									
45	70	56	1,0			18	12			6	
48	75	64									
52	80	64	1,6				15	10		5	
56	85	72									
60	90	72	1,6					18	12	6	
64	95	80									
68	2	100	80		1,6				15	10	5
72		105	90								
76		110	90	1,0	18					12	6
80		115	100								
85		120	105	1,0		18				12	6
90		125	110								
96		130	110	1,6			15			10	5
100		135	120								

Илова: 35X пўлатдан тайёрланган, чекли чегараси 6H, 9 мкм қалинликда қопланган, резьба қадами 2 мм, диаметри $d=64$ мм, аниқлик даражаси нормал бўлган гайканинг шартли белгиси: гайка М64Х2 6H.35X. 019 ГОСТ 11871—80.

4.4.3-жадвал

Кўп бармоқли шайба ўлчамлари, мм (ГОСТ 11872—80)

Резьба диаметри d , мм.	d_1	D	D_1	b	h	l	r	S
1	2	3	4	5	6	7	8	9
10	10,5	26	16	3,5		7		
12	12,5	28	18	3,8		9	0,2	1
14	14,5	30	20	3,8		11		
16	16,5	32	22		3	13		
18	18,5	34	24		4	15		
20	20,5	37	27			17		
22	22,5	40	30	4,8		19		
24	24,5	44	33			21		
27	27,5	47	36		4	24		
30	30,5	50	39			27	0,5	
33	33,5	54	42			30		
36	36,5	58	45		5	33		
38	38,5	62	48	5,8		36		
42	42,5	67	52			39		
45	45,5	72	56			42		1,6
48	48,5	77	60			45		
52	52,5	82	65			49		
56	57,0	87	70	7,8		53		
60	61,0	92	75			57	0,8	
64	65,6	97	80			61		
68	69	102	85			65		
70	71	107						
72	73	107		9,0				
76	77	112	95			73		
80	81	117	100			76		
85	86	122	105		7	81		
90	91	127	110			86		
95	96	132	115	11,5		91	1,0	2,0
100	101	137	120			96		

Подшипниклар энгил ишлаши учун бу бушлиқларнинг ташқи ва ички ҳалқаларини ўқ бўйича силжитиш йўли билан нормал ҳолатга келтириш мумкин. Бу эса подшипник турига, таянчга ўтқазилган схемасига, ташқи ва ички ҳалқаларни корпус ҳамда валга маҳкамланишига боғлиқ. Масалан, таянчларга ўрнатилган подшипникларни ташқи ва ички ҳалқалар ёрдамида сошлаш мумкин. Агарда вал таянчларига подшипниклар 4.3.4-расмдагидек ўрнатилган бўлса (ташқи ҳалқасининг энсиз томонлари бир-бирига қаратиб ўрнатилган) сошлаш учун қопқоқлар тағига қалинлиги 0,1; 0,2; 0,4; 0,8 мм бўлган прокладкалар қўйилиб, муайян ҳолатда маҳкамланган подшипникларнинг ташқи ҳалқасини силжитиш йўли билан эришилади. Агарда подшипниклар 4.3.5-расмдагидек ўрнатилган бўлса (ташқи ҳалқасининг энли томонлари бир-би-

рига қаратиб ўрнатилган), сошлаш шлицли гайка ёрдамида ички ҳалқани силжитиш йўли билан эришилади. Подшипник созлангач, шлицли гайка ўқ, атрофида айланиб кетмаслиги учун бармоқли шайба ёрдамида маҳкамланади.

4.4.4-жадвал

Пружинали ҳалқа ва ариқча ўлчамлари, мм (ГОСТ 13943—68)

Корпусдаги тешикчанинг диаметри d , мм	Корпусдаги ариқчанинг диаметри d_1 , мм	Бўлама кучнинг рухсат этилган қиймати F , кН	b	B	l	Корпусдаги тешикчанинг диаметри d , мм	Корпусдаги ариқчанинг диаметри d_1 , мм	Бўлама кучнинг рухсат этилган қиймати F , кН	b	B	l
40	42,5		4,2		12	78	81,0				18
42	44,5	44,42				80	83,5	112,0			
45	47,5					82	85,5	118,97	6,1		
46	48,5					85	88,5			2,2	
47	49,5		4,5		14	88	91,5	125,83			
48	50,5	47,23				90	93,5				
50	53,0					92	95,5				
52	55,0					95	98,5	139,4	6,3		
54	57,0			1,9		98	101,5				20
55	53,0	62,91				100	103,5				
56	59,0					102	106				
58	61,0		5,1		16	105	109	175,8			
60	63,0					103	112				
62	65,0					110	114		8,5	2,8	
65	68,0	74,67				112	116				
68	71,0					115	119	191,34			
70	73,0					120	124				
72	75,0	86,43	6,1		18	125	129	206,97	9,7		
75	78,0					130	134				

Илова: 1. Ҳалқанинг қалинлиги унинг диаметри d га боғлиқ бўлиб қуйидагича олиш тавсия этилади:
 $d=10÷75$ бўлганда $S=1,7$
 $d=75÷100$ бўлганда $S=2,0$
 $d=100÷130$ бўлганда $S=2,5$
 2. Ариқчанинг радиуси, r
 $d=100$ мм гача бўлганда $r=0,2$, ундан катта бўлганда $r=0,3$

Подшипниклар ўртасида ташқи ҳамда ички ҳалқалар бўйича ўрнатилган ёрдамчи ҳалқанинг энли узатмани йиғиш яъни подшипникларни сошлаш жараёнида аниқланади.

Вал таянчларига подшипниклар ташқи ҳалқасининг энсиз томонлари бир-бирига қаратиб ўрнатилган бўлса (4.3.4-расм) подшипникларни сошлаш унинг турига ҳамда подшипник қопқоғи тузилишига боғлиқ бўлади.

Подшипник қопқоқлари болт (винт) ёрдамида маҳкамланса, (4.3.4-расмлар) қопқоқлар тагига ўрнатилган прокладкалар ёрдамида радиал, радиал-тирак золдирли подшипникларни соzлаш мумкин.

Қопқоқлар болт билан маҳкамланмасдан подшипник уясидаги махсус ариқчаларга ўрнатилса, (4.4.3-расм) радиал подшипникларни соzлаш учун подшипник ташқи ҳалқаси билан қопқоқ ўртасига ҳалқа қўйилади. Унинг эни подшипникни соzлаш жараёнида аниқланади. Иккинчи таянчда ташқи ҳалқа билан тешикли қопқоқ ўртасида 0,2; 0,5 мм бўшлиқ қолдирилади, йиғма чизмада бу кўрсатилмайди.

Таянчларга радиал-тирак подшипниклар ўрнатилган бўлса (4.4.4-расм) фақат винт ёрдамида соzланади. Тешиксиз қопқоққа ўрнатилган винт махсус мослама ёрдамида подшипник ташқи ҳалқасига таъсир этади.

Подшипникларни вал ёки корпусдан чиқариш учун винтли мосламалар ишлатилади. Агарда подшипник корпусдан чиқариладиган бўлса ташқи ҳалқа бўйича, валдан чиқариладиган бўлса ички ҳалқа ёрдамида чиқарилади.

4.5 § Подшипникларни танлаш ва ҳисоблаш

Подшипникларни 4.5.5, 4.5.6 ва 4.5.7-жадваллардан айланиш сони $n < 1$ мин⁻¹ бўлса статик юк кўтарувчанлик $[C_0]$ бўйича, $n > 1$ мин⁻¹ бўлганда динамик юк кўтарувчанлик $[C_r]$ бўйича танланади.

Танланган подшипникларни ҳисобий динамик кўтарувчанлик ёки ишлаш муддатини (соат ҳисобида) қуйидагича аниқланади.

$$C_x = R_3 \sqrt[m]{\frac{573 \omega L_h}{10^6}} \geq [C_r] \quad L_x = \frac{10^6}{573 \omega} \left(\frac{C_r}{R_3} \right)^m \leq L_h$$

бу ерда: C_x — подшипникнинг ҳисобий динамик юк кўтарувчанлик қиймати, Н;

R_3 — таянчдаги реакция қийматларининг эквивалент қиймати;

ω — подшипник ўтқазилган валнинг бурчак тезлиги, 1/с;

L_h — узатма вал таянчларига ўтқазилган подшипникларнинг ишлаш муддати соат ҳисобида. ГОСТ 16162—85 га асосан червякли узатма вал таянчларига ўрнатилган подшипникларнинг ишлаш муддати $L_h \geq 5000$ соат; цилиндрсимон узатмаларда $L_h \geq 10000$ соат, L_x — подшипникнинг ҳисобий ишлаш муддати соат ҳисобида;

m — даража кўрсаткичи бўлиб, золдирли подшипниклар учун $m=3,0$, роликсимон подшипниклар учун $m=3,3$;

C_x, L_x — қийматлари ҳар турли подшипниклар учун ҳар йўллар билан аниқланади. Масалан:

1. Бўйлама куч таъсир қилувчи бир қаторли золдирли радиал подшипниклар учун C_x, L_x қийматларни аниқлаш тартиби. Бунда F_a куч таъсирида таянчларда шу кучга тенг R_{aA}, R_{aB} кучлар ҳосил бўлади C_x, L_x қийматлари нисбатан катта юкланган таянч учун аниқланади.

а) $\frac{F_a}{C_0}$ га нисбатан e — коэффициент қиймат 4.5.1-жадвалдан олинади.

4.5.1-жадвал

Бир қаторли радиал подшипниклар учун X, Y, e коэффициент қийматлари

$\frac{F_a}{C_0}$	$\frac{F_a}{R_r} < e$		$\frac{F_a}{R_r} > e$		e
	X	Y	X	Y	
0,014	1,0	0	0,55	2,30	0,19
0,028				1,80	0,22
0,056				1,71	0,26
0,084				1,55	0,28
0,11				1,45	0,30
0,17				1,31	0,34
0,28				1,15	0,38
0,42				1,04	0,42
0,56				1,00	0,44

б) Эквивалент юкланиш қиймати R_3 аниқланади.

$$\frac{F_a}{VR_r} > e \text{ бўлганда } R_3 = (XVR_r + VF_a) K_1 \cdot K_2$$

$$\frac{F_a}{VR_r} < e \text{ бўлганда } R_3 = R_r \cdot K_1 \cdot K_2$$

в) C_x, L_x қийматлари аниқланади, бу ерда: F_a — бўйлама куч;
 C_0 — статик юк кўтарувчанлик, қиймати подшипник турига нисбатан жадваллардан олинади;
 R_r — таянчдаги реакция қийматларининг умумлашган қиймати, валнинг А таянчи учун

$$R_{rA} = \sqrt{(R_A^H)^2 + (R_A^V)^2}$$

В таянч учун

$$R_{rB} = \sqrt{(R_B^H)^2 + (R_B^V)^2}$$

e — радиал ва бўйлама кучларини ҳисобга олувчи коэффициент;

\bar{X} — радиал кучларни ҳисобга олувчи коэффициент;

Y — бўйлама кучларни ҳисобга олувчи коэффициент;

K_1 — узатманинг шу режимини ҳисобга олувчи коэффициент, юкланиш бир текисда бўлганда $K_1=1,0$; нисбатан нотекис бўлса $K_1=1,3 \div 1,5$; қаттиқ зарб билан бўлганда $K_1=2,5 \div 3,0$;

K_2 — узатманинг қизишини ҳисобга олувчи коэффициентни қиймати 4.5.2-жадвалдан олинади.

4.5.2-жадвал

α_2	100°	125°	150°	175°	200°	225°	250°
K_2	1,0	1,05	1,10	1,15	1,25	1,35	1,40

2. Бир қаторли радиал-тирак золдирли ҳамда конуссимон роликли подшипниклар учун C_x, L_x қийматларини аниқлаш тартиби (4.5.1-расм). Вал таянчларига бу хил подшипниклар ўрнатилганда ҳар бир таянч учун эквивалент юкланиш қиймати аниқланиб нисбатан катта юкланган таянч учун C_x, L_x қийматлари аниқланади.

а) $\frac{F_a}{C_0}$ га нисбатан e ҳамда Y коэффициент қиймати 4.5.3-4.5.7-жадваллардан танланади ёки қуйидагича аниқланади: $\alpha=12^\circ$ бўлганда

$$lge = \frac{lg \frac{F_r}{C_0} - 1,44}{4,729}; \alpha = 15^\circ \text{ бўлганда } lge = \frac{lg \frac{F_a}{C_0} - 1,44}{7,3 \cdot 3}$$

б) қўшимча бўйлама F_{SA}, F_{SB} кучларининг қиймати аниқланади. Таянчларга таъсир қилувчи R_{rA}, R_{rB} кучлар таъсирида радиал-тирак подшипникларда қўшимча бўйлама F_{SA}, F_{SB} кучлар ҳосил бўлади, бу кучларнинг, қиймати золдирли радиал-тирак подшипниклар учун $F_S = eR_r$; ($F_{SA} = eR_{rA}, F_{SB} = eR_{rB}$) конуссимон роликли подшипниклар учун $F_S = 0,83 eR_r$ ($F_{SA} = 0,83 eR_{rA}, F_{SB} = 0,83 eR_{rB}$).

Радиал-тирак подшипниклар учун X, Y коэффициентларнинг қиймати

α°	$\frac{F_a}{C_0}$	Бир қаторли				Икки қаторли				e
		$\frac{F_a}{VR_r} < e$		$\frac{F_a}{VR_r} > e$		$\frac{F_a}{VR_r} < e$		$\frac{F_a}{VR_r} > e$		
		X	Y	X	Y	X	Y	X	Y	
12°	0,014				1,81				2,94	0,30
	0,029				1,62				2,63	0,34
	0,057				1,46				2,37	0,37
	0,086				1,34				2,18	0,41
	0,11	1,0	0	0,45	1,22	1,0	1,35	0,74	1,98	0,45
15°	0,17				1,13				1,84	0,48
	0,29				1,04				1,69	0,52
	0,43				1,01				1,64	0,54
	0,57				1,00				1,62	0,54
	0,015				1,47				2,39	0,38
	0,029				1,40				2,28	0,40
	0,058				1,30				2,11	0,43
	0,087				1,23				2,01	0,46
	0,12	1,0	0	0,45	1,19	1,0	1,34	0,72	1,93	0,48
	0,17				1,12				1,82	0,50
0,29				1,02				1,66	0,55	
0,44				1,00				1,63	0,55	
0,58				1,00				1,63	0,55	
26°		1,0	0	0,41	0,87	1,0	0,92	0,67	1,41	0,68
	36	1,0	0	0,37	0,66	1,0	0,66	0,60	1,07	0,95

в) Бўйлама кучларнинг умумлашган қийматлари F_{aA}, F_{aB} аниқланди. Подшипникка таъсир қилувчи кучлар 4.5.1а-расм, мувозанатда бўлиши керак. Яъни $\sum X = 0, F_{aA} - F_a - F_{aB} = 0$, ҳамда $F_{aA} \geq F_{SA}, F_{aB} \geq F_{SB}$ шарт бажарилиши керак. Бунда: F_{aA}, F_{aB} — бўйлама кучларининг умумлашган қиймати; F_{SA}, F_{SB} — таянчлардаги қўшимча бўйлама кучлар қиймати б. п. аниқланган. F_{aA}, F_{aB} — қийматлари қуйидагича аниқланади. Юқоридаги тенгликдан, масалан $F_{aA} = F_{SA}$ қилиб олинади. Натижада $F_{aB} = F_{aA} - F_a$ бунда $F_{SB} \geq F_{aB}$ шарт бажарилмася $F_{aB} \geq F_{SB}$ қилиб олинади, шарт бажарилмася $F_{aB} \geq F_{SB}$ қилиб олинади, бунда $F_{aA} = F_a + F_{aB}$ бўлади, $F_{aA} \geq F_{SA}$ шарт бажарилиши текширилади.

г) кучланишнинг эквивалент қиймати $R_э$ аниқланади. Бунинг учун $\frac{F_{aA}}{\sqrt{R_r}} \cdot \frac{F_{aB}}{\sqrt{R_r}}$ нисбат қийматлари аниқланиб а. п. аниқ-

ланган e нинг қиймати билан солиштирилади. Агарда $\frac{F_{aA}}{\sqrt{R_r}} > e$

бўлса $R_э = (X\sqrt{R_r} + YF_a)K_1 \cdot K_2; \frac{F_{aA}}{\sqrt{R_r}} < e$ бўлганда $R_э = R_r \cdot Y \cdot K_1 \cdot K_2$ олинади.

д) эквивалент юкланиш қиймати $R_э$ нисбатан катта бўлган таянч учун C_x, L_x қиймати аниқланади.

3. Муайян ҳолатда маҳкамланган икки қаторли золдирли радиал-тирак ҳамда роликли подшипниклар учун C_x, L_x қийматларни аниқлаш тартиби.

а) таянчлар учун iF_a/C_0 қийматлар асосида жадвалдан e коэффициент қиймати танланади. $i=2$ думалаш элементлар қатори:

б) эквивалент юкланиш қиймати $R_э$ аниқланиб, C_x, L_x қийматлари аниқланади.

$R_э$ қийматни аниқлашда $\frac{F_a}{\sqrt{R_r}} > e$ бўлганда таянчга ўрнатил-

ган икки қаторли подшипникни фақат бир қатор думалаш элементлари юкланган деб қабул қилинади. Шунинг учун X, Y коэффициент характеристикалари бир қаторли подшипниклар

учун 4.5.3-жадвалдан олинади. Агарда $\frac{F_a}{\sqrt{R_r}} \leq e$ бўлса таянч-

га ўрнатилган икки қаторли подшипникнинг иккита думалаш элементлари юкланган бўлади, шунинг учун X, Y коэффициент қийматлари 4.5.3-жадвалдан икки қаторли радиал-тирак подшипниклар учун танланади. Бунда реакция кучларни иккита подшипник ўртасига таъсир қилади.

Икки қаторли конуссимон роликли подшипниклар учун $e = 1,5 \operatorname{tg} \alpha, \frac{F_a}{\sqrt{R_r}} \leq e$ бўлганда $X = 1,0, Y = 0,45 \operatorname{ctg} \alpha; \frac{F_a}{\sqrt{R_r}} > e$ бўлганда $X = 0,67; Y = 0,67 \operatorname{ctg} \alpha$.

Икки қаторли радиал, радиал-тирак подшипник учун $C_r'' = 1,625 C_r$, роликли подшипниклар учун $C_r' = 1,714 C_r$ олинади.

Статик юк кўтарувчанлик қиймати $C_0' = 2C_0$.

Подшипникларнинг айланиш сони $n \leq 1$ мин⁻¹ бўлганда 4.5.5-жадвалдан статик юк кўтарувчанлик C_0 бўйича танланади. Бунинг қиймати золдирли, радиал, радиал-тирак подшипниклар учун қуйидагича аниқланади.

$$R_э = X_0 R_r + Y_0 F_a.$$

Калта цилиндрсимон роликли подшипник учун $R_э = R_r, X_0, Y_0$ коэффициент қийматлари 4.5.4-жадвалда берилган.

4.5.4-жадвал

Подшипниклар тури	Бир қаторли подшипниклар		Икки қаторли подшипниклар	
	X_0	Y_0	X_0	Y_0
Золдирли радиал подшипниклар	0,6	0,5	0,6	0,5
Золдирли радиал-тирак подшипниклар:				
$\alpha = 18^\circ$		0,43		0,86
$\alpha = 26^\circ$	0,5	0,37	1,0	0,74
$\alpha = 36^\circ$		0,28		0,56

Илова: Таянчга иккита бир қаторли радиал-тирак подшипниклар ўрнатилган бўлса X_0, Y_0 нинг қийматлари битта икки қаторли подшипник учун қандай олинса, шундай олиш тавсия этилади.

Масала: Цилиндрсимон узатма валларига ўтқазилган подшипник ҳисоблансин $R_{rA} = 2500$ Н, $R_{rB} = 1400$ Н, $F_a = 655$ Н, $n_1 = 950$ мин⁻¹, $L_h = 10000$ с, $d = 40$, 4.5.1а-расм.

Масаланинг ечими: Таянч учун жуда енгил серияли бир қаторли радиал подшипник танлаймиз, 4.5.5-жадвал. $d = 40$ мм, $C_0 = 9,3$ кН, $C_r = 16,8$ кН.

1. e коэффициент қиймати аниқланади

$$\frac{F_a}{C_0} = \frac{655}{9300} = 0,070 \text{ бўлганда } e = 0,26 \text{ (4.5.1-жадвал).}$$

2. Эквивалент юкланиш қиймати $R_э$ аниқланади

$$\frac{F_a}{C_0} = \frac{655}{2500} = 0,262 > 0,26 \text{ демак бу таянч учун } R_э = (X\sqrt{R_r} + YF_a) \text{ бунда } X = 0,56, Y = 1,71 \text{ (4.5.1-жадвал). } V = 1,0; K_1 = 1,0, K_2 = 1,0 \text{ натижада } R_{эA} = (0,56 \cdot 2500 + 1,71 \cdot 655) \cdot 1,0 \cdot 1,0 = 1306 \text{ Н.}$$

3. C_x, L_x қийматлари аниқланади

$$C_x = R_э \sqrt[3]{\frac{573 \omega L_h}{10^6}} = 1306 \sqrt[3]{\frac{573 \cdot 99,4 \cdot 10000}{10^6}} = 11,1 \text{ кН} < [C_r].$$


Подшипник ишлаш мuddатини аниқлаймиз (соат ҳисобида)

$$L_x = \frac{10^6}{573\omega} \left(\frac{C_x}{R_s} \right)^m = \frac{10^6}{573 \cdot 99,4} \left(\frac{16800}{1306} \right)^3 = 37340 > L_h \text{ шарт}$$

бажарилди.

$$\omega = \frac{\pi n_1}{30} = \frac{3,14 \cdot 950}{30} = 99,4 \text{ с}^{-1}$$

Масала: Бир поғонали конуссимон узатма етакловчи валининг таянчларига ўтказилган подшипник (4.5.2-расм) ҳисоблансин $d=30$, $R_{aA}=1200$ кН, $R_{aB}=2650$ кН, $d_m=80$ мм, $n_1=1450$ мин⁻¹, $F_a=350$ Н, $L_h=10000$ С.



4.5.2-расм.

Масаланинг ечими: 1-вариант. Таянчлар учун енгил серияли $\alpha=12^\circ$ бўлган 36206 маркали золдирли радиал-тирак подшипник танлаймиз.

$$d = 30 \text{ мм}, C_r = 22 \text{ кН}, C_o = 12 \text{ кН}.$$

1. Бўйлама куч коэффициент e нинг қийматини аниқлаймиз

$$\frac{F_a}{C_o} = \frac{350}{12000} = 0,029 \text{ бўлганда } e = 0,34; Y = 1,62 \text{ 4.5.3-жадвал}$$

2. Қўшимча бўйлама кучларнинг қиймати аниқланади.
 $F_{SA} = eR_{rA} = 0,34 \cdot 1200 = 408$ Н; $F_{SB} = eR_{rB} = 0,34 \cdot 2650 = 901$ Н.

3. Бўйлама кучларнинг умумлашган қийматлари R_{aA} , R_{aB} аниқланади. $\Sigma X = 0$ $F_{aB} - F_{aA} - F_a = 0$. Бунда $F_{aA} \geq F_{SA}$, $F_{aB} > F_{SB}$ шарт бажарилиши керак. $F_{aB} = F_{SB} = 901$ Н қабул қиламиз. Натижада $F_{aA} = F_{aB} - F_a = 901 - 350 = 551$ Н $> F_{SA} = 408$ шарт бажарилди, демак $F_{aA} = 551$ Н, $F_{aB} = 901$ Н.

4. Кучларнинг эквивалент қиймати R_{Σ} аниқланади.

$$\frac{F_{aA}}{VR_{rA}} = \frac{551}{1 \cdot 1200} = 0,46 > e = 0,34 \text{ демак бу таянч учун}$$

$$R_{\Sigma A} = (XV R_{rA} + Y F_{aA}) \cdot K_1 \cdot K_2 = \text{бунда } X = 0,45, Y = 1,62 \\ R_{rA} = 1200 \text{ Н}, V = 1,0, F_{aA} = 551 \text{ Н}, K_1 = 1,0, K_2 = 1,0 \text{ натижада} \\ R_{\Sigma A} = (0,45 \cdot 1200 + 1,62 \cdot 551) \cdot 1,0 \cdot 1,0 = 1432 \text{ Н}$$

$$\frac{F_{aB}}{VR_{rB}} = \frac{901}{1 \cdot 2650} = 0,34 = e = 0,34 \text{ демак бу таянч учун}$$

$$R_{\Sigma B} = V \cdot R_{rB} \cdot K_1 \cdot K_2 = 1,0 \cdot 2650 \cdot 1,0 \cdot 1,0 = 2650 \text{ Н}.$$

$R_{\Sigma B} > R_{\Sigma A}$ демак В таянч учун C_x , L_x қийматларни аниқлаймиз.

$$\omega = \frac{\pi_1 n_1}{30} = \frac{3,14 \cdot 1450}{30} = 151,7 \text{ с}^{-1},$$

$$C_x = R_{\Sigma B} \sqrt[3]{\frac{573 \omega L_h}{10^6}} = 2650 \sqrt[3]{\frac{573 \cdot 151,7 \cdot 10000}{10^6}} = 25,2 \text{ кН}$$

$C_x > C_r$ шарт бажарилмайди 2-вариант. Таянчлар учун енгил серияли 7206 маркали радиал-тирак конуссимон роликли подшипник танлаймиз. $C_o = 22,0$ кН, $C_r = 29,8$ кН, $e = 0,36$, $Y = 1,65$, 4.5.7-жадвал.

1. Қўшимча бўйлама кучларнинг қиймати

$$F_{SA} = 0,83eR_{rA} = 0,83 \cdot 0,36 \cdot 1200 = 358 \text{ Н}, \\ F_{SB} = 0,83eR_{rB} = 0,83 \cdot 0,36 \cdot 2650 = 792 \text{ Н}.$$

2. Бўйлама кучларнинг умумлашган қиймати F_{aA} , F_{aB} аниқланади $X=0$. $F_{aB} - F_{aA} - F_a = 0$; $F_{aB} = F_{SB} = 792$ қабул қиламиз натижада $F_{aA} = F_{aB} - F_a = 792 - 350 = 442$ Н $> F_{SA}$ шарт бажарилди. Демак $F_{aA} = 442$ Н, $F_{aB} = 792$ Н.

3. Кучланишнинг эквивалент қиймати R_{Σ} аниқланади.

$$\frac{F_{aA}}{VR_{rA}} = \frac{442}{1,0 \cdot 1200} = 0,37 > 0,36 \text{ демак бу таянч учун } R_{rA} = 1200 \text{ Н}, \\ Y = 1,67; F_{aA} = 442 \text{ Н}, K_1 = 1,0, K_2 = 1,0 \text{ натижада}$$

$$R_{\Sigma A} = (0,4 \cdot 1,0 \cdot 1200 + 1,67 \cdot 442) \cdot 1,0 \cdot 1,0 = 1218 \text{ Н}$$

$$\frac{F_{aB}}{VR_{rB}} = \frac{792}{1 \cdot 2650} = 0,3 < e = 0,36, \text{ бунда,}$$

$$R_{\text{эВ}} = VR_{\text{гВ}} \cdot K_1 \cdot K_2 = 1 \cdot 2650 \cdot 1,0 \cdot 1,0 = 2650 \text{ Н.}$$

4. $R_{\text{эВ}} > R_{\text{эА}}$ бўлганлиги учун шу B таянч учун C_x , L_x қий-
матлари аниқлаймиз.

$$C_x = R_{\text{эВ}} \sqrt[m]{\frac{573 \cdot \omega \cdot L_h}{10^6}} =$$

$$= 2650 \sqrt[3,33]{\frac{573 \cdot 151,7 \cdot 10000}{10^6}} = 20,2 \text{ кН.}$$

Подшипникнинг ишлаш муддати (соат ҳисобида) аниқланади


$$L_x = \frac{10^6}{573 \cdot \omega} \left(\frac{C_r}{R_{\text{эВ}}} \right)^m =$$

$$= \frac{10^6}{573 \cdot 151,7} \left(\frac{29800}{2650} \right)^{3,33} = 22400 > L_h.$$

Демак таянчга конуссимон радиал-тирак подшипник ўрнатил-
са, енгил серия танлаш мумкин

тип	d	D	T	C_r , кН	C_0 , кН
7206	30	62	17,5	29,8	22,8

Бир қаторли золдирли радиол подшипниклар ўлчамлари, мм (ГОСТ 8338-75).



2.2.1а-расм

$B = 16 - 20$
 $T = 1,5 - 2$
 $D = 62 - 90$
 $d = 30 - 50$

4.5.5-жадвал

Подшипник шарти белги- си	d	D	B	r	Юк кўтарувчанлиқ, кН	
					C_r	C_0
1	2	3	4	5	6	7

Жуда енгил серия

100	10	26	8	0,5	4,62	1,96
101	12	28	8	0,5	5,07	2,24
104	20	42	12	1	9,36	4,5
105	25	47	12	1	11,2	5,6
106	30	55	13	1,5	13,3	6,8
107	35	62	14	1,5	15,9	8,5
108	40	68	15	1,5	16,8	9,3
109	45	75	16	1,5	21,2	12,2
110	50	80	16	2	21,6	13,2
111	55	90	18	2	28,1	17,0
112	60	95	18	2	29,6	18,3
113	65	100	18	2	30,7	19,6
114	70	110	20	2	37,7	24,5
115	75	115	20	2	39,7	26,0
116	80	125	22	2	47,7	31,5
117	85	130	22	2	49,4	33,5
118	90	140	24	2,5	57,2	39,0
119	95	145	24	2,5	60,5	41,5
120	100	150	24	2,5	60,5	41,5

4.5.5-жадвалнинг давоми

1	2	3	4	5	6	7
Енгил серия						
200	10	30	9	1	5,9	2,65
201	12	32	10	1	6,89	3,1
202	15	35	11	1	7,8	3,55
203	17	40	12	1	9,56	4,5
204	20	47	14	1,5	12,7	6,2
205	25	52	15	1,5	14,0	6,95
206	30	62	16	1,5	19,5	10,0
207	35	72	17	2	25,5	13,7
208	40	80	18	2	32,0	17,8
209	45	85	19	2	33,2	18,6
210	50	90	20	2	35,1	19,8
211	55	100	21	2,5	43,6	25,0
212	60	110	22	2,5	52,0	31,0
213	65	120	23	2,5	56,0	34,0
214	70	125	24	2,5	61,8	37,5
215	75	130	25	2,5	66,3	41,0
216	80	140	26	3	70,2	45,0
217	85	150	28	3	89,5	53,0
218	90	160	30	3	95,6	62,0
219	95	170	32	3,5	108,0	69,5
220	100	180	34	3,5	124,0	79,0


Урта серия

300	10	35	11	1	8,06	3,75
301	12	37	12	1,5	9,75	4,65
302	15	42	13	1,5	11,4	5,4
303	17	47	14	1,5	13,5	6,65
304	20	52	15	2	15,9	7,8
305	25	62	17	2	22,5	11,4
306	30	72	19	2	29,1	14,6
307	35	80	21	2,5	33,2	18,0
308	40	90	23	2,5	41,0	22,4
309	45	100	25	2,5	52,7	30,0
310	50	100	27	3	61,8	36,0
311	55	120	29	3	71,5	41,5
312	60	130	31	3,5	81,9	48,0
313	65	140	33	3,5	92,3	56,0
314	70	150	35	3,5	104,0	63,0
315	75	160	37	3,5	112,0	72,5
316	80	170	39	3,5	124,0	80,0
317	85	180	41	4	133,0	90,0
318	90	190	43	4	143,0	99,0
319	95	200	45	4	153,0	110,0
320	100	215	47	4	174,0	132,0

4.5.5-жадвалнинг давоми

1	2	3	4	5	6	7
Оғир серия						
403	17	62	17	2,0	22,9	11,8
405	25	80	21	2,5	36,4	20,4
406	30	90	23	2,5	47,0	26,7
407	35	100	25	2,5	55,3	31,0
408	40	110	27	3,0	63,7	36,5
409	45	120	29	3,0	76,1	45,5
410	50	130	31	3,5	87,1	52,0
411	55	140	33	3,5	100,0	63,0
412	60	150	35	3,5	108,0	70,0
413	65	160	37	3,5	119,0	78,1
414	70	180	42	4,0	143,0	105,0
416	80	200	48	4,0	163,0	125,0
417	85	210	52	5,0	174,0	135,0

Золдирли радиал-тирак подшипник ўлчами, мм (ГОСТ 831—75)



2.2.16-расм

4.5.6-жадвал

Шартаги белги	d	D	B	r	r ₁	C _r		C ₀	
						кН			
1	2	3	4	5	6	7	8		

Жуда енгил серия $\alpha=12^\circ$

36104	20	42	12	1	0,5	10,6	5,32
36105	25	47	12	1,5	0,5	11,8	6,29
36106	30	55	13	1,5	0,5	15,3	8,57
36107	35	62	14	1,5	0,5	19,1	11,3

4.5.6-жадвалнинг давоми

1	2	3	4	5	6	7	8
Энгил энсиз серия $\alpha=12^\circ$							
36204	20	47	14	1,5	0,5	15,7	8,31
36205	25	52	15	1,5	0,5	16,7	9,10
36206	30	62	16	1,5	0,5	22,0	12,0
36207	35	72	17	2	1	30,8	17,8
36208	40	80	18	2	1	38,0	23,2
36209	45	85	19	2	1	31,2	25,1
36210	50	90	20	2	1	43,2	27,0
36211	55	100	21	2,5	1,2	58,4	34,2
36212	60	110	22	2,5	1,2	61,5	39,3
36214	70	125	24	2,5	1,2	80,2	54,8
36216	80	140	26	3	1,5	93,6	65,0
36217	85	150	28	3	1,5	101,0	70,8
36218	90	160	30	3	1,5	118,0	83,0
36219	95	170	32	3,5	2	134,0	95,0

Урта энсиз серия $\alpha=12^\circ$

36302	15	42	13	1,5	0,5	13,6	6,80
36303	17	47	14	1,5	0,5	17,2	8,70
36308	40	90	23	2,5	1,2	53,9	32,8
36318	90	190	43	4	2	189,0	145,0

Урта энсиз серия $\alpha=26^\circ$

46303	17	47	14	1,5	0,5	16,1	8,0
46304	20	52	15	2	1	17,8	9,0
46305	25	62	17	2	1	26,9	14,6
46306	30	72	19	2	1	32,6	18,3
46307	35	80	21	2,5	1,2	42,6	24,7
46308	40	90	23	2,5	1,2	50,8	31,1
46309	45	100	25	2,5	1,2	61,4	37,0
46310	50	110	27	3	1,5	71,8	44,0
46312	60	130	31	3,5	2	100,0	65,3
46313	65	140	33	3,5	2	113,0	75,0
46314	70	150	35	3,5	2	127,0	85,3
46316	80	170	39	3,5	2	136,0	99,0
46318	90	190	43	4	2	165,0	122,0
46320	100	215	47	4	2	213,0	177,0


Энгил энсиз серия $\alpha=36^\circ$

66207	35	72	17	2,5	1,2	17,0	14,7
66211	55	100	21	2,5	1,2	46,3	28,4
66215	75	130	25	2,5	1,2	71,5	49,0
66219	95	170	32	3,5	2	121,0	85,0
